

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ИЖОДИ УЙИ

# СССР ХАЛҚЛАРИ РАҚСЛАРИ

*ЎзССР халқ ижоди уйи нашрга тайёрлади*

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1967

Қўлингиздаги тўпلامда қардош халқлар рақсларининг баёни берилди. Бу рақслар рақс коллективлари томонидан ижро этишга мўлжалланган. Рақсларни хореография санъатининг кўзга кўринган усталари постановка қилган. Қардош халқларнинг рақслари билан танишиш, уларнинг маданияти, музыкаси, адабиёти билан танишиш каби, ёшларимиз маданий савиясини оширишда катта ҳисса бўлиб қўшилади.  
Рақсларни В. Г. Улянова тўплаган.

СССР халқлари рақслари. Т., Ғафур Ғулом номидаги ба-  
дий адабиёт нашриёти, 1967.  
108 бет. Тиражи 500.

Танцы народов СССР.

## «КРУЧЕНКА»

(«Эшилма»)

РУС ПОЛЬКАСИ

Расмларни А. Зайцева ишлаган.

Шаклга солувчи ва ёзиб чиқувчи Г. Настюкова.

«Крученка» деб аталадиган рус полькаси урал атрофларида тарқалган кўча рақслари асосида ишлангандир. Бу рақс урал рақсларига хос жўшқинлик билан ижро этилади.

Бир шакл иккинчи шакл кетидан келиб, хилма-хил характерларни, хилма-хил юриб ўтишларни, турли ҳолатларни вужудга келтиради. Қўлларнинг енгил силкиниши, аниқ ва енгил ҳаракатлар билан қўшилганда, шундай таассурот қолдириш керакки, гўё ижрочиларнинг оёқлари қарийб ерга тегмаётгандай кўринсин.

Бу вариант иккита ижрочи учун берилган бўлса ҳам, лекин уни бир неча жуфт ўйинчилар ижро этиши мумкин.

Қизнинг кийими. Баскали кофта, этагида икки-уч бурмаси бор унчалик узун бўлмаган юбка, унинг оёғида баланд ботинка ёки қизил этикча. Бошига тиниқ рангли гул қистириб олиши мумкин.

Йигитнинг кийими. Қийтиқ ёқали кўйлак, этагига ва ёқасига рус каштаси тикилган. Қора шимнинг почаси этикча қўнжигга солинган.

### РАҚСНИНГ ТАСВИРИ

Рақс бошланиши олдидан йигит билан қиз чап томонидаги учинчи кулисада бир-бирига қараганлари (йигитнинг юзи ўнг томон кулисаларга қараган) ҳолда турадилар. Йигит ўнг қўлини қизнинг белига қўяди, чап қўли билан эса қизнинг ўнг қўлидан ушлайди. Ижрочилар тирсақдан хиёл эгилиб бир-бирига туташган қўлларини елкадан сал пастроқ кўтардилар. Қиз чап қўлини йигитнинг ўнг елкасига қўяди, бошини чап томонга буриб, йигитнинг чап елкасига томон энгаштиради (2-расмга қаралсин).

Музиканинг муқаддимасидан дастлабки тўрт такт чалинади.


Парда очилади.

Музиканинг биринчи қисмидан 16 такт чалинади.

**1—4-тактлар.** Йигит ўнг оёқдан, қиз эса чап оёқдан бошлаб, соат стрелкасининг ҳаракат йўли бўйича, катта доира бўйлаб юриб, биринчи ҳаракатни ижро этадилар.

**5—8-тактлар.** Раққослар жуфтлик ҳолатни ўзгартмасдан, ўнг томонга бир ярим бурилиш ясаб, ўша томоннинг ўзига юрганлари ҳолда, иккинчи «болғачалар» ҳаракатини ижро этадилар. Музыка 8-тактга етганда, йигит доира йўлига орқаси билан юриб, қиз эса юз ўгиргани ҳолда (расм 1) юриб бораётган бўладилар.

**9—12-тактлар.** Раққослар сахнанинг биринчи плани бўйича ҳаракатланиб, йигит ўнг оёғи билан орқага, қиз эса чап оёғи билан олдинга юриб «урилаётган болғачалар» шаклини ижро этадилар-да, чап томондаги 2- кулисага борадилар (расм 2).



1-расм.

**13—14-тактлар.** Раққослар сахнанинг ўртасига томон ўнг томонга бир айланиб, иккинчи ҳаракат («болғача»)ни бажарадилар. 14-тактнинг охирида, йигит томошабин томонга юз ўгирган ҳолда туриб, бир-бирига қўшилган икки қўлини юқорига кўтаради.

**15—16-тактлар.** Йигит 15-тактнинг «бир» ҳисобига ўнг оёғи билан ерни қаттиқ дўпиллатади. Қиз мағрурона назар билан йигитга бир қараб қўйиб, соат стрелкасининг йўли бўйича кичикроқ доира бўйлаб тўрт қадам ташлайди-да, йигитнинг ўнг ёнига етиб тўхтайдди. Қиз чап қўлини ёнга чиқаргани ҳолда хиёл силкитади («бир» ҳисобида сал-пал пастга), «и» ҳисобида эса юқорига, «икки» ҳисобида — яна пастга, «и» ҳисобида — яна юқорига (расм 3).



2-расм.



3-расм.

16-тактнинг охирида йигит ўнг қўли билан қизнинг чап қўлидан ушлайди, чап қўли билан эса қизнинг ўнг қўлидан ушлайди. Иккала раққоснинг ўнг қўли қизнинг боши устига кўтарилади.

Музиканинг иккинчи қисми (24-такт) чалинади.

**1-такт.** «Бир» ҳисобида раққослар чап оёғи билан ҳавол сакрайдилар, ўнг оёқларини тиззадан букканлари ҳолда, сал-пал кўтарадилар. «И» ҳисобида раққослар буккан ўнг оёқларини ёйиб, пошналарини хиёл урадилар (расм 4).

«Икки» ҳисобида чап оёқлари билан яна сакрайдилар, ўнг оёқларини эса чап оёқнинг ёнига келтириб қўядилар. Йигит билан қиз кўрсатилган ҳаракатларни бажарганларида гавдаларини олдинга хиёл энгаштирадилар, шу пайт йигит қизнинг юзига бир қараб қўймоқчи бўлади, қиз эса бошини ўнг томонга буриб, йигитдан юз ўгиради. «И» ҳисобида — пауза.

**2-такт.** Бир ҳисобида раққосларнинг ҳар бири ўнг томонга ярим бурилиш билан айланади-да, ўнг оёқ билан олдинга бир қадам ташлайди. «Икки» ҳисобида раққослар чап оёқлари билан муъжаз қадам ташлайдилар. Худди шу билан бир вақтда йигит билан қиз чап қўлларини юқорига кўтарадилар, ўнг қўлларини эса пастга туширадилар.

**3—4-тактлар.** Раққослар «олмош қадам» билан сахнанинг учинчи план ўрталиги сари ҳаракат қиладилар.

(3-ҳаракат. Расм 5).

**5—6-тактлар.** Йигит қизнинг чап қўлини қўйиб юборади, икковлари ўнг томонга ярим бурилиб оёқ учи билан ер депсайдилар. Қиз ҳам шу «болғача» ҳаракатини ижро этгани (расм 6) ҳолда, йигитнинг атрофидан айланади.



4-расм.

6-тактнинг охирида раққосларнинг бир-бирига қўшилган ўнг қўллари юқорига кўтарилади.

**7—8-тактлар.** Раққослар оёқ учи билан ер тепинганлари ҳолда, сахнанинг ўртасига томон ҳаракат қиладилар, шу билан бир вақтда қиз қўшилган ўнг қўллар остида ўнг томонга тўлиқ бурилиш ясайди-да, йигитдан ўнг томонда тўхтайдилар.

8-тактнинг охирида йигит чап қўли билан қизнинг чап қўлини ушлайди.

**9—16-тактлар.** Раққослар 1—8-тактлардаги ҳаракатни такрорлайдилар. 16-тактнинг охирида улар бир-бирига юз ўгирганлари ҳолда сахнада тўхтайдилар.



5-расм.

**17—20-тактлар.** Қиз оёғини дўпиллатиб «ёндама юриш» (4-ҳаракат) билан 1-чап кулисага томон боради, йигит эса худди шу ҳаракат билан 3-ўнг кулисага боради (расм 7).



6-расм.

**21—24-тактлар.** Раққослар чап оёқдан бошлаб оёқларини дўпиллатиб, «ёндама юриш билан» саҳнанинг ўртасига қайтиб келадилар-да, бир-бирларига юз ўгирганлари ҳолда тўхтайдилар (йигит чап елкасини томошабинга ўгиргани ҳолда туради).


Музиканинг 1-қисми (16-такт) чалинади.

**1-такт.** Раққослар ўнг оёқдан бошлаб, бир-бирларининг рўпарасида «припляс» ҳаракат ижро этадилар, яъни бир жойда товон билан олмош қадам ташлаб, ерни дўпиллатадилар.

**2-такт.** Раққослар чап оёқдан бошлаб, бир жойда олмош қадам ташлаб, ерни дўпиллатадилар («припляс» 5-ҳаракат).

**3-такт.** Раққослар ўнг қўлларини ушлашиб, юқорига кўтарганлари ҳолда оёқ учи билан ер тепинадилар (2-ҳаракат, «болғача»).

**4-такт.** Раққослар қўлларини қўйиб юбориб, «бир» ҳисобида чап оёқ билан орқага хиёл ирғийдилар, ёйилган ўнг қўлларини олдинга чиқариб кўтарадилар.



7-расм.

8-расм

9-расм.

«И» ҳисобида, ўнг оёқни тиззадан букиб, оёқ учини ерга хиёл урадилар ва «икки» ҳисобида ўнг оёқни чап оёқ ёнига олиб келиб, чап оёқ билан ҳавол ирғийдилар; «и» ҳисобида — пауза.

**5—6-тактлар.** Йигит билан қиз жой олмоштириб, ўнг томонга ярим бурилиш билан «болғача»ни ижро этадилар (яъни оёқ учи билан ер тепинадилар).

**7—8-тактлар.** Раққослар бир-бирларига чап елкаларини ўгирганлари ҳолда, «ковирялочка»ни ижро этадилар (6-ҳаракат, яъни аввал оёқнинг товони ерга урилади, бунда оёқнинг учи юқорига қаратилади; кейин оёқнинг учи ерга урилади, бунда товон юқорига қарайди). Раққослар бир-бирига чап елкаларини ўгирганлари ҳолда шу «ковирялочка» (6-ҳаракат)ни ижро этадилар ва бир-бирларига ўнг елкаларини ўгириб, бу ҳаракатни тамомлайдилар.

**9—12-тактлар.** Раққослар оёқ дўпиллатиб, ёндама юриш билан (қиз чап томондаги 3-кулисага томон, йигит эса, ўнг томондаги 1-кулисага томон) борадилар.

(4-ҳаракат)

**13—14-тактлар.** Раққослар «болғача» ҳаракатини ижро этиб, сахнанинг ўртасига томон юрадилар, бир-бирларига етиб, ўнг елкалари билан бир-бирига тегадигандай бўлиб тўхтайдилар. 14-тактнинг охирида йигит қизнинг ўнг қўли остидан чап қўлини ўтказиб қўлтиқлайди (расм 9).

**15—16-тактлар.** Раққослар «болғача» ҳаракатини ижро этганлари ҳолда, ўнг томонга бир буриладилар. Бурилишнинг охирида улар бир-бирига юзма-юз бўладилар (йигит тамошабинга тескари ҳолда) ва рақс бошланишидаги ҳолатда турадилар (2-расмга қаралсин).

Музиканинг 2-қисми (24-такт) чалинади.



10-расм.

**1-такт.** Раққослар (қиз ўнг оёқдан, йигит эса чап оёқдан) «силкиниш» ҳаракатини (7-ҳаракат)ни ижро этадилар.

**2—4-тактлар.** Раққослар «болғача» ҳаракати билан ўнг томондаги 2-кулисага томон юриб, ўнг томонга бир ярим бурилиш қиладилар. 4-тактнинг охирида йигит юзи билан томошабинга ўгирилади, қиз эса орқаси билан.


**5-такт.** Раққослар (йигит чап оёқдан, қиз эса ўнг оёқдан бошлаб) «силкиниш» (7-ҳаракат)ни ижро этадилар.

**6—8 тактлар.** Раққослар ушлаган қўлларини юқорига кўтариб, саҳнанинг ўртасига томон ҳаракатланадилар.




11-расм.

Қиз, «болғача» ҳаракати билан, ушлашган қўллар остида ўнг томонга бир ярим бурилиш қилади, йигит эса, қизнинг ўнг қўлини қўйиб юбормасдан, «болғача» ҳаракати билан қизнинг кетидан юради (расм 10).



12-расм.



13-расм.

8-тактнинг охирида йигит қизнинг ўнг қўлини қўйиб юборади-да, ўзининг ўнг қўли билан қизнинг чап қўлини ушлайди.

**9—12-тактлар.** Йигит бир жойда тургани ҳолда «болғача уриш» ҳаракатини (1-ҳаракатни) ижро этади, қиз эса худди шу ҳаракатнинг ўзини бажариб, соат стрелкасининг йўлига қарши ҳаракат билан йигит атрофидан давра ясаб ўтади.

9-тактда йигит гўё таклиф қилгандай ҳаракат билан чап қўлини чап томонга ўткази, 10-тактда эса, чап қўлини ўзининг белбоғига қўяди (расм 11).

**13—14-тактлар.** 13-тактнинг «бир» ҳисобида йигит ўнг оёғини ерга уриб, қўлини чап ёнига чиқаради.

Қиз йигитга қарагани ҳолда, тўрт қадам ҳар  $\frac{1}{4}$  га бир қадамдан ташлайди, туташган қўллар остида соат стрелкасининг йўлига қарши кичик доира ясаб юради (расм 12).

**15—16-тактлар.** Йигит билан қиз, 13-расмда кўрсатилганича, айрим-айрим кичик доирача ясаб;  $\frac{1}{4}$  га қадам ташлаб, бир-бирига ўнг елкалари билан текканлари ҳолда тўхталдилар. Ўнг қўлларини туташтириб, раққослар «капалак» ҳосил қиладилар (14-расм). Раққосларнинг ҳар бири чап қўли билан шеригининг ўнг тирсагидан ушлайди.



14-расм.

**17—22-тактлар.** Вазиятни ўзгартмасдан, раққослар оёқ учида оддий қадам ташлаб чапга (ҳар  $\frac{1}{4}$  га бир қадамдан ташлаб) уч бурилиш қиладилар.

**23—24-тактлар.** Йигит томошабинга юз ўгиргани ҳолда тўхтайтиди, туташган қўлларни юқорига кўтаради, қиз эса чапга бир ярим бурилиш қилиб, томошабинга юз ўгирган ҳолда, йигитнинг ўнг томонида тўхтайтиди. Қиз бурилишни тамомлаганда, йигит ўнг қўлини қизнинг белига туширади, чап қўли билан эса унинг чап қўлини ушлайди (15-расм).



15-расм.

Музиканинг 1 қисми (16-такт) чалинади.

**1—8-тактлар.** Раққослар соат стрелкасининг йўлига қарши доира бўйича юриб, сахнанинг учинчи планидаги ўрталик сари силжиганларича, «болға уриш» ҳаракатини (1-ҳаракатни) ижро этадилар. 3—4 ва 7—8-тактларда қиз туташган қўллар остида ўнг томонга бурилади. Бурилиш пайтида йигит қизнинг ўнг қўлини қўйиб юборади.



16-расм.

8-такт охирида раққослар бир-бирига юзма-юз бўлган ҳолда тўхтайдилар. Йигит томошабинга чап елкасини рўпара қилиб туради.

**9—12-тактлар.** Йигит қиз ҳузурида «хулоса» ҳаракатини (8-ҳаракатни) ижро этади.

**13—16-тактлар.** Қиз, гўё йигитнинг ҳаракатига жавоб бергандай, «дўпир-дўпир сакрама» ҳаракатни, «дробь с подскоками» (9-ҳаракатни) ижро этади.

Музыка муқаддимасининг 2-қисми (24-такт) чалинади.

**1—2-тактлар.** Раққослар рўпарама-рўпара турганлари ҳолда, аввал оёқдан бошлаб, кейин чап оёқ билан «припляс» бир жойда товон билан олмош қадам ташлаб, ер дўпиллатиш ҳаракатини ижро этадилар.


**3—4-тактлар.** Қиз билан йигит чап елкалари билан бир-бирига дуч келганлари ҳолда, «болғача» ҳаракатини ижро этиб жой олмоштирадилар. 3-тактда раққослар ўнг томонга ярим бурилиш ясайдилар. 4-тактда эса орқага қайтадилар. 4-такт охирида йигит қизга ўнг қўлини узатади, қиз эса йигитга чап қўлини узатади.

**5—6-тактлар.** Раққослар туташган қўлларини кўтариб, тўрт қадам (ҳар  $\frac{1}{4}$  га бир қадамдан) ташлаганлари ҳолда, жой алиштирадилар (расм 14). Қиз туташган қўллар остидан ўтади. Икковлари томошабин томонга юз ўгирадилар, туташган қўлларини орқага ўтказадилар. Раққослар тўртинчи қадамда гавдаларини олдинга энгаштириб, хиёл тиз чўкадилар.

**7—8-тактлар.** Раққослар туташган қўлларини олдинга чиқариб кўтарадилар, уларни бир-бирларидан ажратадилар, тўрт қадам ташлаб, кичик доира ясайдилар (қиз соат стрелкасининг йўли бўйича юради, йигит эса тескари томонга юради) (расм 17).

Тўртинчи қадамда раққослар гавдаларини олдинга энгаштириб, хиёл чўккалайдилар. Йигит ўнг қўли билан қизнинг чап қўлини ушлайди.

**9—10 тактлар.** Раққослар, бир-бирига жилмайиб қараганлари ҳолда, сахнанинг биринчи плани сари олдинга тўрт қадам ташлайдилар, туташган қўлларини олдинга чиқарадилар.



17-расм.

**11—12-тактлар.** Йигит, туташган қўлларини кўтариб, ярим доира бўлиб ўнг томонга тўрт қадам босади, қиз эса, туташган қўллар остида худди йигит сингари, тўрт қадам босади. Тўртинчи қадамда, қиз чапга бурилиб, йигитга юз ўгиради, йигит эса—ўнгга бурилади.

**13—16-тактлар.** 13-тактнинг «бир» ҳисобида йигит ўнг қўлини чўзиб, унинг кафтини пастга қаратгани ҳолда қизнинг ўнг елкасига қўяди. Қиз ҳам ўнг қўлини йигитнинг ўнг елкасига қўяди (расм 18). Рақ-



18-расм.

қослар чап қўлларини ўнг қўлларининг остидан ўтказиб туташтирадилар. Йигит билан қиз шу тасвирланган вазиятда турганлари ҳолда, «болғача» ҳаракатини ижро этиб, ўнг томонга бир ярим бурилиш қилиб тўхтайдилар (йигитнинг юзи тамошабинга рўпара бўлади).


**17—18-тактлар.** Йигит чап қўли билан қизнинг ўнг қўлидан ушлаб, уни юқори кўтаради ва ўзининг ўнг қўлини ўнг томонга чиқаради.

Йигит турган жойида «болғача» ҳаракатини ижро этади, қиз эса, йигитнинг чап қўлини қўйиб юбормасдан, ўнг ёндаги 2-кулисага ўнг томонга қарата бир ярим бурилиш ясайди (19-расм).

**19—20-тактлар.** Йигит турган жойида чап оёқдан бошлаб «болғача» ҳаракатини ижро этади.

20-тактнинг «бир» ҳисобида йигит ўнг оёқлаб ҳавол сакрайди, «икки» ҳисобида эса — чап оёқлаб сакрайди. Қиз, туташган қўллар остида чапга бир бурилиб, ўнг оёқдан бошлаб «болғача» ҳаракатини бажаради-да, саҳнанинг биринчи планидаги ўрталikka қайтади. 20-тактда қиз чап оёқлаб ҳавол сакрайди, кейин ўнг оёқ билан сакрайди-да, йигитга юз ўгиргани ҳолда тўхтади.

20-такт охирида йигит қизнинг ўнг қўли билан қизнинг чап қўлидан ушлаб, юқорига кўтаради, қизнинг чап қўлини қўйиб юборади.



19-расм.



20-расм.

**21—22-тактлар.** Қиз, туташган қўллар остида «болғача» ҳаракатини ижро этиб, чап томонга яна бир марта бурилади-да, йигитга юз ўгиргани ҳолда бурилишни тамомлайди. Йигит турган жойида «болғача» ҳаракатини бажаради.

**23—24-тактлар.** 23-тактнинг «бир» ҳисобида йигит чап қўлини қизнинг белига қўяди ва раққослар тўртта оддий қадам ташлаб, 24-тактнинг охирида (йигит томошабинга чап елкаси билан, қиз эса — ўнг елкаси билан рўпара бўлганича), тўхтаганлари ҳолда, чапга бир бурилиш ижро этадилар (расм 20).

Музиканинг биринчи қисми (16-такт) чалинади.

**1-такт.** Туташган қўлларни олдинга чиқариб, йигит чап оёқдан, қиз ўнг оёқдан бошлаб, «припляс» (5-ҳаракат) ижро этадилар.



21-расм.

**2-такт.** Раққослар туташган қўлларини орқага ўтказиб, бир-бирларига томон ўгирилганлари ҳолда, «припляс» ҳаракатини ижро этадилар, йигит ўнг оёқдан, қиз эса — чап оёқдан бошлайди.

**3—4-тактлар.** Раққослар саҳнанинг иккинчи планига томон юрганлари ҳолда (йигит ярим доира бўйлаб чапга, қиз эса ярим доира бўй-

лаб ўнга юргани ҳолда), «болғача» ҳаракатини ижро этадилар ва сахнанинг ўртасида учрашадилар. Шакл 20. 4-такт охирида раққослар қўлларини бирлаштириб, «шам» ҳосил қиладилар (бир-бирларининг кафтини бош бармоқ билан ушлайдилар.) Шерикларнинг ўнг қўл тирсақлари бир-бирига тегади. Ижрочиларнинг ҳар бири шеригининг тирсагини чап қўли билан ушлаб туради (21-расм).

**5—8-тактлар.** Раққослар ўнг томонга бир ярим бурилиш қилиб, «болғача» ҳаракатини ижро этадилар. «Бир» ҳисобида улар «шам»ни аста-секин юқорига кўтарадилар. «И» ҳисобида пастга туширадилар. «Икки» ҳисобида яна юқорига кўтарадилар. «И» ҳисобида эса яна пастга туширадилар ва ҳоказо.

8-тактнинг охирида йигит ўнг елкасини томошабин томонга ўгиргани ҳолда тўхталади ва чап қўли билан қизнинг чап қўлидан ушлайди.

**9—10-тактлар.** Йигит туташган қўлларни юқорига кўтариб, «болғача» ҳаракатини ижро этгани ҳолда, қизнинг ўрнига ўтади. Қиз эса йигитнинг қўлини қўйвормагани ҳолда, шу ҳаракатнинг ўзи билан йигитнинг орқасидан айланиб ўтади (22-расм).



22- расм.

**11—12-тактлар.** Йигит юзини қизга ўгиргани ҳолда, 11-тактнинг «бир» ҳисобида ўнг оёғини ерга қаттиқ уради; қиз тўрт қадам ташлайди, қўлларини икки томонга ёзади-да, йигитнинг ҳузурида чап томонга бир марта бурилиб, унга юз ўгиргани ҳолда тўхтади.

12-тактнинг охирида йигит ўнг қўли билан қизнинг чап қўлидан ушлайди.

**13—14-тактлар.** Раққослар туташган қўлларини олдинга чиқаради ва уларни 14-тактда бўшатиб, кичик доира ясаб, тўрт қадам ташлайдилар: йигит соат стрелкасининг йўлига қарши қиз эса стрелканинг йўли бўйлаб юради.

14-тактнинг «Икки» ҳисобида бир-бирига томон хиёл бурилиб, гавдаларини қаттиқ энгаштирадилар.  
 15—16-тактлар. Раққослар бир-бирларига томон хиёл бурилган



23-расм.

ва риёкорона илжайган ҳолда, оёқларини ерга уриб (йигит ўнг оёғини, қиз эса чап оёғини) саҳнанинг олдинги қисмидаги ўрталик сари ҳаракат қиладилар (расм 23).

### ҲАРАКАТЛАРНИНГ ТАСВИРИ

«Болғача уриш» (1-ҳаракат). Дастлабки ҳолат — оёқлар биринчи позицияда.

**1-такт.** «Бир» ҳисобида ўнг оёқ билан олдинга ҳавол сакранг, чап оёқни тиззадан букиб, орқа томондан кескин кўтаринг. «И» ҳисобида чап оёқнинг учи билан ўнг оёқнинг орқасига уринг. «Икки» ҳисобида ўнг оёқ билан олдинга сакранг. Чап оёқни тиззадан букиб, орқа томондан кескин кўтаринг. «И» ҳисобида чап оёқнинг учи билан ўнг оёқнинг орқасига уринг. «Икки» ҳисобида ўнг оёқ билан олдинга сакранг. Чап оёқни тиззадан букиб, орқа томондан кескин кўтаринг. «И» ҳисобида чап оёқнинг учини ўнг оёқнинг орқасига уринг.

**2-такт.** 1-тактдаги ҳаракатларни чап оёқ билан такрорланг.

**3-такт.** «Бир» ҳисобида ўнг оёқ билан олдинга ҳавол сакранг. Чап оёқни тиззадан букиб, орқа томондан кескин кўтаринг. «И» ҳисобида чап оёқнинг учини ўнг оёқнинг орқасига уринг. «Икки» ҳисобида чап оёқ билан ҳавол олдинга ирғинг. Унг оёқни орқа томондан кескин кўтаринг. «И» ҳисобида чап оёқнинг учини ўнг оёқнинг орқа томонига уринг.

**4-такт.** «Бир» ҳисобида чап оёқ билан олдинга ирғишланг.

«И» ҳисобида ўнг оёқни ерга дўпиллатиб уринг.

«Икки» ҳисобида чап оёқни дўпиллатиб ерга уринг.

«И» ҳисобида пауза қилинг.

«Болғача» уриш ҳаракатини бажарганда, қизнинг ҳамма қадами томонга ташланади, ҳаракат эса чап оёқдан бошланади.

«Болғача». 2-ҳаракат. 1-ҳаракатдаги 1—2-тактларнинг тасвирига қаранг.

«Олмош қадам» (3-ҳаракат). Дастлабки ҳолат оёқларнинг биринчи позицияси.

**1-такт.** «Бир» ҳисобида ўнг оёқ билан олдинга томон мўъжаз қадам ташланг.

«И» ҳисобида чап оёқни ўнг оёқнинг ёнига келтириб қўйинг.

«Икки» ҳисобида ўнг оёқ билан ўнг томонга мўъжаз қадам ташланг.

«И» ҳисобида чап оёқни ўнг оёқнинг ёнига келтириб қўйинг.

**2-такт.** 1-тактдаги ҳаракатларни чап оёқ билан қайтаринг. 1-тактнинг тўртинчи нимчорагида бажарилган ҳаракатлар 2-тактнинг «бир» ҳисобидаги ҳаракатлар билан қўшилиб кетади.

«Дўпиллатиб ёндама юриш» (4-ҳаракат). Дастлабки ҳолат учинчи позиция, ўнг оёқ олдинда. Қўллар белда.

**1-такт.** «Бир», «И» ҳисобида ўнг оёқ билан ўнг томонга ҳавол ирғинг. Чап оёқни чапга кўтаринг. Тиззани ва оёқ бетини узатинг. Қўлларни икки ёнга силтаб ёзинг (расм 24).



24-расм.

«Икки» ҳисобида чап оёқ билан сакранг, уни ўнг оёқнинг ёнига келтириб қўйинг. Ўнг оёқни тиззадан букиб, чап оёқнинг олдида кўтаринг. Ўнг оёқнинг тиззасини ўнг томонга чиқаринг. Қўлни силтаб, белга қўйинг.

«И» ҳисобида чап оёқ билан ирғишланг.

**2-такт.** «Бир» ҳисобида полни тепинг ва чап оёқнинг олдида ўнг оёқ билан ер депсанг.

«И» ҳисобида чап оёқни ўнг оёқнинг олдида полга уринг, чап оёқнинг тиззасини ўнг томонга буринг.

«Икки» ҳисобида ўнг оёқ билан ўнг томонга ирғишланг, ўнг оёқни сал кўтаринг, тиззани чап томонга чиқаринг.

«И» ҳисобида ўнг оёқнинг орқа томонидан гавда оғирлигини чап оёқнинг учига ўтказинг.

**3-такт.** «Бир» ҳисобида ўнг оёқ билан ўнг томонга ҳавол ирғишланг. Чап оёқни чап томонга кўтаринг. Қўлларни силтаб икки ёнга чиқаринг.

«И» ҳисобида чап оёқни ўнг томонга ўтказиб ва тиззадан букиб полга сирғангириб уринг.

«Икки» ҳисобида ўнг томонга ярим бурилиш билан ўнг оёқлаб ирғишланг.

«И» ҳисобида пауза.

4-такт. «Бир», «И» ҳисобида ўнг томонга ярим бурилиб, гавда оғирлигини чап оёққа ўтказинг. Букилган ўнг оёқни чап оёқнинг олди-га чиқариб кўтаринг ва ўнг оёқнинг тиззасини ўнг томонга ўтказинг. Қўллар белда бўлсин.

«Икки», «И» ҳисобида ўнг оёқ билан ер депсанг. Чап оёқни орқа томондан кўтаринг, тиззани чапга ўтказинг.



25-расм.

5—8-тактлар. 1—4-тактдаги ҳаракатларни чап оёқ билан қайтаринг.

«Припляс» (5-ҳаракат). Дастлабки ҳолат — учинчи позиция, ўнг оёқ олдинда. Қўллар белда.

Затакт. «И» ҳисобида чап оёқ билан хиёл чўккалаб, ўнг оёқни ўнг томонга ярим доира бўйича олдинга ўтказинг.

1-такт. «Бир» ҳисобида ўнг оёқ билан ҳавол ирғишланг. Чап оёқни олдинга ўтказинг.

«И» ҳисобида гавда оғирлигини чап оёқнинг учига ўтказинг.

«Икки» ҳисобида гавда оғирлигини чап оёқнинг орқасидан ўнг оёққа ўтказинг.

«И» ҳисобида ўнг оёқ билан хиёл чўккалаб ва чап оёқни ярим доира бўйича чап томонга ўтказиб, 3-тактдаги ҳаракатларни бажаринг.

2-такт. 1-тактдаги ҳаракатларни чап оёқ билан такрорланг.

«Ковагрялочка» (6-ҳаракат). Дастлабки ҳолат. Учинчи позиция, ўнг оёқ олдинда. Қўллар белда.

1-такт. «Бир» ҳисобида гавдани ўнг томонга хиёл буриб, ўнг оёқ билан ҳавол ирғишланг. Чап оёқни букилган ҳолда чап томонга кўтаринг. Чап оёқни тиззасини ўнгга буринг.

«И» ҳисобида чап оёқни учи билан полга уринг.

«Икки» ҳисобида чап оёқнинг тиззасини чапга ўтказинг ва чап оёқни ростлаб, пошнаси билан ерга қўйинг.

«И» ҳисобида пауза.

2-такт. «Бир», «И» ҳисобида, чапга ярим бурилиш билан, чап оёқни ўнг оёқ ёнига олиб келиб қўйинг.

«Икки», «И» ҳисобида ўнг оёқни чап оёқнинг олдига чиқариб, (ўнг оёқ билан) полни тепинг.

«Силкиниш» (7-ҳаракат). Дастлабки ҳолат — учинчи позиция, ўнг оёқ олдинда.

**1-такт.** «Бир» ҳисобида ўнг оёқни хиёл букиб, ўнг томонга (ўнг оёқ билан) бир қадам ташланг. Гавдани ўнгга энгаштиринг. Бошни ўнг елка томонга буринг.

«И» ҳисобида чап оёқни ўнг оёқнинг ёнига олиб келиб, гавда оғирлигини чап оёқнинг учига ўтказинг.

«Икки» ҳисобида гавда оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг.

«И» ҳисобида пауза.

«Тугаллаш» (8-ҳаракат). Дастлабки ҳолат — учинчи позиция, ўнг оёқ олдинда. Қўллар белда.

**Затакт.** «И» ҳисобида ўнг оёқ билан ирғишланг.

**1-такт.** «Бир» ҳисобида чап оёқни полга уриб, дўпидлатинг, ўнг оёқни тиззадан букиб, кўтаринг. Қўлларни икки ёнга кенг ёйинг.

«И» ҳисобида чап қўлнинг кафти билан ўнг томонга ўкчасига (остига) уринг, чап қўлни ярим доира бўйлаб ўнг томонга ўтказинг.

«Икки» ҳисобида забт билан ўтириб, гавда оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг. Чап оёқни пошна томони билан чапга қўйинг.

«И» ҳисобида чап қўлнинг панжаларини ич томони билан чап оёқнинг панжасига уринг, гавдани чапга энгаштиринг (расм 26).



26-расм.

**2-такт.** «Бир» ҳисобида гавда оғирлигини чап оёққа ўтказинг. Гавдани ростланг, ўнг оёқни тиззадан букиб (27-расм), кўтаринг.

«И» ҳисобида ўнг қўлнинг кафтини ўнг оёқнинг тиззасидан юқорироққа уринг.

«Икки» ҳисобида ўнг оёқ билан чап оёқнинг ёнига (полни) тепинг.

«И» ҳисобида пауза.

**3-такт.** Сочингизни қўлингиз билан текисланг.

**4-такт.** «Бир» ҳисобида ўнг оёқни тиззадан букиб, кўтаринг. Қўлларингизни силтаб, пастга ташланг ва икки томонга кенг (қулоч) ёйинг.

«И» ҳисобида ўнг қўлнинг кафтини ўнг оёқнинг тиззасига уринг, кафтингизни юқоридан пастга қарата юрғизинг.

OOOP

XADIK  
JADVI

PAKCS  
JADVI



## «БЕДАНА»

## УКРАИНЧА РАҚС

Украин лирик рақси «Бедана» Запорожье областида кенг тарқалган халқ рақси асосида қўйилган бўлиб, шу номдаги қўшиқ музыкаси билан ижро этилади. Қўшиқда севиб қолган йигит ҳақида ҳикоя қилинади. Йигит севикли қизга пошнаси баланд чиройли этик билан узук юборади, сўнгра ўзи келиб севиклисини олиб кетади ва уни эркалаб суйиб, «бедана» деб атайти.

Рақс мазмуни қўшиқ мазмуни билан уйғунлашиб кетади.

«Бедана» қиз ўз дугоналари билан жуда хушчақчақ. Улар йигитни кутишади, пошнаси баланд этик билан узукка ҳавас билан қарайдилар.

Ниҳоят, узоқ вақт интизорлик билан кутилган йигит келади. Рақс авжигача чиқади. Йигит қизлар билан рақсга тушиб, уларни хушнуд этади, рақсни охирги якунловчи қисмида эса «беданани» ҳар қандай фалокатлардан ҳимоя қилишга тайёрлигини билдириб, меҳрибонлик билан уни қучоқлайди. Дугона-қизлар бунга хурсанд бўладилар.

Рақс украин халқ рақсларидаги ҳаракатлар асосида тузилган. Рақс гоҳ равон, гоҳ шиддат билан жуда таъсирчан ижро этилади. Ижрочилар рақснинг айрим жойларида қушларнинг учишига тақлид қиладилар. Баъзи ҳаракатлар анча мураккаб бўлиб, ижро этиш техникасида моҳирликни талаб қилади.

Рақс музыкаси П. И. Берестов томонидан «Бедана» қўшиғи куйи асосида тузилган. Музыка ўлчови —  $\frac{2}{4}$ .

Қизлар ҳамда йигит украинча байрам кийими кийишади.

**Қизларнинг кийимлари:** энглари кенг, узун оқ сарочка, ёқаси, энглари ва этагига кашта тикилган. Сарочка устида катак (ранг-баранг гулли) матадан тикилган плахта (юбка), корсетка ва гуллик фартук кийилади. Бошда буғдой бошоқлари ва майда дала гуллари-дан ясалган гулчамбар. Гулчамбарга турли хил очик рангли ленталар боғланади. Бўйинга мунчоқ тақилади. «Бедана»-қиз қўлига кўзи ярқираб турадиган узук тақади, оёғига эса қизил этик кияди. Иккинчи қиз оёғига ранги бошқа этик кияди.

**Йигитнинг кийими:** кўкрагига сербар, ёқаси билан енг учи-га эса ингичка йўлли кашта тикилган оқ кўйлак. Қизил (шойи) шаро-вар. Ранг-баранг йўл-йўл кенг белбоғ, унинг учлари зархал шокилалаи бўлади. Оёғига қора этик, бошига кул ранг телпак кияди.

## РАҚС ТАСВИРИ

Рақс бошланиши олдидан иккала қиз саҳнанинг орқа чап бурча-гидаги кулиса орқасида турадилар. Олдинда биринчи — «бедана»-қиз, унинг орқасида иккинчи қиз — дугонаси туради. Туширилган ёки хиёл

ёнга ёзилган қўллари билан гулчамбарга боғланган лента учини ушлаб турадилар.


Музиканинг муқаддима қисми (10-такт) чалинади, сўнг рақс бошланади.

Ҳаракат ва қайтадан сафланиш тасвири ижрочилар томонидан берилади.

#### БИРИНЧИ ФИГУРА

Музиканинг биринчи қисми (12 такт) ижро этилади.

1-2-тактларда қизлар биринчи ҳаракатни олға томон ижро этган ҳолда қўллари бир текис силкитиб (бедана қанотларини силкитишига тақлид этиб) саҳнанинг олдинги ўнг бурчагига диагональ йўналиш бўйича югуриб (1-расм) борадилар.



1-расм.

Бунда олдинда «бедана», дугонаси эса унинг кетидан боради. Саҳна бурчагига югуриб боришгач, биринчи қиз тўхтаб дугонасига жилмайиб қарайди. Дугонаси ҳам унга хушчақчақ табассум билан жавоб бериб тўхтайди (2-расм).




2-расм.

3-тактда қизлар гавдаларини бир оз олдинга буккан ҳолда худди узоққа қараётгандек (гўё улар ким учун бу ерга югуриб келган бўлсалар ўша келмаяптими деган маънода) турган жойларида иккинчи ҳаракатни: биринчи қиз чап оёқдан, иккинчи қиз ўнг оёқдан бошлаб ижро этадилар. Шу вақтнинг ўзида қизлар ўрин алмашадилар: биринчи қиз чапга, иккинчи қиз ўнгга ўтади.

4-тактда қизлар иккинчи ҳаракатни бошқа оёқдан ижро этиб дастлабки ҳолатга қайтадилар.


5—6-тактларда қизлар биринчи ҳаракатни чапга ижро этганлари ҳолда олдинга қарашни давом эттириб, саҳнанинг олди бўйлаб чап бурчаги томон йўналадилар (3-расм).



3-расм.

7—8-тактларда 3—4-тактлардаги ҳаракат такрорланади, лекин биринчи қиз ҳаракатни ўнг оёқдан, иккинчиси эса чап оёқдан бошлайди.

9—12-тактларда қизлар учинчи ҳаракатни ижро этганлари ҳолда саҳна ўртасига борадилар: бунда биринчи қиз ўнг оёқдан бошлаб



4-расм.

ўнгга, иккинчи қиз эса чап оёқдан бошлаб чапга айланадилар (4-расм). 12-тактнинг охирида қизлар бир-бирига юзланган ҳолда (томошабинга ёнлари билан) тўхтайдилар.

#### ИККИНЧИ ФИГУРА

Музиканинг иккинчи қисми (16-такт) ижро этилади.


1—3-тактларда қизлар тўртинчи ҳаракатни (ўнг оёқдан бошлаб) ижро этганлари ҳолда бир-бирларига қарши борадилар. Қўллар тирсакдан бир оз букилган ва олдинга чиқарилган. Нигоҳ очиқ қафтларга қаратилган. Қизлар гўё севгилиси совға қилган этикни ҳавас билан томоша қилаётгандай бўладилар (5-расм).

4-тактда қизлар саҳна марказида учрашиб, қўлларини белларига қўядилар ҳамда чап оёқдан бошлаб ўрин алмаштирган ҳолда бешинчи ҳаракат билан чапга айланадилар (6-расм). Ҳаракат тамом бўлгач, қизлар томошабинга юзланадилар.



5-расм.

4-тактда қизлар саҳна марказида учрашиб, қўлларини белларига қўядилар ҳамда чап оёқдан бошлаб ўрин алмаштирган ҳолда бешинчи ҳаракат билан чапга айланадилар (6-расм). Ҳаракат тамом бўлгач, қизлар томошабинга юзланадилар.



6-расм.

5—6-тактларда қизлар ўз жойларида янги этикларига гўё ҳавас билан қараб олтинчи ҳаракатни ижро этадилар.

7-тактда қизлар қўлларини белларига қўйиб олтинчи ҳаракатни чап оёқдан бошлаб биринчи ярмини ижро этадилар.


8-тактда қизлар чап оёқда «ер тепиниш» (бешинчи ҳаракат)ни ижро этар эканлар, бир-бирларининг белларидан ушлаб 7-расмда кўрсатилган ҳолатда турадилар.



7-расм.

9—11-тактларда қизлар 8-расмдаги ҳолатни сақлаган ҳолда ўнг оёқда олдинга шиддат билан (9-тактнинг «бир» ҳисобида) сакрайдилар, сўнгра биринчи ҳаракат билан (чап оёқдан бошлаб) олға югуриб саҳнанинг олди томонига келадилар. Бунда улар олдинга чўзилган қўлларидаги узукка гўё ҳавас билан қараётгандек бўладилар (7-расм).

12-тактда қизлар туташган қўллари яқинига «дарвозача» шаклида кўтардилар, иккинчи қўллари эса олдинга чўзилади (гавда олдида) ва оддий қадамлар билан 360 градусга тўлиқ (биринчи қиз чапга, иккинчиси эса ўнгга) айландилар. 12-тактнинг охирида қизлар бир-бирига юзланиб (8-расм) қўллари яқинига туширдилар.



8-расм.

13—14-тактларда биринчи қиз учинчи ҳаракат билан ярим доира бўйича чапга айланиб чап кулисага томон йўналади (8-расмдаги нуқтали чизиққа қаранг). 14-тактнинг иккинчи чорагида бурилишни тамомлагач, қиз тўсатдан чап кулисага ўз севгилисини кўриб қолади, хурсандлигидан чапак чалган ҳолда бир оз чўккалаб тўхтади.

Иккинчи қиз учинчи ҳаракат билан ўнгга айланиб ўнг кулиса томон йўналади. У йигитни олдинроқ (14-тактда) кўриб биринчи ҳаракат билан биринчи қиз ёнига югуриб боради; унинг чап елкасининг орқасида туради ва оёқ учидан туриб чап кулиса томонга чўзилиб қарай бошлайди. У қўллари билан лента учларидан ушлаб ён томонга тортиб туради.

15—16-тактларда иккинчи қиз ўнг қўли билан биринчи қизнинг белидан тутди (чап қўли ёнига ёзилган), биринчи қиз лента учидан тутган иккала қўлини ён томонига ёзади. Қизлар шу ҳолатда қўллари яқинига текис сўлқитиб (қуш учишга тақлид қилиб) биринчи ҳаракат билан саҳна марказига кетар эканлар, кўпдан бери интизор бўлиб кутишган йигитга майин табассум билан қарашади.

Йигит 15-такт чалинганда саҳнада пайдо бўлади. «Бедана»сини ва унинг дугонасини кўриб қўллари уларга узатган ҳолда бир лаҳза тўхтаб қолади. Сўнгра (16-тактда) икки марта кескин сакраш билан қизлар олдига етиб келиб қўллари кенг ёйиб тўхтади. У қизларни учратганидан ниҳоятда хурсанд бўлиб жилмаяди.

#### УЧИНЧИ ФИГУРА


Музиканинг учинчи қисми (32-такт) ижро этилади.

1—15-тактларда қизлар ва йигит 9-расмда кўрсатилгандек еттинчи ҳаракат билан доира бўйича соат стрелкасининг йўлига қарши югурдилар. Бунда йигит ҳаракатни олға юриб, қизлар эса орқаси билан юриб ижро этадилар.



9-расм.

16-тактда рақс тушувчилар саҳна марказига етиб борадилар ва «ер тепинадилар» (5-ҳаракат). Худди шу пайт йигит қўлини қизлар қўлидан ажратмаган ҳолда юқорига кўтаради, қизлар эса йигитнинг белида туташган қўлларини ажратиб, тезлик билан 180 градус (бири ўнгга, иккинчиси чапга, 10-расм) буриладилар.



10-расм.

16-тактнинг охирида томошабинга юз ўгирган қизлар қўлларини ажратади, йигит пастга туширади.

17-тактда рақс тушувчилар ҳолатини тез ўзгартирадилар: йигит қизларнинг орқасидан — белидан қучади, қизлар бир қўлини йигитнинг елкасига қўяди (бўйнидан қучоқлаб), бошқа қўллари билан лентанинг четини ушлаб ёнларига ёзадилар. Тактнинг биринчи чорагида шу ҳолатда ҳаммаси оёқ учидан олдинга сакрайди (оёқларнинг олтинчи позицияси бўйича) ва хиёл пасаядилар, тактнинг иккинчи чорагида қизлар пасайишдан ростланиб юқорига сакрайдилар ва оёқларини тиззадан букиб уни йигит оёғининг тиззадан юқори қисмига — сонига таянадилар, йигит пасайишдан ростланар экан қизларни юқорига сакраши учун ёрдамлашади ва сакрагач уларни ушлаб туради (11-расм).

18—23-тактларда йигит турган жойида чапга тез айланади. Қизлар унга хушчақчақлик билан қараб туришади (11-расм). Йигит икки марта тўлиқ айлангач, томошабинга юз ўгирган ҳолда (23-тактнинг охири чорагида) тўхтади. Қизлар полга енгилгина сакраб тушадилар.

24-тактда ҳаммалари гавдаларини хиёл букиб ва қўлларини ёнларига кенг ёйган ҳолда ўнг оёқда ер тепинадилар.


25—28-тактларда йигит ўзининг чаққонлигини қизларга кўрсатиб, қўлларини кенг ёйган ҳолда юқорига сакраб тез (бедана учишига тақлид қилиб) айланади. Бу пайтда (25-26-тактларда) қизлар қўл-



11-расм.

ларини ёнларига ёйиб йигитга кулимсираб қараган ҳолда еттинчи ҳаракат билан йигит олдида ярим доира бўйича югурадилар ва шу тарзда ўрин алмашадилар (12-расм). 27—28-тактларда қизлар тиззаларини хиёл букиб ўз жойларида учинчи ҳаракат билан айланадилар (бири ўнгга, иккинчиси чапга).

29—32-тактларда 25—28-тактлардаги музыка такрорланади. Қизлар ўз жойларига қайтиб келишиб бошқа томонга айланадилар.



12-расм.

32-тактнинг охирги чорагида рақс тушувчилар томошабинга юзланадилар. Йигит ўзининг ўнг томонида турган биринчи қиз («бедана») ни чап қўли билан, чап ёнида турган иккинчи қизнинг ўнг қўлини чап қўли билан ушлайди. Қизларнинг бўш қўллари белида бўлади.

#### ТУРТТИНЧИ ФИГУРА

Музиканинг учинчи қисми (32-такт) ижро этилади.

1—7-тактларда рақс тушувчилар туташган қўлларини юқорига кўтариб саҳнанинг олди томон югурадилар, бунда йигит тўрттинчи ҳаракатни ижро этади, қизлар эса тўққизинчи ҳаракат билан туташган қўллар

остида (бири чапга, иккинчиси ўнгга, 13-расмда кўрсатилганидек) айланадилар.

8-тактда ҳаммаси томошабинга юзланган ҳолда турган жойларида «депсиниш»ни (бешинчи ҳаракат) ижро этадилар, туташган қўллар пастга туширилади.

9—16-тактларда рақс тушувчилар томошабинга юзланган ҳолда сахнанинг олди бўйлаб олдинги ўнг бурчак томон йўналадилар. Бунда йигит чўнқайиб ўтириб юриш (ўнинчи ҳаракат)ни ижро этади, қизлар эса «оқсоқланиш» (ўн биринчи ҳаракат)ни: биринчи қиз ўнг оёқдан бошлаб



13-расм.

ижро этишади. Қизлар бир қўли билан йигитнинг қўлини тутаяди, иккинчи (лента ушлаган) қўлларини гоҳ ўзларига, гоҳ ўзларидан четга тебратиб турадилар ва шу билан бир вақтда дам йигит томон эгилиб, дам ростланадилар: 16-тактда қизлар «ер депсинади». Худди шу пайтда иккинчи қиз (йигитнинг чап ёнида турган) ундан қўлини ажратиб ўнгга бурилиб, сахна орқасига қарайди ва чап қўли билан йигитнинг чап қўлидан ушлайди, лента ушлаган ўнг қўлини ёнига чиқаради. Йигит яна чўнқайиб ўтириб юришни ижро этади, чап оёқ учидан тўлиқ чўнқайиб ўтириб, ўнг оёғини олдинга узатган ҳолда тўхтади.

17—19-тактларда қизлар қўлларини йигит қўлидан ажратмай биринчи ҳаракат билан соат стрелкасининг йўлига тескари доира бўйича югуриб чап оёғида ўтирган йигитни ўз жойида айлантирадилар.

20-тактда ҳамма ўз жойида «депсиниш»ни ижро этади. Бунда йигит билан биринчи қиз томошабинга юзланган бўлиб, иккинчи қиз чап қўлини йигитнинг қўлидан ажратади, тезлик билан чапга бурилиб, томошабинга юзланади ва ўнг қўли билан йигитнинг чап қўлини ушлайди.

21—22-тактларда рақс тушувчилар сахнанинг олдинги ўнг четидан сахна марказига диагональ бўйлаб йўналадилар; бунда йигит тўртинчи ҳаракатни ижро этган ҳолда орқаси билан, қизлар эса тўққизинчи ҳаракатни ижро этаётган бир вақтда айланиб (биринчи қиз чапга, иккинчи қиз ўнгга) борадилар. 22-тактнинг охирида рақс тушувчилар 14-расмда кўрсатилган ҳолатда ҳаракатни тамомлайдилар.

23—24-тактларда рақс тушувчилар ўша ҳолатнинг ўзида (14-расм) тўққизинчи ҳаракатни ижро этганлари ҳолда ўз жойларида соат стрелкасининг йўли бўйича айланадилар, гавда бир оз олдинга букилган бўлади. Қизлар кўтарилган қўлларини мулойимлик билан тушириб, ёнларига ёзадилар. 24-тактнинг охирида рақс тушувчилар 360 градус бури-

либ, гавдаларини ростлайдилар. Қизлар бўш қўлларини тўғарак ҳолда яна юқорига кўтардилар (14-расм).

25—26-тактларда рақс тушувчилар ўша ҳолатни ўзгартирмасдан турган жойларида ўн иккинчи ҳаракатни ижро этадилар.



14-расм.



15-расм.

27—28-тактларда рақс тушувчилар диагональ бўйлаб сахна марказига йўналишни давом эттирадидилар. Бунда йигит тўртинчи ҳаракатни ижро этган ҳолда орқаси билан юриб гоҳ биринчи қизга, гоҳ иккинчи қизга қараб юради; қизлар эса тўққизинчи ҳаракат билан айланадилар (биринчи қиз ўнгга, иккинчи қиз чапга) ва 15-расмда кўрсатилгандек тўхтайдилар, қўллар аста-секин олдга туширилади ва ёнга ёзилади.

29—30-тактларда 21—22-тактлардаги ҳаракатлар такрорланади. 32-тактнинг охирида рақс тушувчилар сахна заднигининг ўртасида 14-расмда кўрсатилганидек тўхтайдилар.

#### БЕШИНЧИ ФИГУРА

Музиканинг учинчи қисми (32 такт) ижро этилади.

1—3-тактларда рақс тушувчилар 21-расмда кўрсатилган ҳолатни ўзгартирмаган ҳолда тўртинчи ҳаракат билан сахна марказига югурадилар. Қизлар бўш қўлларини бир текис силкитиб, бедананинг қанот қоқишига тақлид қиладилар.

4-тактда гавдани бир оз олдинга эйгаштирган ҳолда рақс тушувчиларнинг ҳаммаси «ер депсиниш»ни (бешинчи ҳаракат) ижро этадилар.

5—8-тактларда қизлар тўртинчи ҳаракатни ижро этишда давом этиб айланадилар (биринчи қиз ўнгга, иккинчи қиз чапга) ва 15-расмда кўрсатилган ҳолатда тўхтайдилар. Шу вақтда йигит турган жойида ўн тўртинчи ҳаракатни ижро этади.

9—12-тактларда йигит билан иккинчи қиз туташган қўлларини юқорига кўтаради. Ҳосил бўлган «дарвоза»дан биринчи қиз биринчи ҳаракат билан чопиб ўтади. У йигит атрофидан соат стрелкасининг йўлига тескари доира бўйича югуриб айланади; йигит тўртинчи ҳаракатни ижро этган ҳолда ўз ўрнида чапга бурилади. Шу вақтда иккинчи қиз йигитнинг қўлидан ўз қўлини ажратмаган ҳолда йигит атрофидан соат стрелкасининг йўли бўйича айланиб (биринчи ҳаракат) чопади. Биринчи қиз билан учрашгач, у 16-расмда кўрсатилгандек «дарвоза»дан чопиб ўтади. Йигит унинг кетидан бурилади (17-расм). 12-тактнинг охирида рақс тушувчилар дастлабки ҳолатга қайтадилар (15-расм).

13—16-тактларда аввалги тўрт тактдаги ҳаракатлар такрорланади, аммо «дарвоза»дан аввал соат стрелкасининг йўли бўйича иккинчи

қиз ўтади, биринчи қиз эса соат стрелкаси йўлининг доирасига тескари югуриб, иккинчи қиз билан учрашгач «дарвоза»дан ўтади.

Ҳаракат охирида (16-тактда) ҳаммаси «ер депсиниш»ни ижро этиб дастлабки ҳолатга қайтади (15-расм) қўллар ажратилади: йигит қўллари белига қўяди, қизлар эса ёнларига ёзади.




16-расм.

17—32-тактларда қизлар ўн бешинчи ҳаракатни ижро этганлари ҳолда 18-расмда кўрсатилганидек ярим доира бўйича сахна заднигининг ўртасига борадилар. Шу билан бир вақтда 17—24-тактларда йигит



17-расм.

ўн олтинчи ҳаракатни ижро этар экан гоҳ биринчи қизга, гоҳ иккинчи қизга қарайди. 25—28-тактларда йигит ўн еттинчи ҳаракатни ижро этган ҳолда сахна задниги томон чекинади. 29—31-тактларда йигит чап оёқ



18-расм.




19-расм.

устига кескин ўтиради ва кафтлари билан полга таяниб ўнг оёғини ён томонга чиқаради ва «тегирмон» (ўн саккизинчи ҳаракат) ҳаракатини ижро этади. Чапга уч марта тўлиқ бурилиш қилгандан сўнг йигит бир марта «оёқ кесиш» (19-ҳаракат) ижро этади ва ҳаракатни 19-расмда кўрсатилган ҳолатда тамомлайдилар.

#### ОЛТИНЧИ ФИГУРА

Музиканинг учинчи қисми (32-такт) ижро этилади.

1—11-тактларда йигит қизларга хурсанд боқиб, йигирманчи ҳаракатни ижро этган ҳолда саҳна марказига йўналади. Қизлар тўққизинчи ҳаракатни ижро этган ҳолда қўлларини силкитиб (қанот қоқиб) йигитни кузатади. Яъни 1—4-тактларда қизлар томошабинга нисбатан ёнлари билан борадилар (21-расм); 5—8-тактларда қизлар айланадилар (биринчи қиз ўннга, иккинчиси чапга) бунда доимо йигитдан кўз узмайдилар. Бурилишнинг бошидаги ва охиридаги гавда билан қўлларнинг ҳолати 21 ва 22-расмларда кўрсатилган. 9—11-тактларда яна гавдаларини йигит томонга буккан ҳолда томошабинга нисбатан ёнлари билан борадилар (21-расм).




20-расм.

12-тактда қизлар томошабинга юзланиб «ер депсиниш»ни (бешинчи ҳаракат) ижро этадилар. Йигирманчи ҳаракат тамом бўлмасдан йигит чўнқайиб ўтиришдан туриб у ҳам «ер депсиниш»ни ижро этади. 12-тактнинг охирида йигит қизларнинг белидан қучади. Қизлар бир қўлини йигитнинг орқа белига қўядилар (биринчи қиз чап қўлини, иккинчи қиз ўнг қўлини), лента тутган қўлларини эса ёнларига ёзадилар.

13—15-тактларда рақс тушувчилар 12-тактнинг охиридаги кўрсатилган ҳолатда турган жойларида йигирма биринчи ҳаракат билан соат стрелкасининг йўлига тескари доира бўйича тез айланадилар (23-расм). Яъни биринчи қиз ва йигит ҳаракатни олдинга, иккинчи қиз эса орқага




21-расм.



22-расм.

ижро этади. Қизлар йигитдан гавдаларини четлатиб, унга хушчақчақлик билан қарайдилар, йигит ҳам уларга табассум билан боқади.

Рақс тушувчилар уч марта бурилганларидан сўнг чап кулисага юзланган ҳолда (томошабинга ўнг елкалари билан) тўхтайдилар.




23-расм.

16-тактда йигит қўлини тушириб сакраш билан олдинга интилади ва қизларга юзланиб ўтиради (оёқлар учинчи позицияда, ўнг оёқ олдинда, қўллари билан полга таянади). Қизлар қўлларини ёнларига ёзиб «ер депсиниш»ни ижро этадилар (24-расм).




24-расм.

17—30-тактларда йигит, йигирманчи ҳаракатни ижро этган ҳолда саҳна заднигининг ўртасига, сўнгра саҳна олдига (25-расм) ярим доира бўйича соат стрелкасининг йўлига қарши доира бўйлаб йўналади. 30-тактнинг охирида томошабинларга юзланган ҳолда қўлларини ёнига кенг ёйиб тўхтайди.




25-расм.

Шу вақтнинг ўзида, 17—26-тактларда, қизлар йигирма учинчи ҳаракатни ижро этганлари ҳолда йигитнинг жетидан чопадилар. Улар ҳам худди йигит каби ярим доира бўйича соат стрелкасининг йўлига қарши доира бўйлаб саҳна заднигига борадилар. 27—28-тактларда қизлар биринчи ҳаракат билан саҳна заднигидан саҳна олдига қараб диагональ йўналишда чопадилар (26-расм); бунда гавда бир оз олдинга интилиб лента тутган қўллар ён томонга ёзилган бўлади. 29—30-тактларда қиз-



26-расм.

лар учинчи ҳаракатни ижро этганлари ҳолда йигитга яқинлашадилар, яъни биринчи қиз чапга айланган ҳолда йигитнинг олдидан ўтади ва унинг чап томонига туради; иккинчи қиз ўнгга айланиб йигитнинг орқасидан ўтади ва унинг ўнг томонида туради (27-расм). 30-тактнинг охирида қизлар йигитнинг бўйнидан қучадилар, лента тутган бўш қўллари эса ёнга чиқарадилар. Йигит қизларнинг белидан қучади, ҳаммалари хиёл пасаядилар.



27-расм.

31-тактнинг биринчи чорагида қизлар йигитнинг кўмаги билан сакрайдилар ва 11-расмда кўрсатилган ҳолатда бўладилар.

31-тактнинг иккинчи чорагида йигит иккита оддий қадам билан чапга  $180^\circ$  бурилади ва томошабинга тескари туради. Қизлар бўш қўллари бир текис силкитиб, унга хушчақчақ қараб турадилар.

32-тактнинг биринчи чорагида 31-тактнинг иккинчи чорагидаги ҳаракат такрорланади, аммо йигит бунда томошабинга юз ўнгирган ҳолда туради.

32-тактнинг иккинчи чорагида қизлар полга сакраб тушадилар, йигит чап қўлини биринчи қизнинг («бедана»нинг) чап елкасига қўяди,



28-расм.

сўнг уларнинг иккаласи ҳам худди 28-расмдагидек чўккалайдилар. Иккинчи қиз лента тутган қўлларини ёнларига кенг ёзиб, гавдасини олдинга энгаштиради ва дўстларининг севгисига хурсанд бўлиб, ёқимли жилмаяди.

## ҲАРАКАТЛАР ТАСВИРИ

### БИРИНЧИ ҲАРАКАТ

#### «Майда қадамда чопиш»

Бунда оёқлар олтинчи позицияда бўлиб майда қадамлар билан тез чопилади. Ҳар бир  $\frac{1}{16}$  тактда бир қадам ташланади, шу тариқа  $\frac{1}{8}$  тактда икки қадам (ўнг ва чап оёқда ташлагач) тўғри келади. Бир тактда ( $\frac{2}{4}$  ҳисобида) саккизта майда қадам ташланади. Қадамлар оёқ учи билан энгил ижро этилиб тиззалар бир оз букилган, гавда эса олға интилган бўлади. Бу ҳаракат худди қушларнинг тез йўрғалашини эслатади.

«Майда қадамлаб чопиш» турли томонга ижро этилади:

а) олдинга, б) орқага, в) ёнга. Чап томонга ҳаракат қилганда биринчи қадам чап оёқ билан чапга ташланиб сўнг ўнг оёқ олтинчи позиция бўйича оёқ ёнига олиб бориб қўйилади, яна чап оёқ билан чапга қадам ташланади ва ҳоказо. Ўнг томонга ҳаракат этилганда эса ўнг оёқ билан ўнгга қадам ташланади.

### ИККИНЧИ ҲАРАКАТ

#### «С а к р а ш»

Музиканинг бир тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

а) Ҳаракат чап оёқдан бошланади.

Дастлабки ҳолат — оёқлар учинчи позицияда, чап оёқ олдинда. Қўллар ёнга ёзилган.

Затактда ҳар иккала оёқ устига хиёл ўтирилади.

«Бир» ҳисобида (тактнинг биринчи саккизлигида) ўтирган ҳолатдан тураётганда чап оёқ ёй шаклида чапга чўзилади ва унга энгилгина сакраб ўтилади.

«И» ҳисобида (иккинчи саккизлик) ўнг оёқ чап оёқ орқасига ўтказилиб учи билан қўйилади.

«Икки — И» ҳисобига (учинчи ва тўртинчи саккизлик) чап томондаги узоққа қараган ҳолда гавда олдинга энгаштирилади.

Сўнгра ҳаракат ўнг оёқдан бошлаб ижро этилади.

б) Ўнг оёқдан бошланадиган ҳаракат.

Дастлабки ҳолат — оёқлар учинчи позицияда, ўнг оёқ олдинда. Қўллар ёнга ёзилган.

Затактда ҳар иккала оёқ устига хиёл ўтирилади.

«Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлигида) ўтирган ҳолатдан тураётганда ўнг оёқ ёй шаклида ўнгга чўзилади ва унга енгилгина сакраб ўтилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқ ўнг оёқ орқасига ўтказилиб учи билан қўйилади.

«Икки — И» ҳисобига (учинчи ва тўртинчи саккизлик) ўнг томонга — узоққа қараган гавдани олдинга энгаштирилади.

Сўнгра ҳаракат чап оёқдан бошлаб ижро этилади.

#### У Ч И Н Ч И Ҳ А Р А К А Т

##### «Гир айланиш»

Айланма бурилиш (360 градусга) иккита ярим бурилишдан (180 градусга) иборат бўлиб, музиканинг бир тактида кетма-кет ижро этилади. Ҳисоб —  $2/4$ .

Дастлабки ҳолат — оёқлар биринчи позицияда.

Қизлар ёнларига ёзилган қўлларида боғланган лентанинг учидан ушлаб турадилар (2-расм).

а) Ўнгга қилинадиган ҳаракат.

«Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлигида) ўнг томонга ўнг оёқнинг учи билан қадам ташланади ва шу оннинг ўзида ўнг оёқ учидан ўнгга 180 градус бурилади. Чап оёқни ердан узиб, товонини ўнг оёқ тўпиғига жипслаб қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқни чап томонга чўзиб, учи билан полга қўйилади (гавда оғирлиги ўнг оёқда қолади).

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқ билан чап томон олдинга қадам ташлаб учи билан қўйилади ва шу оннинг ўзида чап оёқ учидан ўнгга 180 градус бурилади. Бурилган вақтда ўнг оёқни полдан узиб, товонини чап оёқ тўпиғига жипслаб қўйилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) ўнг оёқни ўнг томонга чўзиб учи билан полга қўйилади (гавда оғирлиги чап оёқда қолади).

Сўнгра ҳаракат бошидан бошланади.

б) Чапга қилинадиган ҳаракат.

Бу ҳам худди аввалгидек ижро этилади, фақат бу сафар чап оёқда чапга қадам ташланади ва чапга (180 градус) бурилади; ўнг оёқ товони чап оёқнинг тўпиғига жипслаб қўйилади. Сўнгра ўнг оёқ билан ўнгга қадам ташлаб чапга 180 градус бурилади. Чап оёқни полдан узиб, товонини ўнг оёқнинг тўпиғига жипслаб қўйилади.

#### Т У Р Т И Н Ч И Ҳ А Р А К А Т

##### «Падебаск»

Музиканинг бир тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $2/4$ .

Дастлабки ҳолат — оёқлар учинчи позицияда, ўнг оёқ олдинда.

Затактда чап оёққа хиёл ўтирилади, ўнг оёқни полдан узиб, олдинга чўзилади ва полга теккизмасдан ўнг томонга ярим доира бўйича ўтказилади.

«Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлигида) енгил сакраб ўнг оёқ учига ўтилади, тиззалар хиёл букилган бўлади. Чап оёқни бир оз олдинга кўтарилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёққа хатлаб ўтиб, ўнг оёқ олдига учи билан қўйилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) ўнг оёққа хатлаб ўтиб, чап оёқ орқасига учи билан қўйилади. Чўзилган чап оёқ хиёл олдинга кўтарилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) чап оёқни полга теккизмай ярим доира бўйича чапга ўтказилади.

Бундан кейин ҳаракат чап оёқдан бошлаб (чап оёқда сакраб сўнг-ра аввал ўнг оёққа, ундан кейин чап оёққа хатлаб ўтилади) такрорланади. Сўнг ҳаракат бошидан бошланади.

#### БЕШИНЧИ ҲАРАКАТ

##### «Депсиниш»

Музиканинг бир тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат — оёқлар биринчи позицияда.

Загактда чап оёқ полдан хиёл кўтарилади.

«Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлигида) чап оёқнинг учи-га сакраб ўтилиб, уни ўнг оёқ ёнига қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) ўнг оёқнинг учига сакраб ўти-либ, уни чап оёқ ёнига қўйилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқда енгил депсиниб ўнг оёқ ёнига қўйилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) — пауза.

Бу ҳаракатни ўнг оёқдан бошлаб ижро этиш ҳам мумкин.

#### ОЛТИНЧИ ҲАРАКАТ

##### «Оёқда ер қовлаш» ва олдинга чиқариш

Музиканинг икки тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат — оёқлар биринчи позицияда. Қўллар белда.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чорагида) чап оёқда хиёл сакралади: шу билан бир вақтда ўнг оёқ ўнгга бурилади (чап оёқдан бир товон ораллигида) ва товонини юқори қаратиб, учи билан қўйи-лади, оёқ тиззаси чапга бурилган. Гавда бир оз чапга бурилиб, ўнг елка олдинга чиқарилади. Бош ўнг елкага бурилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) чап оёқда хиёл сакралади; ўнг оёқ тиззасини тўғрилаб аввалги учи турган жойга товони билан қўйи-лади, тиззаси ўнгга бурилади. Гавда бир оз ўнгга бурилиб, чап елка ол-динга чиқарилади. Қўллар бел текислигида ёнга ёзилади.

**2-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чорагида) чап оёқда ен-гил сакралади; шу билан бир вақтда ўнг оёқни тиззадан буккан ҳолда чап оёққа яқинлаштириб товонини чап оёқ тиззасидан хиёл пастроққа текказилади. Қўллар кўкрак олдида қовуштирилади. Гавдани дастлаб-ки ҳолатга (томошабинга юзланиб) бурилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) яна чап оёқда сакраб шу билан бир вақтнинг ўзида ўнг оёқни тиззадан буккан ҳолда олдинга (полдан бир оз юқори) аста кўтарилади. Қўллар оёқ кўтарилган йўналиш бўйи-

ча олдга чўзилади. Бошни бир оз олдинга — ўнгга эгилади, қиз гўё чиройли этигини завқ билан томоша қилади (7-расм).

Сўнгра ҳаракат чап оёқдан бошлаб ижро этилади. Энди сакрашлар ўнг оёқда бўлиб, чап оёқда эса аввал ўнг оёқ ижро этган ҳаракатлар такрорланади.

#### ЕТТИНЧИ ҲАРАКАТ

##### «Падебаск чопиш»

Музиканинг тўрт тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $2/4$ .

**1—2-тактларда** «подебаск» (тўртинчи ҳаракат) аввал ўнг оёқ билан, сўнгра чап оёқ билан ижро этилади.

**3—4-тактларда** чап оёқдан бошлаб биринчи ҳаракат (майда қадамлаб чопиш) ижро этилади.

Бу ҳаракатни олдинга (бунда ҳамма қадамлар олдинга ташланади) ёки орқага (қадамлар орқага ташланади) ижро этиш мумкин.

#### САККИЗИНЧИ ҲАРАКАТ

##### «Учиш»

Музиканинг тўрт тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $2/4$ .

Дастлабки ҳолат — оёқлар биринчи позицияда, қўллар белда бўлади.

Затактда ҳар иккала оёқ устига хиёл ўтирилади.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чорагида) полни қаттиқ тепиб юқорига баланд сакралади, оёқ ва қўллар ёнга кенг ёйилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чоракда) полга тўла ўтирилади (оёқлар биринчи позиция ҳолатида). Тиззалар ёнга кенг ёзилади. Қўллар белга қўйилади.

**2-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чорагида ўтирган ҳолатдан туриб, полда ҳар иккала оёқнинг тўлиқ товони билан ёнга сирпанади ва иккинчи позиция ҳолатида товонлаб туради.

Оёқ учлари юқорига кўтарилган, қўллар ёнга кенг ёзилган бўлади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чоракда) — пауза.

**3-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи ва иккинчи саккизлиги) сакраш билан оёқлар биринчи позициядагидек бирлаштирилади, ҳар иккала оёқ учиди кескин ва тўла ўтирилади. Тиззалар ёнга кенг ёзилади. Гавда тўғри тугилади. Қўллар белга қўйилган бўлади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқнинг учиди хиёл кўтарилган ҳолда енгил сакралади; шу билан бир вақтда ўнг оёқ тиззаси тўғриланиб олдига чўзилади. Қўллар ёнга ёзилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) ўнг оёқ чап оёқнинг олдига учинчи позиция ҳолатида қўйилади ва ҳар иккала оёқ устида хиёл ўтирилади. Қўллар ёнга бел баробар очилади.

**4-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) юқорига баланд сакралади ва шу билан бир вақтда ҳавода қўлларни кўкракка тўғрак ҳолда келтириб бурилиш (360 градусга) қилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ҳар иккала оёқ тиззаси хиёл букилган ҳолда оёқ учиди пасайилади. Қўллар ёнга бел баробарида кенг ёзилади.

## ТУҒҚИЗИНЧИ ҲАРАКАТ

Майда қадамлар билан сакраш ва оёқни олдинга чўзиш («дўпирлатишлар»).

Музиканинг бир такти ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат — оёқлар олтинчи позицияда.

Затактда ўнг оёқ полдан хиёл ажратилади ва олдинга чиқарилади (оёқ юзи чўзилган бўлади).

«Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) ўнг оёқда кичикроқ сакраб оёқ олдига қўйилади; чап оёқни полдан ажратиб олдинга чўзилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқда кичикроқ сакраб, ўнг оёқ олдига қўйилади; ўнг оёқни полдан ажратиб олдинга чўзилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) тактнинг биринчи саккизлигидаги ҳаракат такрорланади. Ижрочи гоҳ ўнг оёқни, гоҳ чап оёқни олдинга чўзиб, майда қадамлар билан олдинга ёки ёнга силжийди, шунингдек музиканинг бир тактида 360 градусга бурилади.

## УНИНЧИ ҲАРАКАТ

### «Урмалаш»

Музиканинг бир такти ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат — олтинчи позиция бўйича ҳар иккала оёқ учидан тўлиқ ўтирилади.

Затактда ўтирган ҳолатдан турмай чап оёқ хиёл кўтарилади.

«Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) ўтирган ҳолатдан турмай — енгил сакраб чап оёқ учига ўтилади, тиззаси букилган ҳолда ўнг оёқ ёнига қўйилади. Ўнг оёқ бир оз кўтарилиб олдинга кескин чўзилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ўтирган ҳолатдан турмай енгил сакраб ўнг оёқ учига ўтилади, тиззаси букилган ҳолда чап оёқ ёнига қўйилади. Чап оёқ бир оз кўтарилиб олдинга кескин чўзилади. Шундан кейин ҳаракат такрорланади, рақс тушувчилар олға силжийдилар.

«Урмалаш»ни ён томонга силжиб ижро этиш ҳам мумкин. Бу ҳолда сакраб оёқ учига ўтилади, тиззалар букилади, оёқ олтинчи позицияда эмас, балки иккинчи позицияда (бир-биридан унча узоқ бўлмаган масофада) бўлади.

## УН БИРИНЧИ ҲАРАКАТ

### «Пасайиш»

Музиканинг бир такти ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат: оёқлар учинчи позицияда, ўнг оёқ олдинда.

а) ҳаракат ўнг оёқдан бошланади.

Затактда ўнг оёқ бир оз юқори кўтарилиб ўнг томонга сурилади.

«Бир» ҳисобига тактнинг биринчи саккизлиги (ўнг оёқ билан ўнга тўлиқ товонда қадам ташланади ҳамда унга енгилгина ўтирилади; шу билан бир вақтда чап оёқни полдан узиб тиззаси букилади ва ўнг оёқ орқасига — товонига (тўпигидан хиёл пастга) қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқ учи оёқ орқасига қўйилиб тиззаси тўғриланади. Ўнг оёқ хиёл кўтарилиб ўнг томонга тиззаси тўғриланган ҳолда сурилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) «бир» ҳисобида ижро этилган ҳаракат такрорланади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) затактда ижро этилган ҳаракат такрорланади.

Сўнгра ҳаракат ўнг оёқдан «бир» ҳисобидан бошлаб такрорланади.

б) чап оёқдан бошланадиган ҳаракат.

Бу ҳаракат ҳам худди шундай ижро этилади. Чап оёқдан бошланиб чап томонга қадам ташланади, ўнг оёқ эса чап оёқ ёнига олиб борилади.

#### У Н И К К И Н Ч И Х А Р А К А Т

##### «Туртиб ўрнига қўйиш»

Музиканинг икки тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат — оёқлар биринчи позицияда.

Затактда ўнг оёқ ўнг томонга бир оз кўтарилади, чап оёқ тиззаси хиёл букилади.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) ўнг оёқ тиззаси хиёл букилган ҳолда олтинчи позиция бўйича чап оёқ ёнига қўйилади ва унга гавда оғирлиги туширилади, чап оёқ эса полдан хиёл узилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқда чапга иккинчи позиция бўйича қадам ташланади, гавда оғирлиги чап оёққа ўтказилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) ўнг оёққа сакраб ўтилади ва чап оёқ ёнига қўйиб унга енгилгина ўтирилади. Чап оёқни чапга кескин — (гўё ўнг оёқ зарбидан) полдан бир оз юқорида — чўзилади. Чап оёқ учи ва тиззаси ёзилган бўлади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) — пауза.

**2-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) чап оёқ олтинчи позиция бўйича ўнг оёқ ёнига қўйилади ва унга гавда оғирлиги туширилади, бунда тизза бир оз букилган бўлади. Ўнг оёқ полдан хиёл узилган бўлади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) ўнг оёқ билан иккинчи позиция бўйича ўнгга қадам (чиқармай) ташланади. Оёқ тиззаси ёзилган бўлиб, гавда оғирлиги ўнг оёққа туширилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёққа сакраб ўтилади ва ўнг оёқ ёнига қўйиб, ўнгга енгилгина ўтирилади. Ўнг оёқни ўнгга кескин ёзилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) — пауза.

#### У Н У Ч И Н Ч И Х А Р А К А Т

##### «Арғамчи»

Музиканинг бир тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат: оёқлар учинчи позицияда, ўнг оёқ олдинда.

Затактда чап оёқ учида енгил сакраб, олдинга хиёл сирпанади. Ўнг оёқнинг тиззасини букиб, бир оз кўтарилади ва чап оёқ орқасига ўтказилади. (Ўнг оёқнинг тўлиқ товони чап оёқнинг тиззаси олдида, ўнг оёқ тиззаси эса ўнгга бурилади).

«Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) ўнг оёқ учи билан чап оёқ орқасига қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) ўнг оёқ учида енгил сакраб олдинга хиёл сирпанади. Чап оёқ тиззасини букиб бир оз кўтарилади ва ўнг оёқ орқасига ўтказилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқ учи билан ўнг оёқ орқасига қўйилади. «И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) затактда ижро этилган ҳаракат такрорланади.

Сўнгра ҳаракат («бир» ҳисобидан бошлаб) бошидан ижро этилади.

#### У Н Т У Р Т И Н Ч И Ҳ А Р А К А Т

#### «К а б р и о л ь» в а «Е р д е п с и н и ш»

Музиканинг тўрт тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат: оёқлар олтинчи позицияда.

Затактда чап оёқ устига енгил ўтириб ўнг оёқ полдан узилади ва олдинга — чапга ўтказилиб чап оёқ олдига қўйилади.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) ўнг оёқ чап оёқнинг олдига қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқ полдан хиёл узилади ва тиззаси ёзилиб чапга олиб ўтилади.

«И» ҳисобига (учинчи саккизлик) ўнг оёқда сакраб ҳавода ўнг оёқ пошнаси билан чап оёқ пошнаси бир-бирига тезлик, аммо енгилгина урилади ва шу оннинг ўзида ўнг оёқ полга (оёқ учида) қўйилади; чап оёқ тиззаси ёзилган ҳолда чап томонга чиқарилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) чап оёқ олдинга — ўнгга ўтказилганда ўнг оёқ билан кесишади.

**2-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) чап оёқ ўнг оёқ олдига қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) ўнг оёқ полдан хиёл узилиб ўнгга ўтказилади. Тиззаси ёзилган бўлади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқда сакраб, ҳавода чап оёқ пошнаси билан ўнг оёқ пошнаси бир-бирига тез, аммо енгилгина урилади ва шу оннинг ўзида чап оёқ полга (оёқ учи) қўйилади; ўнг оёқ тиззаси чўзилган ҳолда ўнг томонга чиқазилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) ўнг оёқ олдига — чапга ўтказилганда чап оёқ билан кесишади.

**3-такт.** Биринчи тактдаги ҳаракат такрорланади.

**4-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) чап оёқ билан ер тепилади. «И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) ўнг оёқ билан ер тепилади. «Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқ билан ер тепилади. «И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) — пауза.

#### У Н Б Е Ш И Н Ч И Ҳ А Р А К А Т

#### «Г и р а й л а н и б о л ғ а с и л ж и ш»

Музиканинг тўрт тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат: қиз томошабинга юзланган ҳолда туради. Оёқлар биринчи позицияда. Лента ушлаган қўллар белга қўйилади.

а) ўнгга бурилиб силжиш.

Затакта чап оёққа енгил ўтирилади; ўнг оёқни полдан узиб олдинга чиқарилади ва ўнгга кичик ярим доира бўйича ўтказилади.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) ўнг оёқни олдинга чиқарган ҳолда енгил (чап оёқдан кичик бир қадамча масофада) сакралади ва унга енгилгина ўтирилади. Шу билан бир вақтда ўнгга 90 градус бурилиб томошабинга чап елка билан турилади. Лента тутган қўллар ёнга кенг ёзилади. Чап оёқни полдан хиёл кўтариб олдинга чиқарилади. Бош томошабин томонга бурилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқ товони билан қўйилади (учи юқори кўтарилган бўлади). Қўллар ёнга ёзилган. «Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) ўнг оёқни чап оёқ орасига олиб ўтилади. Қўллар ёнга ёзилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) чап оёқ тиззаси чўзилган ҳолда полдан хиёл узилади. Қўллар ёнга ёзилади.

**2-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) чап оёқ ўнг оёқнинг ёнига қўйилади; шу билан бир вақтда ўнгга 90 градус бурилиб, томошабинга елка билан (саҳна марказига юз ўгирган ҳолда) турилади. Лента тутган қўллар белга қўйилади. «И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) ўнг оёқ чап оёқнинг орқасига қўйилади; шу билан бир вақтда ўнгга 180 градус бурилиб томошабинга юз ўгирган ҳолда турилади. Қўллар белда бўлади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқ ўнг оёқ ёнига олтинчи позиция бўйича қўйилади. Қўллар белда бўлади.

«И» ҳисобига (тўрттинчи саккизлик) — пауза.

**3-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) ўнг оёқ билан ўнгга қадам ташланади; шу билан бир вақтда ўнгга 180 градус бурилади. Лента ушлаган ўнг қўл ёнга елка текислигидан юқорироқ кўтариб ёзилади, чап қўл белга қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқни полдан узиб тиззасини чўзган ҳолда чап томонга чиқарилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) ўнг оёқда сакраб ҳавода ўнг оёқ товони билан чап оёқ товони бир-бирига тез, аммо енгилгина урилади. Лента тутган ўнг қўл юқорига кўтарилади, чап қўл эса белда бўлади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) ўнг оёқ тўлиқ товонда қўйилиб унга енгилгина ўтирилади. Чап оёқ тиззаси чўзилиб чап томонга чиқарилади ва кўтарилган ҳолатда қолади. Лента ушлаган ўнг қўл юқорига кўтарилган, чап қўл эса белда бўлади.

**4-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) чап оёқ ўнг оёқ ёнига қўйилади.

Шу билан бир вақтда ўнг оёқ полдан хиёл кўтарилади ва ўнгга 90 градус бурилиб томошабинга нисбатан ўнг елка билан турилади.

Лента тутган ўнг қўл белга қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) ўнг оёқ чап оёқ ёнига қўйилади, шу билан бир вақтда чап оёқ полдан хиёл кўтарилиб, ўнгга 90 градус бурилиб томошабинга нисбатан юз ўгирган ҳолда турилади. Қўллар белга қўйилган бўлади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқ ўнг оёқ ёнига қўйилади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) — пауза.

Сўнгра ҳаракат бошидан такрорланиб рақс тушувчилар олға силжийдилар.

Чапга бурилиб ҳаракат этиш ҳам худди шу тарзда ижро этилади, чап оёқдан бошланади.

«Гир айланиб ўтириш ва оёқни олдинга чўзиш»

Музиканинг саккизинчи тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат: рақс тушувчилар томошабинга юзланган ҳолда турадилар, оёқлар биринчи позицияда. Қўллар мушт қилиниб белга қўйилади.

Затакта ҳар иккала оёқда юқорига енгил сакралади.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) биринчи позиция бўйича ҳар иккала оёқ учида тўлиқ ўтирилади, тиззалар ёнга кенг ёзилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ўтирган ҳолатдан туриб, чап оёқ учида сакралади, ўнг оёқ полдан ажратиб зарб билан олдинга чиқарилади. Тизза билан оёқ юзи чўзилган ҳолатда бўлади. Қўллар бел текислигида ёнга ёзилади.

**2-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) юқорига енгилгина сакраб, биринчи позиция бўйича ҳар иккала оёқ учи устига тўлиқ ўтирилади. Тиззалар ёнга кенг ёзилади. Қўллар белга қўйилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ўтирган ҳолатдан туриб ўнг оёқ учига сакраб ўтилади; чап оёқ полдан ажратилиб зарб билан олдинга чиқарилади. Тизза билан оёқ юзи чўзилган ҳолатда бўлади. Қўллар бел текислигида ёнга ёзилади.

**3-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) юқорига енгил сакралиб биринчи позиция бўйича ҳар иккала оёқ учи устига тўлиқ ўтирилади. Тиззалар ёнга кенг ёзилади. Қўллар белга қўйилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ўтирган ҳолатдан туриб чап оёқ учига сакраб ўтилади; ўнг оёқ полдан ажратилиб зарб билан олдинга чиқарилади (тизза билан оёқ юзи ёзилган). Қўллар бел текислигида ёнга ёзилган бўлади.

**4-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чорагида) юқорига енгил сакраб дарҳол чап оёқ учига туширилади; шу билан бир вақтда ўнг оёқнинг тиззаси қаттиқ букилган ҳолда кескин ҳаракат билан чап оёқ тиззаси остига ўтказилади (ўнг оёқ учи чап оёқ тиззаси остида бўлади, ўнг оёқ тиззаси эса олдинга йўналтирилади). Қўллар белга қўйилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) чап оёқ учида кўтарилган ҳолда кескин бурилади (ўнг елка орқали) ва томошабинга тескари туради; шу билан бир вақтда оёқ тиззаси букилиб олдинга ўтказилади, қўллар эса бел текислигида ёнга кенг ёзилади.

**5-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) юқорига енгил сакралади ва дарҳол тушиб ҳар иккала оёқ учида биринчи позиция бўйича тўлиқ ўтирилади, тиззалар ёнга кенг ёзилган бўлади. Қўллар белга қўйилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ўтирган ҳолатдан туриб ўнг оёқ учига сакраб ўтилади; чап оёқ полдан ажратилиб зарб билан олдинга чиқарилади. Тизза билан оёқ юзи чўзилади. Қўллар бел текислигида ёнга кенг ёзилади.

**6-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) юқорига енгил сакраб дарҳол ўнг оёқ учига тушилади; шу билан бир вақтда чап оёқни тиззаси қаттиқ букилиб, кескин ҳаракат билан ўнг оёқ тиззаси остига ўтказилади (чап оёқ учи ўнг оёқ тиззаси остида бўлади, чап оёқ тиззаси эса олдинга йўналтирилади). Қўллар белга қўйилади. «Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ўнг оёқ учидан кўтарилиб кескин бурилади (чап елка орқали) ва томошабинга юз ўгирилади. Шу билан бир вақтда чап оёқ тиззаси букилган ҳолда олдинга олиб ўтилади, қўллар бел текислигида ёнга кенг ёзилади.

**7-такт.** «Бир» ҳисобига тактнинг биринчи чораги ҳар иккала оёқ учига тўлиқ ўтирилади (биринчи позиция бўйича). Тиззалар ёнга кенг ёзилади. Қўллар белга қўйилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ўтирган ҳолатдан турилар экан, чап оёқ учига сакраб ўтилади; ўнг оёқ полдан ажратилиб зарб билан олдинга чиқарилади (тизза билан оёқ юзи чўзилган бўлади). Қўллар ёнга бел текислигида кенг ёзилган бўлади.

**8-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) ўнг оёқ олдинчи позиция бўйича чап оёқ ёнига тўлиқ товонда зарб билан қўйилади. Қўллар белга қўйилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқ билан ер тепилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) ўнг оёқ билан ер тепилади,

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) — пауза.

#### У Н Е Т Т И Н Ч И Ҳ А Р А К А Т

«Сакраб орқага юриш ва ҳавода гавдани буриш»

Музиканинг тўрт тактида ижро этилади. Ҳисоб —  $2/4$ .

Дастлабки ҳолат: ижрочи томошабинга юз ўтирган ҳолда туради, оёқлар биринчи позицияда, қўллар белда бўлади.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) ўнг оёқда олдинга шижоат билан қадам ташланади, унга гавда оғирлиги ўнгга туширилиб хиёл ўнгга ўгирилади, чап оёқ учи билан қўйилади. Қўллар ёнга кенг ёзилади, ўнг қўл елкадан баландроқ, чап қўл эса елкадан пастроқ бўлади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) гавдани олдинга йўналтиришга тиришган ҳолда юқорига сакралади, сакрашдан сўнг ўнг оёқнинг тўлиқ товонида турилади; чап оёқ тиззасини букиб полдан ажратилади. Қўллар ёнга кенг ёзилади.

**2-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) чап оёқда орқага катта қадам ташланади ва унга гавда оғирлиги туширилади. Қўллар ёнга кенг ёзилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) ўнг оёқ олдинга учинчи позиция бўйича қўйилади. Қўллар ёнга кенг ёзилади.

**3-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) чап оёқда орқага катта қадам ташланиб товонда турилади (оёқ учи задникнинг йўналиши бўйича бўлади). Шу билан бир вақтда ўнгга 180 градус бурилади; ўнг оёқ тиззаси букилган ҳолда олдинга — юқорига чиқарилади (полдан 45 градус). Қўллар ёнга кенг ёзилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) чап оёққа енгил ўтириб, юқорига баланд сакралади (саҳна задниги йўналишида). Шу билан бир вақтда ҳавода ўнгга 180 градусга бурилади (томошабинга юзланади). Қўллар ёнга кенг ёзилган бўлади. Бурилиш пайтида чап оёқни чўзиб ўнг оёққа жипслаштирилади. Сакрагандан сўнг ўнг оёққа тушилади, чап оёқ эса полдан хиёл ажратилади.

**4-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) томошабинга юз ўгириб чап оёққа ўтилади. Қўллар ёнга кенг ёзилади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) ўнг оёқда орқага (ўнгга ярим доира бўйлаб) қадам ташланади; шу билан бир вақтда ўнгга 90 градус бурилиб томошабин томонга чап елка билан турилади. Чап қўлни юма-лоқ шаклда букиб, кўкракка олиб келинади, ўнг қўлни елка текислигида ўнг томонга ёзилади. Бош ўнгга бурилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) чап оёқ билан олдинга қадам ташлаб унга гавда оғирлиги туширилади. Унг оёқ учи билан тиззаси

чўзилган ҳолда орқада бўлади. Гавда билан қўллар («И» ҳисобидаги-дек) аввалги ҳолатда бўлади. Бу вақтда йигит биринчи қизга қараб туради. «И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) — пауза.

#### У Н С А К К И З И Н Ч И Ҳ А Р А К А Т

##### «Тегирмон»

Музиканинг бир тактида ижро этилади. Ҳисоб  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат: чап оёқ учи устида тўлиқ ўтирилади. Унг оёқ ёнга чиқарилган ва полдан ажратилган. Гавда олдинга, деярли чап оёқ тиззасига тегадиган даражада букилган. Қўллар пастга туширилиб полга таянган бўлади, худди шу ҳолатда ижрочи чапга айланади (соат стрелкасининг йўлига тесқари доира бўйича), қўллар эса тезлик билан алмашиб туради, яъни тактнинг ҳар бир саккизлигида гоҳ ўнг қўл кафти, гоҳ чап қўл кафти навбат билан полга қўйиб олинади. Таянч чап оёқ учи ўз жойида айланади. Унг оёқ ҳавода доира ясайди. Музиканинг бир тактида ижрочи бир марта тўлиқ айланиш (360 градусга) қилади ва тўхтамасдан айланишда давом этади.

#### У Н Т У Қ Қ И З И Н Ч И Ҳ А Р А К А Т

##### «Оёқни туртиш»

Ҳаракат бир оёқда тўлиқ ўтирган ҳолда ижро этилади. Иккинчи оёқ билан ижрочи олдидаги таянч оёқни туртиб доира ясайди ва туртиш пайти ҳар иккала қўл кафти билан ерга таянади.

Дастлабки ҳолат: чап оёқ учига тўлиқ ўтириб оёқ тиззаси билан учи олдинга йўналтирилади. Унг оёқ ўнгга чиқарилади ва товоннинг икки қисми полга тегиб туради, тизза эркин ёки хиёл букилган, гавда олдинга эгилган бўлади. Ижрочи ҳар иккала қўл кафтини елка кенглигида худди «тегирмон» ҳаракатидагидек полга қўяди. Рақс тушувчилар томошабинга юз ўгирган ҳолда тўхтаб товонлари билан сирғаниб ўнг оёқларини олдинга чиқарадилар, оёқ учи юқорига кўтарилган бўлиб, ўнг оёқ билан ярим доира яшашга имкон туғдирган ҳолатда бўлади. «Бир» ҳисобига ижрочи ўнг қўлини полдан ажратади ва худди шу онда ўнг оёқни чап қўл ёнига келтиради ва ўнг қўл кафтини полга — аввалги жойига қўяди.

«И» ҳисобига полдан чап қўлини олади (худди шу пайтнинг ўзида чап оёқни чапга ярим доира бўйича йўналтиради) ва шу заҳоти уни полга туширади. Сўнгра ўнг оёқнинг товонини устки томони билан сирпантириб орқага йўналтиради.

«Икки» ҳисобига чап оёқни олдинга уриб қўяди. Шу вақтнинг ўзида ижрочи кафтлари билан полга мустақкам таянади ва унга гавда оғирлигини туширади. Чап оёқни уриб қўйгандан сўнг полга (оёқ учи билан) туширади. Унг оёқни эса товони билан полда сирғантириб орқага — ўнгга ўтказилади, шу билан тўлиқ доирани тамомлайди.

«И» ҳисобига — пауза.

«Сакраб ўтириш»

Музиканинг тўрт тактида ижро этилади. Ҳисоб  $\frac{2}{4}$ .

Дастлабки ҳолат: чап оёқ учига тўлиқ ўтирилади, ўнг оёқ товони ўнгга ўтказилади, гавда оғирлиги чап оёққа туширилади. Қўллар ёнга туширилади. Бош ўнгга бурилади.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) тўлиқ ўтиришдан турмай ўнг оёқ учига сакраб (уни чап оёқ ёнига қўйган ҳолда) ўтилади; шу билан бир вақтда чап оёқ чапга чиқарилади ва тиззасини чўзган ҳолда товони билан (учи юқорига қаратилиб) қўйилади. Гавда оғирлиги ўнг оёққа ўтказилади. Бош чапга бурилади. Қўллар кўкрак олдида кесишади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) — пауза.

**2-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) тўлиқ ўтиришдан турмай чап оёқ учига сакраб ўтилади ва ўнг оёқ ёнига қўйилади; шу билан бир вақтда ўнг оёқ ўнгга чиқарилиб, тиззаси чўзилган ҳолда товони билан (оёқ учи юқорига қаратилиб) қўйилади, гавда оғирлиги чап оёққа ўтказилади. Қўллар ёнга ёзилиб бош ўнгга бурилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) — пауза.

**3-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) ўтирган ҳолатдан турмай, ўнг оёқ учига сакраб ўтилади ва чап оёқ ёнига қўйилади; шу билан бир вақтда чап оёқни тиззаси букилган ҳолда олдинга ўнгга чўзилади ва товон ёни билан ўнг оёқ олдига қўйилади. Қўллар кўкрак олдида учрашади. Бош томошабин томон бурилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) — пауза.

**4-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) ўтирган ҳолатдан турмай чап оёқ чўзилади ва ўнг оёқ ёнига келтириб қўйилади, шу билан бир вақтда ўнг оёқ тиззаси букилган ҳолда олдинга — чапга чўзилиб, чап оёқ олдида кесишади ва товон ёни билан қўйилади. Қўллар ёнга ёзилади. Бош томошабинга томон бурилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) — пауза.

Сўнгра ҳаракат бошидан бошланади.

Эслатма: бир оёқдан иккинчи оёққа хатлаб ўтиш, кичик сакраш билан ижро этилади. Гавда ростланган бўлади.

Я Н Г И Р М А Б И Р И Н Ч И Х А Р А К А Т

«Алмаш қадам»

Музиканинг бир тактида ижро этилади. Ҳисоб 2/4.

Дастлабки ҳолат: оёқлар биринчи позицияда.

а) Олға қараб алмаш қадам ташлаш.

«Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи саккизлиги) ўнг оёқ билан товонда олдинга катта қадам ташланади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқ учига хатлаб ўтиб ўнг оёқ ёнига қўйилади.

«Икки» ҳисобига (учинчи саккизлик) ўнг оёқда олдинга кичикроқ қадам ташланади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) чап оёқ полдан хиёл кўтарилиб олдинга чўзилади. Сўнгра ҳаракат чап оёқдан бошлаб ижро этилади.

б) орқага қараб алмаш қадам ташлаш.

«Бир» ҳисобига (биринчи саккизлик) ўнг оёқ билан тўлиқ товонда орқага катта қадам ташланади.

«И» ҳисобига (иккинчи саккизлик) чап оёқ учига хатлаб ўтиб ўнг оёқ ёнига қўйилади.

«И» ҳисобига (учинчи саккизлик) ўнг оёқда орқага кичикроқ қадам ташланади.

«И» ҳисобига (тўртинчи саккизлик) чап оёқ полдан кўтарилиб олдинга чўзилади. Сўнгра ҳаракат чап оёқдан бошланади.

#### ИГИРМА ИККИНЧИ ҲАРАКАТ

##### «Бочкача ва юқорига баланд сакраш»

Музиканинг тўрт тактида ижро этилади. Ҳисоб 2/4.

Дастлабки ҳолат: ижрочи биринчи позиция бўйича (товонлар полдан кўтарилган ва жипслашган (тўлиқ ўтирган ҳолда томошабинга юз ўгирган бўлади. Тиззалар ёнга кенг ёзилган. Гавда олдинга букилган. Қўллар ўнг томонга чиқарилган.

**1-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) ўтирган ҳолатдан турмай, чап оёқда чапга кичикроқ қадам ташланиб оёқ учи билан қўйилади; шу билан бир вақтда чап қўл чапга ўтказилиб уни полга қўйилади, сўнгра чап оёқ учи билан чапга 180 градус бурилади (томошабинга орқаси билан туради). Унг оёқни буриш вақтида полдан узиб оёқ учи билан чап оёқ ёнига қўйилади. Унг қўлни пастга тушириб бурилишнинг охирида полга таянади (ўнг оёқ учи олдида), чап оёқ шу заҳоти кўтарилади.

«Икки» ҳисобига (тактнинг иккинчи чораги) ўтирган ҳолатдан турмай ўнг оёқда ўнгга кичикроқ қадам ташланиб, оёқ учи билан қўйилади; шу билан бир вақтда ўнг қўлга таяниб ўнг оёқ учига туриб, ўнгга 180 градус бурилади (томошабинга юз ўгирилади), бурилиш вақтида чап оёқ полдан ажратилиб оёқ учи билан ўнг оёқ ёнига келтириб қўйилади. Бурилишнинг охирида чап қўл пастга туширилади ва кафти билан полга (чап оёқ ёнига) қўйилади. Унг қўл шу заҳоти кўтарилади.

**2—3-тактларда** ижрочи тўлиқ ўтириш ҳолатида биринчи тактдаги ҳаракатни такрорлайди; яъни ҳар бир тактда тўлиқ айланиб (чап томонга) соат стрелкаси йўлига тескари ярим доира бўйлаб юради. (24-расм).

**4-такт.** «Бир» ҳисобига (тактнинг биринчи чораги) ўтирган ҳолатдан туриб чап оёқ билан чапга катта қадам ташланади ва товон қўйилади (оёқ учи йўналиш бўйича туради). Гавда чапга кескин бурилади; шу билан бир вақтда ўнг оёқ тиззаси чўзилган ҳолда олдинга — юқорига (45 градус кўтариб) кўтарилади. Қўллар ёнга кенг ёзилади.

«Икки» ҳисобига (иккинчи чорак) чап оёққа енгил ўтириб юқорига сакралади; шу билан бир вақтда ҳавода гавда полга параллель қилиб букилади. Сўнгра ўнг оёқни чапга чиқариб, доиранинг учдан бир чорагида чапга бурилади ва томошабинга юз ўгирган ҳолда ўнг оёқ ерга тушади.

Чап оёқ полдан хиёл ажратилган ҳолда бўлади. Айланма бурилиш вақтида ижрочининг қўли ёнга кенг ёзилган бўлади. Сўнгра ўнг оёққа ўтириб ҳаракат бошидан (1-тактнинг «Бир» ҳисобидан бошлаб) такрорланади.

Музиканинг тўрт тактида ижро этилади. Ҳисоб  $\frac{2}{4}$ .

**1—2-тактларда** биринчи ҳаракат билан олдинга югурилади (қизлар йигитни қувади). Лента тутган қўллар ёнга очилиб, қушлар қанотига тақлид этган ҳолда оҳиста силкитилади.

**3—4-тактларда** енгил ўтирилади, сўнгра олдинга — юқорига сакралади (қизлар гўё шу пайт юқорига баланд сакраб ҳавога сакраб бури-лаётган йигит билан бирга учмоқчи бўладилар). Сакраш пайтида қизлар чап оёқларини орқага чўзиб ўнг оёқни учи билан пастга қаратадилар. Гавда олдинга интилган бўлади. Қўллар худди 1—2-тактлардаги каби силкиниб туради.

"БЕДАНА"  
Раксига музика

Шошилмай

П. Берестов

First system of musical notation. Treble clef, key signature of one sharp (F#), 2/4 time signature. The piece begins with a piano (*mf*) dynamic. The first four measures are numbered 1 through 4. Measure 1 contains a bass clef chord (B). Measure 2 contains a bass clef chord (B). Measure 3 contains a bass clef chord (7). Measure 4 contains a bass clef chord (B).

Second system of musical notation. Measures 5 through 9. Measure 5 contains a bass clef chord (B). Measure 6 contains a bass clef chord (B). Measure 7 contains a bass clef chord (7). Measure 8 contains a bass clef chord (8). Measure 9 contains a bass clef chord (9).

Third system of musical notation. Measure 10 is marked with a first ending bracket. Measures 1 through 4 of this system are numbered 1 through 4. Measure 1 contains a bass clef chord (1). Measure 2 contains a bass clef chord (2). Measure 3 contains a bass clef chord (3). Measure 4 contains a bass clef chord (4).

Fourth system of musical notation. Measures 5 through 9. Measure 5 contains a bass clef chord (B) and a bass clef chord (5). Measure 6 contains a bass clef chord (6). Measure 7 contains a bass clef chord (7). Measure 8 contains a bass clef chord (8). Measure 9 contains a bass clef chord (9).

Fifth system of musical notation. Measure 10 is marked with a second ending bracket. Measures 11 through 12 are numbered 11 and 12. Measure 11 contains a bass clef chord (B) and a bass clef chord (11). Measure 12 contains a bass clef chord (B) and a bass clef chord (12). The final two measures contain a bass clef chord (M) and a bass clef chord (M).

7 2 M M 3 M 4 M Б 5 Б

M 6 M 7 M 8 9

Б 10 Б M 11 M 12

M 13 M 14 15

3 Тез

16 M M Б 1 Б Б 2 Б Б 3 Б

Б 4 Б Б 5 Б Б 6 Б Б 7 Б

Musical notation for measures 7-11. The system consists of a treble and bass staff. Measure 7 has a bass clef and a 7-measure rest. Measures 8-11 contain chords labeled Б 8, Б 9 Б, Б 10 Б, and Б 11 Б. A fermata is placed over measure 9.

Musical notation for measures 12-15. The system consists of a treble and bass staff. Measures 12-15 contain chords labeled Б 12 Б, Б 13 Б, Б 14 Б, and Б 15 Б. A fermata is placed over measure 13.

Musical notation for measures 16-19. The system consists of a treble and bass staff. Measure 16 has a bass clef and a 7-measure rest. Measures 17-19 contain chords labeled М 17 М, М 18 М, and #7 19 7.

Musical notation for measures 20-23. The system consists of a treble and bass staff. Measures 20-23 contain chords labeled М 20 М, М 21 М, М 22 М, and #7 23 7.

Musical notation for measures 24-28. The system consists of a treble and bass staff. Measures 24-28 contain chords labeled М 24 М, М 25 М, М 26 М, #7 27 7, and М 28 М.

Musical notation for measures 29-32. The system consists of a treble and bass staff. Measures 29-32 contain chords labeled М 29 М, М 30 М, #7 31 7, and М 32 М. A fermata is placed over measure 32.

## «ЛИКОПЧА» РАҚСИ

### ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚ РАҚСИ

Озарбайжонда кенг тарқалган бу рақс ўзига хос музика билан ижро этилади. Қизлар ҳар иккала қўлининг бош бармоғи билан кўрсатгич бармоғидан бошқа ҳамма бармоқларига ангишвона кийиб оладилар. Уларнинг қўлларида биттадан ликопча бўлади ва рақс ижро этилаётган пайтда рақснинг усулига мослаб ликопчанинг орқа томонига чертиб турадилар.

Рақс майин, текис ва нафис ижро этилади, тиззалар сал эгилган бўлади.

Бу ёзув иккита раққосага мўлжалланган. Лекин рақсни кўпчилик бўлиб ижро этиш ҳам мумкин.

Музика ўлчови  $\frac{6}{8}$ .

### ИЖРОЧИ ҚИЗЛАР КИЙИМИ

Сидирға ранг шоҳи ёки майин штапелдан шаровар, почаларига резинка тутилган бўлади. Шароварнинг ўстидан этаги ерга тегадиган узун юбка кийилади. Юбка тик, кенг, бурмали бўлиб, белига шароварга нисбатан гули очикроқ, майин материалдан 3 см кенгликда белбоғ бойланади. Юбканинг этагига миллий кашта тикилади.

Тим қора ёки шароварнинг рангига ўхшаган (кўм-кўк, қип-қизил, тўқ ҳаво ранг ва шунга ўхшаш рангли) қалин материалдан (атлас, духоба) кашта тикилган калта энгли, олди тугмачали, бели бурма кофта-казакин. Унинг кўкраги доирасимон ўймали, баданга ёпишиб турадиган энсиз бурма қилиб тикилади. Бурманинг узунлиги 10—12 см. Кофтанинг остидан тиниқ рангли материалдан тикилган кўйлак кийилади; унинг энглари узун ва кенг бўлади. Ёқаси ўйма. Бу кўйлакча бел-бурманинг остидан 2—3 см чиқиб туради. Кофтанинг устидан заржияк камар боғланади. Қўлларга билагузук, бўйнига мунчоқ тақилади.

Сочлар текис таралиб, иккита қилиб ўрилади. Бошга «чикила»—усти ясси кичкина дўппи кийилади. Унинг пешанасига тилла тангалар қадалади. Дўппичанинг устидан очик тиниқ рангли шарф ўралади.

Оёққа пошнаси унча баланд бўлмаган туфли кийилади.

### Қўлларнинг ҳолати

1-ҳолат. Бир қўл олд томонга, кўкрак баробар кўтарилган, иккинчи қўл эса елка баландлигида ён томонга чиқарилган. Ҳар иккала қўлнинг тирсаклари эгилган. (1-расм.)

2-ҳолат. Бир қўл ён томонга елка текислигида чўзилган, иккинчи қўл бош устига кўтарилган. Ҳар иккала қўлнинг тирсаклари хиёл эгилган. (2-расм.)

**3-ҳолат.** Бир қўл олдинга кўкрак баробар кўтарилган, иккинчи қўл бош устига — юқорига чўзилган. Ҳар иккала қўл тирсаклари хиёл эгилган (3-расм).

### РАҚС ТАСВИРИ ДАСТЛАБКИ ҲОЛАТ

Иккала раққоса ўнг томондаги охириги кулисада ёнма-ён турадилар.



1-расм.

#### БИРИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг биринчи қисми ижро этилади.

**1—8-тактлар.** Раққосалар сахнанинг орқа плани бўйлаб ёнма-ён ҳаракат қиладилар, сўнгра «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда, соат стрелкасининг йўналишига тескари доира бўйлаб ҳаракат қиладилар



2-расм.



3-расм.

(1-ҳаракат). Иккала қўл кафтлари ичкарига ўгирилган ҳолда бош устига кўтарилади, тирсаклари хиёл эгилади. Ҳар тактнинг «бир» ҳисобига қизлар бош бармоқ ва кўрсатгич бармоқлари билан ушлаган иккала қўлларидаги ликопчага астагина чертиб қўядилар. Гавда хиёл олдинга эгилади, юзлар бир-бирига ўгирилади.


8-тактнинг охирида қизлар сахнанинг олдига келадилар (4-расмга қаралсин).

### ИККИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ


Музиканинг иккинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Қизлар томошабинга орқаларини ўгириб, «асосий юриш»ни ижро этганлари ҳолда, сахнанинг орқа томонига қараб йўналадилар. Қўлларнинг ҳолати ўзгармайди, бармоқлар билан ритмик зарб уриш аввалгидек давом этади (4-расм).

**5—8-тактлар.** Сахнанинг охириги қисмидаги ўрталikka етгандан сўнг қизлар «асосий қадам» билан икки томонга ажраладилар: биринчи қиз



4-расм.



5-расм.


соат стрелкаси йўналишида доира бўйлаб ўнгга, иккинчиси эса соат стрелкасига тескари доира бўйича чап томонга юради, қўлларнинг ҳолати ўзгармайди ва аввалгидек бармоқлар ритмик зарбни чертиб турадилар.

8-тактнинг охирида қизлар сахна ўртасига юз ўгирадилар (5-расм).

### УЧИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг учинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Қизлар қўлларининг ҳолатини ўзгартмасдан, «асосий қадам» билан ўрин алмаштирадилар: биринчи қиз сахнанинг чап томонига қараб юради, иккинчи қиз эса сахнанинг ўнг томонига. Ҳар бир



6-расм.

тактда раққосаларнинг иккаласи ҳам бараварига ритмик зарб билан ликопчани чертиб қўядилар (6-расм).

4-тактнинг охирида қизлар саҳна ўртасига юз ўгирадилар.

5—8-тактлар. Биринчи қиз чап елкасини олдинга чиқариб, «асосий қадам» билан биринчи ўнг кулисага диагонал бўйлаб юради; иккинчи қиз ҳам худди шу ҳаракат билан ўнг елкасини чиқариб диагонал йўналишда чап томоннинг биринчи кулисасига юради (7-расм). Улар қўлларни иккинчи ҳолатга ўтказадилар (2-расмга қаранг).



7-расм.

Биринчи қиз чап қўлини юқорига кўтаради, ўнг қўлини елка текислигида ён томонга чиқаради; иккинчи қиз ўнг қўлини юқорига кўтариб, чап қўлини елка бараварлигида чап томонга чиқаради. Раққосалар ликопчага ритмик зарб уришни давом эттирадилар. Гавдани хиёл олдинга энгаштирадилар, бошни кўкрак баравар кўтарилган қўл томонга бурадилар (7-расмга қаралсин).

#### ТўРТИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАҚЛ


Музиканинг тўртинчи қисми ижро этилади.

1—8-тактлар. Қизлар «асосий қадам» билан икки томонга юрадилар: биринчи қиз соат стрелкасининг йўналишига қарши доира бўйича,



8-расм.

иккинчиси соат стрелкасининг йўналиши бўйича юради. Улар ҳар иккала қўлларини елка текислигида ён томонга ёядилар (тирсаклар хиёл эгилган, 8-расм) ҳар тактда ликопчага ритмик зарбни чертиб турадилар. 8-тактнинг охирида қизлар саҳнанинг охириги плани ўртасида бир-бирлари билан учрашадилар (9-расм).




9-расм.

#### БЕШИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг бешинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Қизлар «гармошка» (2-ҳаракат)ни ижро этганлари ҳолда саҳнанинг ўртасига қараб юрадилар. Бунда биринчи қизнинг чап елкаси, иккинчи қизнинг ўнг елкаси томошабин томонга эгилган бўлади (10-расм). Қўлларни биринчи ҳолатга ўтказадилар. Икки қўлнинг бармоқлари билан ҳар бир тактнинг «бир» ва «тўрт» ҳисобига ликопчани чертиб қўядилар. Шундай қилиб, ҳар бир тактга иккита зарб тўғри келади.



10-расм.

**5—8-тактлар.** Қизлар «сакрама қадам»ни (3-ҳаракат) ижро этганлари ҳолда, кичкина доира бўйлаб соат стрелкасининг йўналишига тесқари юриш билан бир-бирларининг атрофларидан айланиб ўтадилар (11-расм). Қўлларнинг биринчи ҳолатини сақлаган ҳолда, биринчи қиз чап қўлини ён томонга ёзади, ўнг қўлини кўкрак текислигида олдинга кўтаради; иккинчи қиз ўнг қўлини ён томонга ёзиб, чап қўлини кўкрак текислигида олдинга кўтаради. Бармоқлар билан эса шу шаклнинг 1—4-тактидаги ритмик зарб чертиб турилади. 8-тактнинг охирида ижро-

чи қизлар ўз жойларига қайтадилар ва бир-бирларига юзма-юз келадилар.



11-расм.

### ОЛТИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг еттинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Қизлар «бурилишлар»ни (4-ҳаракатни) ижро этиб, сахнанинг олдинги томонига диагонал йўналишда ҳаракатланадилар: биринчи қиз «бурилиш»ларни чап томонга қараб ижро этади-да, ўнг ёндаги биринчи кулисага етиб келади, иккинчи қиз «бурилишлари»ни ўнг томонга қараб ижро этади-да, чап ёндаги биринчи кулисага келади (12-расм). Улар иккала қўлларини ён томонларига ёзадилар, ликопчани чертишни тўхтатадилар.



12-расм.



13-расм.

4-тактнинг охириги нимчорагида қизлар сахнанинг ўртасига юз ўгирганлари ҳолда тиз чўкиб ўтирадилар (тизза ва товонлар зичланган) ва қўлларини учинчи ҳолатга ўтказадилар (3-расмга қаралсин). Биринчи қиз чап қўлини юқорига кўтаради, иккинчиси — ўнг қўлини кўтаради (13-расм).

**5—8-тактлар.** Қизлар гавдаларини ҳар тактда гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга силкитиб турадилар. Шунда (бешинчи тактда) биринчи қиз ликопчага ўнг қўлининг бармоқлари билан «тириллатиб» чертади, у аввал синчалоғи билан ундан кейин ён бармоғи ва охирида ўрта бар-

моқ билан кетма-кет чертади, сўнгра худди шу тартибда «бир», «икки», «уч» ҳисобига ўнг қўли билан, «тўрт», «беш», «олти» ҳисобига чап қўли билан чертади. Бу вақтда иккинчи қиз қўл ҳолатини ўзгартмасдан ликопчага бармоқлари билан чертмасдан, гавдасини оҳиста тебратиб туради.

Биринчи қиз 5-тактда ликопчани қай тартибда тириллатиб чертган бўлса, иккинчи қиз ҳам 6-тактда худди шундай тартибда чертади, биринчи қиз эса тебраниб туради.


7—8-тактларда қизлар 5—6-тактлардаги ҳаракатнинг худди ўзини такрорлайдилар. Гўё раққосалар бир-бирлари билан басма-басига ўйнагандай бўладилар.

#### ЕТТИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг еттинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Биринчи тактда иккинчи қиз ўрнидан туриб, ликопчани аввал ўнг қўлининг бармоқлари билан сўнгра чап қўлининг бармоқлари билан «тириллатади» (худди олтинчи шаклнинг олтинчи тактидагидай).

2—4-тактларда иккинчи қиз «асосий қадам» билан соат стрелкасининг йўналишига тескари доира бўйлаб биринчи қизнинг атрофидан айланади (14-расм). Қўлларини кўкрак текислигида тутиб, бармоқлари билан ликопчага «тириллатиб» чертиб туради. 4-тактнинг охирида у, саҳнанинг чап томондаги олдинги қисмига келиб, ўрталикка юз ўнгирган ҳолда тўхтади.



14-расм.

Худди шу билан бир вақтда биринчи қиз 1—3-тактларда тиз чўккан ҳолда бўлиб, 4-тактда эса ўрнидан туради. У секин-аста тебраниб, ҳар иккала қўлининг бармоқлари билан ҳар бир тактнинг «бир» ҳисобига ликопчани чертиб қўяди.

**5—8-тактлар.** Биринчи қиз «асосий қадам» билан соат стрелкасининг йўлига тескари юргани ҳолда, иккинчи қизнинг атрофидан айлашиб ўтади. Қўлларини енгил тебратиб, бармоқлари билан ликопчани



15-расм.

чертади (аввал ўнг қўлидаги ликопчани, сўнгра чап қўлидаги ликопчани). Бу қиз 8-тактнинг охирига саҳнанинг ўнг томонидаги олдинги планга ўтади ва саҳнанинг ўртасига юз ўгиргани ҳолда тўхтади (15-расм).

Иккинчи қиз бу вақтда ўз жойида гавдасини гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга енгил тебратиб, ҳар тактнинг «бир» ҳисобига ҳар иккала қўлининг бармоқлари билан ликопчага аста чертиб туради.

Раққосалар гўё басма-бас ўйнаб тургандай, ҳамиша бир-бирларини кузатиб турадилар.

#### САККИЗИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ


Музиканинг саккизинчи қисми ижро этилади.

**1—8-тактлар.** Қизлар «асосий қадам» билан соат стрелкасининг йўналишига тесқари доира бўйлаб кетма-кет юрадилар ва 8-тактнинг охирида ўнг томондаги охириги кулисага келадилар (16-расм). Қўлларни учинчи ҳолатга кўчирадилар (3-расмга қаралсин) ва ликопчага ритмик зарб чертишни давом эттирадилар.


#### ТУҶҚЗИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг тўққизинчи қисми ижро этилади.

**1—2-тактлар.** Қизлар чап оёқдан бошлаб «ёнлама хатлаб юриш» билан (5-ҳаракат) ёндаги биринчи чап кулисага диагонал бўйлаб юрадилар, уларнинг чап елкалари олдинга чиққан бўлади.



16-расм.



17-расм.

Туширилган қўллар яна юқорига кўтарилади (ҳар иккала қўлни бош устига кўтарадилар (6-расмга қаралсин), бош чап томонга бурилади.

Ҳар иккала қўлнинг бармоқлари билан бараварига ҳар тактнинг «бир» ҳисобида ликопча чертилади.

**3—4-тактлар.** Иккала раққоса бараварига чапга ярим доира буриладилар ва аввалги ҳаракат билан (ўнг оёқдан бошлаб) чап ёндаги биринчи кулисага диагонал бўйича юришни давом эттирадилар, лекин бу сафар ўнг елка олдинга чиқарилган бўлади. Бошни ўнг томонга бурадилар. Ҳар тактнинг «бир» ҳисобига иккала қўлнинг бармоқлари билан ликопчани бараварига чертиб қўядилар.

**5—6-тактлар.** Қизлар 1—2-тактлардаги ҳаракатларни такрорлайдилар.

**7—8-тактлар.** Қизлар шу шаклнинг 3—4-тактидаги ҳаракатни такрорлайдилар. 8-тактнинг охирида улар чап ёндаги биринчи кулисага келадилар ва сахнанинг пастги чап бурчагига қараган ҳолда буриладилар (17-расм).

#### УНИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг ўнинчи қисми ижро этилади.

**1—8-тактлар.** Раққосалар ўнг томонга кетма-кет бурилиб (олдинда биринчи қиз) «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда, соат стрелкасининг йўналиши бўйича доира бўйлаб юрадилар. Қўлларни елка текислигида ёнга чиқарадилар (тирсаклар хиёл эгилган), ҳар тактнинг «бир» ҳисобида иккала қўл бармоқлари билан ликопчани бир вақтда чертиб қўядилар.

8-тактнинг охирида қизлар сахнанинг чап томонидаги охирги планга келадилар (18-расм).


#### УН БИРИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг ўн биринчи қисми ижро этилади.

**1—2-тактлар.** Қизлар ўнг елкаларини олдинга чиқариб, «ёнлама хатлаб юриш»ни ижро этганлари ҳолда, диагональ бўйлаб биринчи ўнг кулисага (ўнг оёқдан бошлаб) юриб келадилар (19-расмга қаранг).



18-расм.



19-расм.

Қўллар учинчи ҳолатга ўтади. Бунда улар чап қўлларини юқорига кўтарадилар, ўнг қўлларини эса кўкрак баландлигида олдинда тутадилар.

Бармоқлари билан ликопчани чертадилар: (ҳар тактнинг «бир» ҳисобига ўнг қўлнинг бармоқлари билан урилади, ҳар тактнинг «тўрт» ҳисобига чап қўлнинг бармоқлари билан урилади). Бош ўнг томонга эгилади.

**3—4-тактлар.** Қизлар ўнгга ярим доира буриладилар ва шу ҳаракатнинг ўзи билан (чап оёқдан бошлаб) диагональ бўйлаб биринчи ўнг кулисага томон юришни давом эттирадилар, лекин энди чап елка олдинга чиқарилган бўлади. Бош чапга эгилади. Ҳар тактнинг «бир» ва «тўрт» ҳисобига ликопчага чертишни давом эттирадилар.

**5—6-тактлар.** Қизлар 1—2-тактидаги ҳаракатларни такрорлайдилар.

**7—8-тактлар.** Қизлар шу шаклнинг 3—4-тактидаги ҳаракатларни такрорлайдилар. 8-тактнинг охирида қизлар биринчи ўнг кулисага қараб келадилар ва сахнанинг ўнг томонидаги пастки бурчагига қараб турадилар (19-расм).

#### У Н И К К И Н Ч И ( 8 Т А К Т Л И ) Ш А К Л

Музиканинг ўн иккинчи қисми ижро этилади.

**1—8-тактлар.** Қизлар чапга бурилганлари ҳолда «асосий қадам» билан соат стрелкасининг йўналишига тескари (бир-бирига ёнма-ён) юрадилар (20-расмга қаралсин). Ликопчага чертишни давом эттирганлари ҳолда қўлларини юқорига кўтардилар.



20-расм.

8-тактнинг охирида улар сахнанинг охирги қисми ўрталигига етиб келадилар ва бир-бирларига қараб турадилар (20-расм).

#### У Н У Ч И Н Ч И ( 8 Т А К Т Л И ) Ш А К Л

Музиканинг ўн учинчи қисми ижро этилади.

**1—2-тактлар.** Раққосалар бир-бирларига юзма-юз турганлари ҳолда, ҳар тактнинг «бир» ва «тўрт» ҳисобига бир вақтнинг ўзида иккала қўлнинг бармоқлари билан ликопчага оҳиста чертадилар (ҳар тактда икки марта чертилади).

**3—4-тактлар.** Қизлар «бурилишлар»ни ижро этганлари ҳолда сахнанинг ўртасига томон ҳаракат қиладилар: биринчи қиз бурилишларни ижро этиб чап оёқдан бошлаб чап елкаси билан айланади, иккинчи қиз эса ҳаракатни ўнг оёқдан бошлаб ўнг елкаси билан айланади (21-расмга қаранг). Қўллар ён томонга елка текислигида чиқарилади (тирсаклар хиёл эгилган). Ликопча чертиш тўхтатилади. 4-тактнинг охирида улар юзма-юз бўлганлари ҳолда тўхтайдилар.


**5—6-тактлар.** Қизлар биринчи ва иккинчи тактдаги ҳаракатларни такрорлайдилар.

**7—8-тактлар.** Қизлар ўн учинчи шаклнинг 3—4-тактларидаги ҳаракатларни такрорлайдилар. Бунда иккинчи қиз саҳнанинг ўнг томони сари ҳаракат қилади, биринчи қиз эса саҳнанинг чап томонига юради, биринчи қиз олдиндан ўтади (21-расм).

#### ЎН ТҮРТИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг ўн тўртинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Биринчи қиз «асосий қадам» билан соат стрелкасининг йўналиши бўйича доира бўйлаб юради. Қўлларини туширмасдан кўкрак баландлигида тутеди (тирсаклар хиёл эгилган), ўн учинчи шаклнинг 1—2-тактларидагидай, бармоқлар билан ликопчани чертади.



21-расм.



22-расм.



23-расм.

4-тактнинг охириги чорагида биринчи қиз саҳнанинг орқа планидаги ўрталикка етиб келади ва саҳнанинг ўртасига қарагани ҳолда ўнг оёғи устида тиз чўкади (22-расм).

Иккинчи қиз биринчи тактда саҳнанинг ўртасида кескин ҳаракат билан ўнг оёқ устига тиз чўкади. 2—4-тактларда худди биринчи қиз каби бармоқлари билан ликопчани чертади.

**5—8-тактлар.** Иккинчи қиз ўрнидан туриб, «асосий қадам» билан соат стрелкаси йўналишига тескари доира бўйлаб айланади. Қўллар ҳолатини ўзгартмайди, ҳар бир тактнинг «бир» ва «тўрт» ҳисобига иккала қўлининг бармоқлари билан ликопчани оҳиста чертиб қўяди.

8-тактнинг охирида қиз саҳнанинг орқа планидаги ўрталикка етиб, биринчи қизнинг ёнига келиб, унга қараган ҳолда ўнг тиззасига ўтиради (23-расм). Биринчи қиз эса тиз чўккан ҳолатда худди иккинчи қиз каби бармоқлари билан ликопчага чертишни давом эттиради.

#### ЎН БЕШИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг ўн бешинчи қисми ижро этилади.

**1—8-тактлар.** Қизлар ўринларидан туриб, томошабинга томон «асосий қадам» ташлаб юрадилар (24-расм). Қўлларни икки ёнга чиқардилар, тирсаклар хиёл эгилади, ҳар тактнинг «бир» ва «тўрт» ҳисобига бармоқлар билан ликопчани чертиб қўядилар.

#### ЎН ОЛТИНЧИ (8 ТАКТЛИ) ШАКЛ


Музиканинг ўн бешинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Раққосалар «асосий қадам» билан соат стрелкасининг йўналишига тескари доира бўйлаб ёнма-ён юрадилар ва 4-тактнинг

охирида ўнг томондаги охириги кулисага етиб келадилар (25-расмга қаранг). Қўлларни юқорига кўтарадилар ва ҳар бир тактнинг «бир» ва «тўрт» ҳисобига ликопчани чертиб қўядилар.



24-расм.



25-расм.

5—8-тактлар. Қизлар «асосий қадам» билан сахнанинг орқа плани бўйлаб юрадилар. Қўлларнинг ҳолатини ўзгартмайдилар, ликопчаларни чертишни давом эттирадилар, бошни томошабинлар томонга қарата 8-тактнинг охирида чап томондаги охириги кулисадан чиқиб кетадилар (25-расм).

### ҲАРАКАТЛАР ТАСВИРИ

#### БИРИНЧИ ҲАРАКАТ «АСОСИЙ ҚАДАМ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — олтинчи позицияда. Тиззалар эгилган.

Музыка ўлчови  $\frac{6}{8}$ .

- |       |                                                                                                 |
|-------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бир.  | Ўнг оёқ кичикроқ қадам билан товондан бошлаб қўйилади.                                          |
| Икки. | Пауза.                                                                                          |
| Уч.   | Чап оёқ учи билан олдинга кичикроқ қадам ташланади.                                             |
| Тўрт. | Ўнг оёқ учи билан олдинга кичикроқ қадам ташланади.                                             |
| Беш.  | Пауза.                                                                                          |
| Олти. | Ҳаракат чап оёқдан бошлаб такрорланади. Бу ҳаракатни тиззаларни хиёл буккан ҳолда ижро этилади. |

#### ИККИНЧИ ҲАРАКАТ «ГАРМОШКА»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — биринчи позиция, тиззалар хиёл букилган.

Музыка ўлчови  $\frac{6}{8}$ .

Затакт «И»да ўнг оёқнинг товонини ва чап оёқнинг учини ердан кўтариб, ўнг томонга ўтказилади.

- |       |                                                                                |
|-------|--------------------------------------------------------------------------------|
| Бир.  | Ўнг оёқнинг товони билан чап оёқнинг учи ерга қўйилади, оёқ учлари жуфтланади. |
| Икки. | Пауза.                                                                         |
| Уч.   | Ўнг оёқнинг учи ва чап оёқнинг товони ердан узилиб ўнг томонга ўтказилади.     |
| Тўрт. | Ўнг оёқнинг учи билан чап оёқнинг товони ерга қўйилади, товонлар жуфтланади.   |
| Беш.  | Пауза.                                                                         |

Олти. Затакт «И»да ижро этилган ҳаракатлар такрорланади.

Бу ҳаракатларни ижро этганда раққоса текис ҳаракат билан ўнг томонга юради. «Гармошка»ни чап томонга ҳаракат қилганда ҳам ижро этиш мумкин.

#### УЧИНЧИ ҲАРАКАТ «САКРАМА ҚАДАМ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — биринчи позиция, тиззалар хиёл букилган.

Музыка ўлчови  $\frac{6}{8}$ .

Бир. Ўнг оёқнинг учи билан олдинга кичикроқ қадам ташланади. Иккала оёқнинг тиззалари яна бир оз букилади-ю, дарров тиклаб, дастлабки ҳолатга ўтказилади. Гавда хиёл олдинга энгашади.

Икки. Чап оёқни ўнг оёқнинг орқасига хиёл ўтказилади.

Уч. Чап оёқнинг учини олтинчи позиция ҳолатида ўнг оёқнинг ёнига қўйилади, тизза хиёл букилади.

Тўрт. Ўнг оёқнинг учи билан олдинга кичикроқ қадам қўйилади. Шу билан бир вақтда ҳатто иккала оёқнинг товонларини астагина ўнг томонга буриб, ўнг елкани олдинга чиқарилади. Иккала тиззани янада кўпроқ букилади-ю, дарров тўғрилаб, дастлабки ҳолатга ўтказилади.

Беш. Пауза.

Олти. Ҳаракат чап оёқдан бошлаб такрорланади. Бу ҳаракат жуда енгил ва текис ижро этилади, тиззалар ҳамма вақт эгилиб, тикланиб туради.

#### ТУРТИНЧИ ҲАРАКАТ «БУРИЛИШЛАР»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — олтинчи позиция, тиззалар букилган.

Музыка ўлчови  $\frac{6}{8}$ .

Қизлар бу ҳаракатни ижро этганларида ҳар тактнинг биринчи, тўртинчи ва саккизинчи чорагида ўнг оёқдан бошлаб оёқ учи билан ўнг томонга қадам ташлаб ҳар тактда тўлиқ айланадилар.

Ҳаракатни чап оёқдан бошлаб бажариш ҳам мумкин, лекин унда қизлар чап томонга қараб айланадилар.

#### БЕШИНЧИ ҲАРАКАТ «ЕНЛАМА ХАТЛАШ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — олтинчи позиция, тиззалар хиёл букилган.

Музыка ўлчови  $\frac{6}{8}$ .

Ҳаракат икки тактда ижро этилади.

##### 1-такт.

Бир. Ўнг оёқ учи билан ўнгга кичикроқ қадам ташланади, тизза хиёл букилади.

Икки. Пауза.

Уч. Чап оёқнинг учи олтинчи позиция ҳолатида ўнг оёқнинг ёнига келтириб қўйилади. Тиззалар хиёл букилади.

Тўрт. Ўнг оёқ учи билан ўнг томонга кичикроқ қадам ташланади, тиззалар хиёл букилган.

Беш. Пауза.

## 2-такт.

- Бир. Чап оёқ учи билан ўнг томонга кичикроқ қадам ташланади, тиззалар бир оз букилган.
- Икки. Пауза.
- Уч. Ўнг оёқ учи билан ўнг томонга, чап оёқдан унча узоқ бўлмаган масофада кичикроқ қадам ташланади, тиззалар хиёл букилган.
- Тўрт. Чап оёқни учи билан ўнг оёққа жипслаштириб қўйилади, тиззалар хиёл букилган.
- Беш. Пауза.
- Олти. Қизлар бу ҳаракатни ижро этганларида ўнг томонга қараб силжийдилар. Бу ҳаракатни чап оёқдан бошлаб чап томонга силжиган ҳолда ҳам ижро этиш мумкин.

# „ЛИКОПЧА РАҚСИГА

музика

Шошилмасдан

Т. Гулаев музикаси

1 13

1 2 3 4

*f* Б Б Б Б

5 6 7 8

Б Б Б 7 Б

2 14

1 2 3 4

*p* Б М Б М Б М Б

5 6 7 8

Б М М М Б

3 15

1 2 3 4

*f* Б Б 7

5 6 tr 7 8

4 16 1 2 3 4

5 6 7 8

5 1 2 3 4

5 6 7 8

6 2 3 4

System 1: Treble clef, key signature of two sharps (F# and C#). The right hand features a melodic line with slurs and fingerings 5, 6, 7, and 8. The left hand has chords marked with Cyrillic letters: M, M, M, Б, M, M, Б. The system concludes with a fermata over the final note.

System 2: Treble clef, key signature of two sharps. The right hand has a melodic line with slurs and fingerings 1, 2tr, 3, and 4. The left hand has a steady eighth-note accompaniment.

System 3: Treble clef, key signature of two sharps. The right hand has a melodic line with slurs and fingerings 5, 6tr, 7, and 8. The left hand features chords marked with Cyrillic letters: 7, 7, Б. The system ends with a fermata.

System 4: Treble clef, key signature of two sharps. The right hand has a melodic line with slurs and fingerings 1, 2, 3, and 4. The left hand has chords marked with Cyrillic letters: P, P, M, M, P, P, M. The system ends with a fermata.

System 5: Treble clef, key signature of two sharps. The right hand has a melodic line with slurs and fingerings 5, 6, 7, and 8. The left hand has chords marked with Cyrillic letters: M, M, M. The system ends with a fermata.

System 6: Treble clef, key signature of three flats (Bb, Eb, and Ab). The right hand has a melodic line with slurs and fingerings 1, 2, 3, and 4. The left hand has chords marked with Cyrillic letters: f, Б, Б, Б, Б. The system ends with a fermata.

5 *tr.* 6 7

Б Б Б Б Б

10 1 2 3 4

*M.* *M.* *M.* *M.* *M.* *M.*

5 6 7 8

Б М Б М Б Б

11 1 2 3 4

*mf* Б Б *p* М

5 6 *tr.* 7 8

*p*

12 1 2 3 4

*p* М М М Б

5 6 7 8

*pp*

## «ҚАЛДИРҒОЧ»

### ЛИТВА ХАЛҚ РАҚСИ

Литва халқининг қадимий рақси «Қалдирғоч» ҳақида биринчи маълумот Л. Юцявичюсда (1846 йил) учрайди. Унинг берган маълумотига кўра «Қалдирғоч» рақси ўша пайтларда жуда кенг тарқалган бўлиб, уни ёшлар (йигитлар билан қизлар биргаликда) ижро этишган. Рақсни ижро этаётганда йигит ва қизлар қалдирғоч ҳақида кўшиқ ҳам айтишган. Кейинчалик «Қалдирғоч» рақси фақат қизларники бўлиб қолган, бу саҳна ҳам қизларнинг ижро этишига мўлжалланган.

«Қалдирғоч» рақси айниқса Жемайтида (Литванинг шимоли-ғарбий қисми) кенг тарқалган, бу рақс Литванинг ҳамма районларида деярли бир хил ижро этилади. Рақсдаги ҳаракатлар, гавданинг ҳолати ва кўринишлар қалдирғоч учинини эслатади. Бу рақс лирик кайфият билан суғорилган.

Рақс тушаётган ҳар бир қизнинг қўлида оқ рўмолча бўлиб (катталиги тахминан 40×40 см), рақс тасвирига биноан бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиб туради. Рўмолча қалинроқ сидирға оқ сурпдан бўлиб, унда ҳеч қанақа кашта ёки безак бўлмаслиги керак.

Рақс тасвири 12 та қизга мўлжалланган. Лекин худди шу тасвир бўйича рақсни 8 ёки 10 та қиз ҳам ижро этиши мумкин.

Агар рақсни 8 та қиз ижро этса, унга бир оз ўзгартиришлар киритилади. Бунда «ўтиш» ҳаракати қуйидагича ижро этилади, яъни уни охирги жуфт қизларгина бошламайди, балки бирданига икки қиз бошлайди: биринчи жуфт қизлар орасидан иккинчи жуфти ўтади, айна бир вақтда тўртинчи жуфт қизлар учинчи жуфтнинг орасидан ўтади. Сўнгра биринчи жуфт тўртинчи жуфт орасидан ўтади. Бу вақтда иккинчи ва учинчи жуфт қизлар ўз жойларида рақс тушган ҳолда кутиб турадилар. Сўнгра учинчи жуфт биринчи жуфт қизлар орасидан, тўртинчи жуфт эса иккинчи жуфт қизлар орасидан бир вақтда ўтадилар. Музиканинг иккинчи қисмининг 16-такти ижро этилган вақт ичида қизлар икки марта ўзларининг дастлабки ҳолатига бориш ва икки марта ўтишни ижро этишга улгурадилар.

«Қалдирғоч» рақсини 16 та қиз ижро этса жуда таъсирчан чиқади. Бундай ҳолларда ўтиш ҳаракатини тўрт жуфт қиз барабар бошлайди. Биринчи тактда иккинчи жуфт биринчи жуфт қизлар орасидан, тўртинчи жуфт учинчи жуфт орасидан, олтинчи жуфт бешинчи жуфт орасидан, саккизинчи жуфт еттинчи жуфт қизлар орасидан томошабин томонга юз ўгирган ҳолда ўтади. Иккинчи тактда биринчи жуфт тўртинчи жуфт орасидан, учинчи жуфт олтинчи жуфт орасидан, бешинчи жуфт саккизинчи жуфт орасидан томошабин томондан саҳна ичкарасига томон ўтади, иккинчи ва еттинчи жуфтлар эса ўз жойида икки қадам ташлайди. Учинчи тактда бошқа жуфтлар ўтади ва ҳоказо. Музиканинг

иккинчи қисмидаги 16 тактидан сўнг қизлар ўзларининг дастлабки ҳолатда турган жойларига келишлари керак.

12 та қизга мўлжалланган ёзувда келтирилган бошқа ҳаракатларнинг ҳаммасини 8 та ёки 16 та қиз ижро этганда ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз қолдирса бўлади.

Рақсга тушаётганларнинг кайфияти музикага қараб ўзгариб туради. Музиканинг шошилмасдан, суст ижро этиладиган қисми чалинганда қизларнинг кайфияти хотиржам, чеҳралари очиқ, лирик ҳолатда бўладилар; музиканинг тез ижро этиладиган қисми чалинганда эса, яъни «ўтиш» ва «учиш»да уларнинг кайфияти жуда кўтаринки бўлади.

## «ҚАЛДИРҒОЧ» РАҚСИДАГИ ҚАДАМЛАР

1. «Қалдирғоч» қадам — асосий қадам. Бу қадам музиканинг суст қисми (биринчи ва бешинчи) чалинганда ижро этилади.

Характери жиҳатидан бу қадам оддий қадамга ўхшайди; унинг фарқи шундаки, ўнг оёқ доимо учи билан қўйилиб, равонлик билан, оҳиста товонга ўтилади. Чап оёқнинг (ҳар вақт) учи қўйилиб, товони ерга тегмайди.

Музика ўлчови —  $\frac{2}{4}$ . Ҳар бир тактда бир қадам ташланади. Дастлабки ҳолат — оёқларнинг табиий ҳолати.

Затактда оёқ учида турилади.

«Бир» ҳисобига — ўнг оёқ учида олдинга кичикроқ қадам ташланади, сўнг товонга оҳиста ўтилади ва тиззаси хиёл букилади. Оёқни, тўғри чўзган ҳолда, юзи текисланиб, сал баланд кўтариш керак. Чап оёқ ердан узилади ва ўнг оёқнинг болдирига яқинлаштирилади (бунда чап оёқнинг учи ўнг оёқнинг тўпиғига тегмай туради).

«Икки» ҳисобига — чап оёқ учи билан ерга, ўнг оёқ ёнига, тиззаси букилмаган ҳолда қўйилади, ўнг оёқ эса келгуси қадамга тайёрланган ҳолда ердан узилади.

Қадам хотиржам, секин, майин, равон бўлиши лозим. Гавда оғирлиги аста-секин бир оёқдан иккинчи оёққа ўтиб туради.

Қадам олдинга, орқага, ўнгга, чапга, турган жойда ташланади. Лекин ҳаммасида ҳам ўнг оёқдан бошланади. Агар қизларга тезроқ силжиш лозим бўлса, у ҳолда қадамни узайтириш учун улар чап оёқларини ўнг оёқ ёнига қўймайдилар, балки уни олдинга босадилар.

«Қалдирғоч» қадамини ўнг томонга ижро этганда аввал ўнг оёқда ўнг томонга қадам ташланади («бир» ҳисобига), сўнгра («икки» ҳисобига) ўнг оёқ орқасида чап оёқни чалиштириб ўнг томонга қадам ташланади (бу русча «энгашишга» қисман ўхшаб кетади, лекин бунда тиззалар камроқ букилади).

Чапга юрганда (асосий қадам) ўнг оёқ билан аввал («бир» ҳисобига) қадам ташланади, бунда ўнг оёқ чап оёқ олдида чалиштирилади, сўнгра чап оёқ билан чапга («икки» ҳисобига) қадам ташланиб, чалиш оёқлар ажратилади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам чалиштириш вақтида ўнг оёқ олдинда, чап оёқ эса орқада бўлади. Фарқи шундаки, ўнг томонга қадам ташлаш чалиш оёқларни ажратиш билан («бир» ҳисобига) бошланади, сўнгра оёқлар чалиштирилади («икки» ҳисобига); чапга томон қадам ташланганда аксинча ижро этилади, яъни оёқлар аввал чалиштирилади, сўнгра ажратилади.

Бу қадам олдинга, ёнга, турган жойда ёки орқага ижро этилишидан қатъий назар, қизлар қуйида тасвир этилган қўлларнинг иккита ҳолатидан бирига риоя қиладилар:

1. Ҳар иккала қўл елка текислигидай кафтлари пастга қаратилган ҳолда (қўлларнинг ҳолати II италянча) ёнга ёзилади. Рақс тушаётган вақтда қўллар худди шу ҳолатда ёнга тўғри ёзилади (биринчи позиция ҳолатида эмас), кафтлар эса пастга қаратилган бўлади. Қизлар «Қалдирғоч» қадамни ижро этаётган вақтларида фақат қўл панжаларинигина букадилар. Қизлар ўнг оёқда қадам ташлаш билан бир вақтда қўл панжаларини пастга қарата силкийдилар, чап оёқда қадам ташлаш билан бир вақтда эса панжалар кўтарилиб аввалги ҳолатига қайтади. Панжаларни силкитиш майингина, гарчи рўмолча фақат битта қўлда бўлса ҳам, ҳар иккала қўл силкитилади (2-расм).

2. Рўмолча ушлаган қўл кафти олдинга қаратилган ҳолда юқорига тўғри (қўлларнинг ўзига хос III позицияси) кўтарилади, иккинчи қўл билан юбка ушлаб турилади. Худди шу вазиятда деярли тўғриланган қўл кафти пастга қаратилган ҳолда биринчи позициядан сўнг кўтарилади. Қўл силкитиш ҳаракатини фақат панжалар букилган ҳолда кўтарилган қўл билан ижро этилади, ёнга ёзилган иккала қўл билан силкитиш ҳаракати ҳам худди шу тарзда ижро этилади. Бунда олға томонга — юқорига қараб учиб кетаётган қушлар билан хайрлашаётгандай ҳаракат (23-расм) қилинади.

Қўллар бир позициясидан бошқасига пастдан юқорига қараб ба-жарилувчи тайёргарлик позициясидан сўнг ўтади. Агар қўллар ёнга ёзилган бўлса (II позиция) аввал уларни пастга тушириш керак, сўнг-ра рўмолча ушлаган қўл олдинга — юқорига кўтарилади. Рўмолча бир қўлдан иккинчи қўлга фақат пастдагина олинади. Агар битта қўл юқорига кўтарилган бўлса, аввал уни пастга тушириб (биринчи позициядан сўнг) сўнг-ра ҳар иккала қўл ён томонга ёзилади.

Қўл юқорига кўтарилганда ёки пастга туширилганда ҳаммиша кафти пастга қаратилган бўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам қўллар ўнг оёқда қадам ташланганда пастга туширилади, чап оёқ билан қадам ташланганда эса юқорига кўтарилади. Баъзи бир шаклларда қизлар қўл ҳолатини ўзгартирадилар, ундан ташқари, чап елкалари орқали  $1/4$  ( $90^\circ$ ) доира ёки  $1/2$  ( $180^\circ$ ) доира ясаб айланадилар.

Қизлар рўмолчани икки хил усулда ушлайдилар, чунончи:

1. Рўмолчани «тебратиш» ва «ўтиш» вақтида икки қиз уч бурчак қилиб тахланган битта рўмолчани (қизларнинг бири ўнг қўли билан бир учидан, иккинчиси чап қўли билан иккинчи учидан) ушлашади. Рўмолчани тебратиш вақтида рўмолча тўғри, жуда таранг тортилмасдан бўшроқ ушланади, «шўнғиш»да «шўнғувчилар»ники эркин осилиб, ўтказиб юборувчиларники эса таранг тортилиб туради (8—11, 13-расм)

2. Қиз рўмолчани қўлининг панжалари орасига олади; бунда панжалар букилиб мушт ҳолатига келмайди, балки уларнинг ҳаммаси тўғри ҳолда бирлашади. Қўллар ён томонга ёзилганда (чйқиш, бурчак, учиш, колонна) ёки бир қўл юқорига кўтарилганда (хайрлашиш, колонна, бурчак, кетиш) ҳам рўмолча худди шу тарзда ушланади (2, 23-расм). Шундай қилиб тоқ сонли қизлар рўмолчани «тебратиш»да рўмолчани ўнг қўлларида тутадилар, шу билан бир вақтда ўша қўллари билан юбкаларини ҳам ушлаб турадилар.

Ҳар бир қиз ўз рўмолчасини фақат битта қўлида — ўнг ёки чап қўлида тутайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, рўмолча бир қўлдан иккинчи қўлга фақат қўлнинг тайёргарлик ҳолатида (пастда, ўз олдида) ўтказилади.

2. **Югурма қадам.** Музиканинг тез чалинадиган қисмида ижро этилади (иккинчи, тўртинчи ва олтинчи қисми). Бу оддий, текис, енгил чопишдир. Музыка ўлчови  $2/4$ . Ҳар бир тактда икки қадам ташланади. Чопиш қадами «шўнғиш» ва «учиш» ҳаракатларида ижро этилади.

Тезлик даражаси шундай бўлиши керакки, қизлар ҳар бир ҳаракатни аниқ бажаришга улгуришлари лозим. «Учиш» ҳаракатида салпал чўнқайиб, йирик қадамлар ташлаб, лекин оёқни баланд кўтармасдан кўкракни олға томон чиқариброқ текис чопиш керак. Қўллар ён томонга ёзилиб, хиёл орқага тортилган ва ҳаракатсиз бўлади.

**3. Тебранма қадам** (балансэни эслатади). Музиканинг аста чалинадиган (биринчи ва учинчи) қисми ижро этилади. Буни ижро этаётган вақтда қизлар рўмолчаларини силкитиб турадилар. Тебранма қадамининг бу оддий варианты литва халқ рақсларининг кўпчилигида жуда кўп учрайди. Мазкур вариант жуда кам ижро этилади. Музыка ўлчови —  $2/4$ . Дастлабки ҳолат — тўлиқ бўлмаган II позиция (оёқлар ердан тўлиқ узилмаган ва бир-бирига яқин жойлашган бўлади). Ҳар бир такт музыкага бир қадам ташланади. «Бир» ҳисобига ўнгга бир оз бурилиб, ўнг томонга қадам ташланади ва гавда оғирлиги ўнг оёққа туширилиб чап оёқ товони кўтарилади (ҳар иккала оёқ учи ерда туради). Чапга қадам ташлаганда бутун гавда бир оз чапга бурилади ( $45^\circ$ га), гавда оғирлиги чап оёққа туширилиб, ўнг оёқ товони кўтарилади. Қадам ижро этилганда музиканинг оҳиста қисми чалинади.

**4. Оддий қадамларда бурилиш:** бу рақсда жуда кам бўлиб, фақат II строфада қўлланилади. Бу уч қадамда чап ёки ўнг елка орқали оддий бурилиш билан ўз атрофида тўлиқ айланишдир. Музыка ўлчови  $2/4$ . Литва халқ рақсларида бу қадам «сукинис» деб айтилади.

Дастлабки ҳолат — оёқларнинг табиий ҳолати, мазкур пайтда эса оёқларнинг тўлиқ бўлмаган II позицияси. Икки тактда — бир «сукинис».

**1-такт:** «Бир» ҳисобига — ўнг елка орқали ярим доира ўзгартирилиб ўнг томонга кичикроқ қадам ташланади. «Икки» ҳисобига — ўнг оёқ билан қадам ташланган томонга чап оёқда кичикроқ қадам ташланади, шу билан яна бир вақтда яна ўнг елка орқали ярим доира ўгирилади.

**2-такт:** «Бир» ҳисобига — ўнг оёқда ўнг томонга кичикроқ қадам ташланиб бурилиш тамомланади; «икки» ҳисобига — чап оёқ ўнг оёқ ёнига келтирилиб қўйилади.

«Қалдирғоч» рақсида (II строфада) қизлар иккита тебранма қадам ва битта «сукинис»ни бирга қўшилган комбинациясини тўрт марта такрор ижро этадилар.

Бундай комбинацияларнинг биттаси музиканинг 4- тактини банд қилади.

## РАҚС ТАСВИРИ

Қизлар кулиса орқасида, олтитаси саҳнанинг чап томонида, олтитаси саҳнанинг ўнг томонида кетма-кет саф тортиб турадилар. Бундан кейинги изоҳимизда саҳнанинг ўнг томонида турган қизларни жуфт, чап томонида турган қизларни эса тоқ деб юритамиз.

Саф бошида энг бўйи баланд қиз, унинг кетида ундан бўйи пастроғи ва охирида энг бўйи паст қиз туради. Ҳамма қизларнинг ўнг қўлида рўмолча бўлади. Қўллар ён томонга ёзилади.

## ЧИҚИШ (24 ТАКТЛИ)

Рақс музикасининг муқаддимаси ижро этилади.

**1—8-тактлар.** Музиканинг биринчи такти чалиниши биланоқ қизлар кулисанинг икки томонидан саҳнага бирин-кетин «қалдирғоч» қадам ташлаб чиқиб келадилар. Улар саҳнанинг қарама-қарши бурчаги томонга саккиз қадам нари юрадилар: ўнг томондан чиқувчилар саҳна

олдининг чап бурчагига диагональ бўйича юрадилар, чап томондан чиқувчилар эса саҳна олдининг ўнг бурчагига юрадилар (1-расм).

Қизлар ҳар бир «Қалдирғоч» қадамда қўл панжаларини пастга ва юқорига силкитганлари ҳолда уларни бир-бирларидан ажратиб турувчи бир хил масофани ҳам сақлайдилар. Қўлларнинг елка ва тир-



1-расм.

саклари букилмайди. Қизлар шошилмасдан майда қадамлар билан юрадилар ва гўё учиб кетаётган қушнинг бир оз пастлаётганини эс-лади.

**9—12-тактлар.** Биринчи, бешинчи, тўққизинчи ва ўн биринчи қизлар қўлларини туширмаган ҳолда томошабинга юзланадилар ва турган жойларида тўртта «қалдирғоч» қадам ташлайдилар, учинчи ва еттинчи қиз эса чапга томон тўртта «қалдирғоч» қадам ташлайдилар. Учинчи қиз катта қадам, еттинчиси эса кичик қадам ташлайди. Тўрттинчи қадамда қизларнинг ҳаммаси томошабинга юзланган ҳолда бурчак ташкил этадилар, ўн биринчи қиз олдинда туради. Бурчак биринчи қадамдаёқ дарҳол ҳосил бўлмайди, балки аста-секинлик билан ташкил топади.


Жуфт қизлар ҳам худди шу ҳаракатни ижро этадилар. Улар ҳам томошабинга юзланадилар. Иккинчи, олтинчи, ўнинчи ва ўн иккинчи қизлар қадамни турган жойларида ижро этадилар, тўрттинчи ва саккизинчи қизлар эса ўнг томонга қадам ташлайдилар. Шундай қилиб бу группадаги қизларнинг ҳаммаси аста-секин томошабинга юзланган



2-расм.


ҳолда бурчак ташкил этадилар, бунда ҳам ўн иккинчи қиз олдинда туради. Учинчи ва тўртинчи қиз саҳна ичкарасида бир-бирларига яқинлашадилар ва ҳар иккала бурчакни бир-бири билан боғлайдилар (2-расм).

**13—16-тактлар.** Ҳамма қизлар бурчак текислигини сақлаганлари ҳолда шошилмай саҳнанинг олд томонига «қалдирғоч» қадам билан тўрт қадам юрадилар. Ўнг оёқ тўртинчи қадамни ташлаганда ҳамма қизлар қўлларини пастга туширади ва шу билан бир вақтда чапга буриладилар, бунда уларнинг ўнг елкаси томошабин томонга қаратилади; чап оёқда қадам ташлаш билан яна ҳаммаси қўлларини ёнга ёзади (3-расм).



3-расм.


**17—18-тактлар.** Ҳамма қизлар икки «қалдирғоч» қадам билан битта қатор бўлиб саф тортадилар, ўнг елка томошабин томонга қараган бўлади (4-расм).



4-расм.


Бунда биринчи, бешинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи ва иккинчи қизлар ўнг томонга юрадилар, ўн биринчи ва ўн иккинчи қизлар чапга, тўққизинчи, еттинчи, саккизинчи ва ўнинчи қизлар эса турган жойларида иккита «қалдирғоч» қадам ижро этадилар.

**19—20-тактлар.** Қизлар ўз йўналишлари бўйича яна икки қадам (қизларнинг бир қисми ўнгга; бир қисми чапга) ташлайдилар, қолганлари эса турган жойларида қадам ташлаб «М» ҳарфига ўхшаган шаклни ташкил этадилар (5-расм). Иккинчи қадам ташлаганда ҳамма қизлар қўлларини пастга туширадилар, ўнгга бурилиб томошабинга юз-



5-расм

ланадилар ва яна қўлларини елка текислигида ёнларига ёзадилар. Рўмолча доимо ўнг қўлда тугилади (6-расм).



6-расм.

**21—24-тактлар.** Музыка муқаддимасининг қолган тўрт тактида ҳамма қизлар тўртта «қалдирғоч» қадам билан томошабинга юзланган ҳолда икки қатор бўлиб саф тортадилар. Тоқ қизлар чапга томон, жуфт қизлар эса ўнг томонга юриши керак. Тўртинчи қадам ташлаганда тоқ қизлар жуфт қизлар рўмолчасининг учидан тутадилар, шу билан бирга, тоқ қизлар рўмолча ушлаган ўнг қўлларини жуфт қизлар эса чап қўлларини пастга тушириб, туширилган қўллари билан юбкаларини ушлаб турадилар.

Ўз жуфти билан ярим бурилиб, кетма-кет турган қизларнинг томошабинга юзланган сафи ҳосил бўлади. Ҳар қайси жуфт букланган рўмолчанинг икки учидан ушлаб туради (7-расм).


## I

### 1. РҶМОЛЧА СИЛКИТИШ (8 ТАКТ)

Музиканинг биринчи (шошилмай чалинадиган) қисми муқаддимадан кўра бир оз тезроқ ижро этилади.

Қизлар тебранма қадам (балансэ)ни ижро этганлари ҳолда рўмолчани силкитадилар. Жуфт қизлар рўмолчани ўнг қўлида, тоқ қизлар чап қўлида тутати. Жуфт қизлар бўш қўллари билан, тоқ қизлар эса рўмолчаси бор ўнг қўллари билан юбкасини ушлаб турадилар (8-расм).

Биринчи тактда ҳамма қизлар ярим доира бурилган ҳолда қўлларини хиёл букиб елка текислигида олдинга кўтарадилар, бунда рўмолча таранг тортиб турилади. Шу билан бир вақтда жуфт қизлар гавда оғирлигини чап оққа тушириб  $\frac{1}{8}$  ( $45^\circ$ ) доира бўйича чап томонга, тоқ қизлар эса гавда оғирлигини оёққа тушириб,  $\frac{1}{8}$  доира бўйича ўнг то-



7-расм.



8-расм.

монга буриладилар; қизларнинг сафи томошабинга юзланган бўлади. (9-расм).



9-расм.

Иккинчи тактда ҳамма қизлар ўз жуфтига ўгирилиб юзланади ва гавда оғирлигини бошқа оёққа ўтказиб, рўмолча белга қадар ярим доира пастга — орқага туширилади, сўнгра орқадан елка текислигида кўтарилади (10-расм).

Учинчи тактда рўмолча олдинда, тўртинчи тактда эса орқада силкитилади ва ҳоказо. Томошабинга юзланган ва бир-бирига қайтарилиб қараган ҳолда ярим доира олдинда ва орқада ҳаммаси бўлиб бундай силкитиш саккиз марта ижро этилади.



10-расм.



11-расм.

Рўмолча силкитилганда оёқнинг товони ердан кўтарилади. Қизлар бўш қўллари билан юбкасини ушлаб турадилар; улар гўё завқланиб, рўмолчани доимо кузатиб турадилар. Рўмолчани охириги марта орқада силкитгандан сўнг ҳамма қизлар уни бошлари устида баланд кўтариб 11-расмдаги ҳолатда турадилар (11-расм).

## 2. ШУҢҒИШ (16 ТАКТЛИ)

Музиканинг иккинчи (тез) қисми ижро этилади.

Ўз жуфти билан рўмолчанинг икки учидан тутган қизлар югуриб бориб бошқа қизлар орасидан ўтадилар. Шундан сўнг ўзларининг ораларидан бошқа қизларни ўтказадилар (12—13-расмлар). Ҳар бир



тактдан сўнг икки марта орадан ўтиш ёки бошқаларни ўтказиш керак. Ўтишни олдинга, томошабин томонга қараб олтинчи жуфт қизлар бошлайди. Улар аввал бешинчи жуфт қизлар орасидан ўтадилар, сўнгра ўзлари ораларидан тўртинчи жуфт қизларни ўтказиб юборадилар, ўзлари яна учинчи жуфт қизлар орасидан ўтадилар ва ҳоказо (12-расм). Олтинчи жуфт қизлар олдинга, томошабин томонга чиқиб, саҳна орқасига қараб турадилар, шу тарзда шўнғишни ижро этиб орқага, аввалги ўз жойига қайтадилар.

Қолган жуфтлар, олтинчи жуфт қизлар уларга етиб келгандан сўнг, орадан ўтишни бошлайдилар. Унгача уларнинг ҳаммаси ўз жойида ҳаракат қилади, кейин орадан ўтиб саҳна орқасига борадилар, сўнг томошабин томонга ҳаракатланиб орадан ўтадилар ёки ўзлари ўтказадилар. Саҳна олдида етгач, орқага қайрилиб орадан ўтадилар ва ўз жойларига қайтадилар. Саф охиридаги ҳар бир жуфт қиз ўз жойида ҳаракатланиб бир такт тўхтаб туриши, сўнг орадан ўтиб ёки ўтказиб қайтиши керак. Қизлар бир қўли билан рўмолча учидан маҳкам тутиб,

иккинчи қўл билан юбкани ушлаб ва босиб олмаслик учун унинг этагини бир оз кўтарган ҳолда тез ва чаққонлик билан орадан ўтадилар.

Олтинчи жуфт қизлар, аввалги ўз жойларига қайтиб келгач, музиканинг охирги тактигача жойларида рўмолчани олдинга ва орқага силкитиб турадилар. Бешинчи жуфт орадан ўтишни бир такт кейин тамомлаб, ўз жойларига қайтиб келадилар, сўнг ўтишни тўртинчи, учинчи ва қолган жуфтлар тамомлайди. Биринчи ва иккинчи жуфт қизлар энг охирги тактда ўз жойларига келиб турадилар.

Рақсда орадан ўтиш ҳаракати доимо жонли ва қувноқлик билан ижро этилади.

## II

### 1. ОДДИИ ҚАДАМЛАРДА ЮРИБ РЎМОЛЧА СИЛКИТИШ

(16 тактли)

Музиканинг учинчи қисми биринчи қисмидаги I строфадан бир оз тезроқ, икки марта ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Музиканинг биринчи икки тактида қизлар худди I строфадагидек (биринчи марта олдинга, иккинчи марта орқага) рўмолчани силкитадилар, ундан кейинги икки тактда улар томошабин томонга «сукинис» (уч қадамда айланиш) ижро этадилар. Бунда рўмолча қўлдан қўйиб юборилмайди, балки бош устидан (14-расм) ўтказилади. Жуфт қизлар чап елка орқали, тоқ қизлар эса ўнг елка орқали айланадилар. Айланаётган қизлар рўмолчаси билан пастга-олдинга-юқорига-орқага-пастга-олдинга қараб кенг доира тасвирини акс этдирадилар. Шундай қилиб бир «сукинис»да рўмолча  $1\frac{1}{2}$  доира тасвирини акс эттиради ва ниҳоят олдинда, елка текислигида қолади.



14 расм



15 расм

**5—8-тактлар.** Қизлар икки тактда худди аввалгидек рўмолча силкитадилар, лекин бу сафар биринчи ҳаракат орқага, сўнгра олдинда, томошабин томонга ижро этилади. Ундан кейинги икки тактда қизлар саҳна ичкарасига яна битта «сукинис» ижро этадилар, рўмолчани олдиндан-пастга-орқага, юқорига-олдинга-орқага кенг доира бўйича ўтказадилар ва бошқа елка орқали: жуфтлар ўнг елкаси, тоқлар чап елкаси орқали айланадилар (15-расм).

**9—16-тактлар.** 1—8-тактлардаги ҳаракатлар такрорланади. Охирги «сукинис»ни тамомлаб қизлар рўмолчани бошлари устига кўтарадилар ва худди I строфадагидек шўнғишга тайёрланадилар.

Музиканинг тўртинчи қисми (тез) ижро этилади.

Қизлар I строфадаги орадан ўтишни тўлиқ такрорлайдилар.


Бу шакл тамом бўлгач, жуфт қизлар тезлик билан рўмолчаларини чап қўлга ўтказадилар, тоқ қизларнинг рўмолчаси ўнг қўлида қолади. Ҳамма қизлар томошабинга юзланади ва ўз жуфтларининг елкасига қўл ташлайди; рўмолча ушлаган қўлни елка бараварида ёнларига ёзадилар (16- расм).

### III


#### 1. а) САФ ТОРТИБ ХАЙРЛАШИШ (16 ТАКТЛИ)

Музиканинг бешинчи қисми (шошилмай) муқаддима темпида ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Қизлар тўртта «қалдирғоч» қадамда бутун сафи билан  $\frac{1}{8}$  ( $45^\circ$ ) доира бўйича ўнг томонга буриладилар ва сахнанинг олдинги чап бурчагига юзланган ҳолда диагональ бўлиб турадилар (17-расм). Бунинг учун биринчи уч жуфт қизлар ўнг томонга, ундан кейинги уч жуфт қизлар эса чапга тўртта «қалдирғоч» қадам ташлайдилар. Биринчи ва олтинчи жуфтлар катта қадам, иккинчи ва бешинчи жуфтлар кичикроқ қадам ташлайдилар, учинчи ва тўртинчи жуфтлар эса деярли ўз жойларида «қалдирғоч» қадам билан ҳаракат қиладилар. Ҳар бир қадамда қизлар қўл ва панжаларини букиб рўмолчани силкитадилар.



16 расм




17 расм


**5—8-тактлар.** Қизлар тўртта «қалдирғоч» қадамда бутун сафи билан  $\frac{1}{4}$  ( $90^\circ$ ) доира бўйича чап томонга буриладилар ва сахнанинг олдинги ўнг бурчагига юзланадилар (18- расм). Бунинг учун биринчи уч жуфт қизлар чапга, ундан кейинги уч жуфт қизлар ўнгга «қалдирғоч» қадам ташлайдилар. Ҳамма қизлар 1—4-тактлардагига нисбатан икки баравар каттароқ: биринчи ва олтинчи жуфт қизлар имконияти борича каттароқ, иккинчи ва бешинчи жуфтлар кичикроқ, учинчи ва тўртинчи жуфт қизлар эса янада кичик қадам ташлайдилар. Тўртинчи, ўнг оёқ билан ташланган қадамда қизлар рўмолча ушлаган қўлни пастга туширадилар, чап оёқ билан қадам ташлаганда эса рўмолча тутган қўл яна юқорига — бош устига кўтарилади. Иккинчи қўл ҳолати ўзгармайди.

**9—12-тактлар.** Ҳамма қизлар турган жойларида тўртта «қалдирғоч» қадам ижро этганлари ҳолда бошларини хиёл юқорига кўтардилар; улар юқорига кўтарилган рўмолчаларини силкитиб хайрлашадилар. Жуфт қизлар силкитиш ҳаракатини чап қўл панжалари билан, тоқ қизлар эса ўнг қўл панжалари билан ижро этади.

**13—16-тактлар.** Қизлар бутун сафи билан қўл панжаларини силкитиб, аниқ текисликни сақлаган ҳолда учта «қалдирғоч» қадам билан саҳнанинг ўртасига қайтадилар. Биринчи уч жуфт қизлар ўнгга, қолган уч жуфт чапга юради. Ўнг оёқда тўртинчи қадам қўйилганда қизлар қўлларини ажратади ва уни пастга тушириб тезлик билан рўмолчани бошқа қўлига (жуфт қизлар ўнг қўлига, тоқ қизлар чап қўлига) олади ва чап елка орқали бурилиб томошабинга орқаси билан туради. Чап оёқда қадам қўйганда (томошабинга орқаси билан турар экан) ҳамма қизлар қўлларини елка текислигида ёнларига ёзадилар (19-расм).



18- расм.




19- расм.

**б) БУРЧАК ҲОСИЛ ҚИЛИБ ТУРИБ ХАЙРЛАШИШ (16 ТАКТЛИ)**


Музиканинг бешинчи қисмидаги 17—32-тактлар ижро этилади.

**17—20-тактлар.** Томошабинга орқаси билан турган ҳамма қизлар қўлларини ёнларига ёзганлари ҳолда битта «қалдирғоч» қадам ташлаб бир сафга бирлашадилар (20- расм). Сафга киришда тоқ қизлар жуфт қизларнинг орқасига туради. Қолган учта «қалдирғоч» қадамни жуфт қизлар чапга, тоқ қизлар эса ўнг томонга ижро этади. Саҳна ичкарасида, сафнинг олдида турган ўн иккинчи қиз қадамни турган жойида ижро этади. Унга яқин (ичкарида) турган қизлар бу вақтда ён томонга майда қадамлар билан юради, томошабинга яқин турган қизлар эса аниқ текисликни сақлаган ҳолда қадамни катта ташлайди. Уч қадамда (сафга кириш ҳам шу ҳисобга киради) қизлар саҳна ичкарасидаги ўртада турган ўн иккинчи қизга қараб текисланган ҳолда томошабинга тескари бурчак ҳосил қиладилар (21- расм). Тўртинчи қадамда ҳамма қизлар ҳар иккала қўлларини пастга туширадилар, чап елкалари орқали  $\frac{1}{2}$  ( $180^\circ$ ) доира бўйича айланиб томошабинга юзланадилар. Айланишдан сўнг турган жойларида чап оёқда қадам ташлаб, қизлар яна қўлларини ёнларига ёзадилар.

**21—24-тактлар.** Жуфт қизлар диагональ сафда бир хил қадам ташлаган ҳолда чапга юради ва иккинчи диагональ саф тортган тоқ қизларни ўз ораларидан ўтказиб юборади. Жуфт қизлар тоқ қизларни ўз




20- расм.



21- расм.

олдиларидан ўтказадилар. Қўллар ёнга ёзилган бўлади. Тўртта «қалдирғоч» қадамни ижро этиб, қизлар томошабинга юзланган ҳолда бурчак ташкил этадилар. Олдинда биринчи қиз туради, қолган қизлар икки саф бўлиб унга текисланадилар. Тўртинчи қадам турган жойда ижро этилгач, қизлар қўлларини пастга туширадилар ва дарҳол рўмолча тутган қўлларини юқорига кўтарадилар; жуфт қизлар ўнг қўлларини, тоқ қизлар чап қўлларини кўтарадилар.



22- расм.

Қизлар бўш қўллари билан юбкаларини ушлаб турадилар (23- расм).

**25—28-тактлар.** Қизлар бошларини бир оз юқорига кўтарадилар ва турган жойларида (ҳаммаси бўлиб тўртта «қалдирғоч» қадам) қадам ташлаб юқорига кўтарилган рўмолчани силкитиб хайрлашадилар.


**29—32-тактлар.**

Қизлар рўмолча силкитган ҳолда тўрт қадам ташлаб олдинда бурчак ҳосил қиладилар. Ҳамма қизлар саҳна олдига боришади ва саҳнанинг энг четида томошабинга юзланган ҳолда икки сафга тизила-

дилар. Олдинда (томошабинга яқин) турган қиз катта қадам билан юради; ундан кейинги қизлар кичикроқ, охирги (саҳна ичкарисидаги) қизлар эса деярли турган жойларида қадам ташлайдилар. Тўртинчи қадамда, олдинга энг охирги силкитиш ҳаракати ижро этилганда, қизлар қўлларини пастга туширадилар, сўнг жуфт қизлар чап елкаси орқали тоқ қизлар эса ўнг елкалари орқали айланадилар ва қўлларини ёзадилар. Ҳамма қизлар саҳна орқасига қараган ҳолда турадилар.



23- расм.



24- расм.

## 2. УЧИШ (16 ТАКТЛИ)

Музиканинг олтинчи қисми (тез) ижро этилади.

Қизлар қўлларини ёнларига кенг ёйиб, жуфт қизлар ўн иккинчи қиз кетидан, тоқ қизлар эса ўн биринчи қиз кетидан 24- расмда кўрсатилганидек «кетма-кет» энгилгина югурадилар. Рўмолчани ўша қўлнинг ўзида тутадилар.

**1—4-тактлар.** Етакчи қиз томошабин томонга саккиз қадам юради. Қолган қизлар унинг кетидан шу ҳаракатни ижро этишади. Бу қизлар саккизта қадамни томошабинга юзланган ҳолда ижро этса, етакчи қиз кетидан бошқа қизлар — аввал етакчи қиз турган саҳна ичкарисига чопиб бориб, томошабин томонга қарайдилар. Саккиз қадамдан сўнг сафлар бир-бирига 2-3 қадам яқинлашади. Аввал саҳна ичкарисида турган қизлар энди олдинги планга, олдинда турган қизлар эса саҳнанинг ичкарисида бўлади.

**5—8-тактлар.** Етакчи қизлар саҳна ичкарисиди саҳнанинг ўртасига буриладилар. Қизларнинг бошқа қолганлари ҳам шу ҳаракатни ба-жарадилар. Саккизинчи қадамга ҳамма қизлар саҳна ичкарисига қараган ҳолда икки сафга тизилдилар; сафлар бир-бирига бир неча қадам яқинлашади, бир сафдаги қизларнинг ёнга ёзилган қўллари бир-бирига тегай-тегай деб туради.

**9—12-тактлар.** Етакчи қизлар саҳна ўртасидан томошабин томонга қараб югурадилар, натижада томошабинга юз ўгирган умумий битта саф ҳосил бўлади. Саф олдида иккинчи қиз, ундан кейин ўн биринчи, ўнинчи ва ҳоказо.

**13—16-тактлар.** Саҳнанинг энг олдида, четида қизлар яна икки группага бўлинади: жуфт қизлар чапга, тоқ қизлар ўнгга буриладилар; ҳаммалари кетма-кет саҳна ичкарисига югурадилар. Олтинчи югурма қадамда саҳна орқасига қараган битта саф ҳосил бўлади. Унинг ҳар қаторида иккитадан қиз туради. Охириги қадамда ҳамма қизлар қўллари туширмаган ҳолда бурилиб томошабинга юзланадилар. Жуфт қизлар чап елка орқали, тоқ қизлар эса ўнг елкаси орқали айланади.

16-тактнинг охирида қўллари ёнига ёзиб томошабинга юзланган қизларнинг икки қатор сафи ҳосил бўлади.

«Учишда» қизлар завқ-шавқ билан катта қадамлар ташлаб текис чопадилар, лекин қадам ташлаганда оёқлар жуда юқори кўтарилмайди, тиззалар бир оз эгилган бўлади.

## IV

### 1. а) ИЧКАРИГА БУРЧАК ҲОСИЛ ҚИЛИБ ХАЙРЛАШИШ (16 ТАКТЛИ)

Музиканинг бешинчи қисми (шошилмасдан) ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Уч «қалдирғоч» қадамда қизлар томошабинга юзланган ҳолда бурчак ҳосил қиладилар. Олдинда биринчи қиз туради, бошқалари унга қараб текисланади. Бунинг учун жуфт қизлар ўнг томонга, тоқ қизлар эса чап томонга юрадилар. Олдинда турган қиз калта қадам, орқада турувчилар катта қадам ташлайдилар. Турган жойда ижро этиладиган тўртинчи қадам ижро этилганда қизлар қўллари пастга туширадилар, чап елка орқали бурилиб саҳна орқасига ўгириладилар ва яна қўллари елка текислигида ёнларига ёзадилар.

**5—8-тактлар.** Шундай тарзда ва худди III строфадагидек ўша вақтнинг ўзидаёқ ҳамма жуфт қизлар ўн иккинчи қизга текисланиб диагональ бўйича саф тортиб ўнгга, тоқ қизлар ўн биринчи қизга текисланиб чапга юрадилар. Ҳамма қизлар учта «қалдирғоч» қадам ташлаб 21-расмда кўрсатилгандек саҳна орқасига қараган ҳолда бурчак ташкил қиладилар, лекин жуфт қизлар аввалги тоқ қизлар турган жойда ҳозир бўладилар ва аксинча. Олдинда ўн иккинчи қиз туради. Тўртинчи қадамда ҳамма қизлар қўллари пастга туширадилар ва ўша заҳотиёқ рўмолча тутган қўллари юқорига кўтарадилар: жуфт қизлар ўнг қўллари, тоқ қизлар эса чап қўллари кўтарадилар. Шу билан бир вақтда, улар бошларини ҳам горизонтал ҳолатда хиёл юқорига кўтарадилар. Қизлар бўш қўллари билан юбкасини ушлаб туради.

**9—12-тактлар.** Ҳамма қизлар турган жойида «қалдирғоч» қадам ижро этади ва гўё биров билан хайрлашаётгандек рўмолчани бошлари устида баланд кўтарган ҳолда силкитадилар.


**13—16-тактлар.** Қизлар саҳна орқасига қараган ҳолда рўмолча силкитишни давом этдирган ҳолда тўртта «қалдирғоч» қадам ижро этиб, аста-секин бурчакни тугатадилар ва саҳна орқасига қараган ҳолда қаторга иккитадан туриб бир сафга бирлашадилар. Тўртинчи

қадамда қызлар қўлларини пастга туширадилар ва дарҳол ҳар иккала қўлларини елка текислигида ёнларига ёзадилар. Саҳна ичкарисидаги уч жуфт қиз (еттинчи қиздан ўн иккинчи қизгача) томошабинга юзланадилар.

б) НУР ЧИЗИҚЛАР (16 ТАКТЛИ)


Музиканинг бешинчи қисмидаги 17-32 тактлар (шошилмасдан) ижро этилади.

17-20 тактлар. Ҳамма раққосалар саҳна марказида текисланган ҳолда тўртта нур чизиғи (ҳар нур чизиқда учтадан қиз) ҳосил қиладилар ва «қалдирғоч» қадам билан доира бўйлаб ҳаракат қиладилар (25-расм).



25- расм.

Уч жуфт қиз ўнгга, уч жуфти чапга юради. Иккинчи, тўртинчи ва олтинчи қизлар битта нур чизиғини ташкил этиб доира бўйлаб ўнгга юрадилар; бунда олтинчи қиз кичик доира бўйлаб кичик қадам таш-




26- расм.

лайди, тўртинчи қиз ўртача доира бўйлаб каттароқ қадам ташлайди. Саккизинчи, ўнинчи ва ўн иккинчи қизлар бошқа нур чизиғи ташкил этиб чапга томон силжийдилар. Бу қизларнинг ҳаммаси тўртинчи «қалдирғоч» қадамда томошабинга чап елкасини қаратиб турган ҳолда битта умумий нур чизиғини ташкил этадилар.

Тоқ қизлар ҳам худди шу ҳаракатни ижро этадилар. Биринчи, учинчи ва бешинчи қизлар чапга, еттинчи, тўққизинчи, ўн биринчи қизлар эса ўнгга юрадилар. Тўртинчи «қалдирғоч» қадамда улар ҳам марказга юзланиб томошабинга ўнг елкаларини ўгирган ҳолда битта умумий нур чизиғини ташкил этадилар. Жуфт қизлар тоқ қизларга, тоқ қизлар эса жуфт қизларга юзланадилар (26-расм).

**21—24-тактлар.** Қизлар худди шу йўналиш бўйича илгари силжийдилар. Тўртинчи қадамда ҳамма қизлар яна саҳна ўртасида — саҳна марказига юзланган ҳолда иккита нур чизиғи ҳосил қиладилар (27-расм).



27- расм.

Тўртинчи қадамда қизлар қўлларини пастга туширадилар ва рўмолча тутган қўлларини кўтарадилар: жуфт қизлар ўнг қўлини, тоқ қизлар чап қўлини кўтаради. Бўш қўллари билан юбкасини ушлаб туради.


**25—28-тактлар.** Қизлар бошлари ўртасида баланд кўтарилган рўмолчаларини силкитиб, ўз йўналишларини ўзгартирмаган ҳолда, яна тўртта «қалдирғоч» қадам ташлайдилар ва яна 26-расмда кўрсатилгандек, лекин тартиби аксинча бўлган, икки нур чизиғини саҳна марказига юзланган ҳолда ҳосил қиладилар.

**29—32-тактлар.** Қизлар рўмолчаларини силкитиб яна тўртта қадам ташлайдилар-да, ўз жойларига қайтиб келадилар ва иккитадан бўлиб умумий бир сафга бирлашадилар. Охирги қадамда тоқ қизлар рўмолчаларини ўнг қўлларига ўтказадилар, чап қўллари билан юқори кўтарилган жуфт қизлар рўмолчасини учидан тутадилар. Тоқ қизлар рўмолча тутган бўш қўллари билан юбкаларидан ушлаб турадилар. Жуфт қизлар ўнг қўлда ўз рўмолчаларининг учидан ушлаб чап қўллари билан юбкаларини ушлаб турадилар. Ҳамма қизлар томошабинга юзланадилар.

Музиканинг олтинчи қисми (тез) ижро этилади.

Қизлар I строфадагидек жуфти билан орадан ўтадилар. Уни аввалгидагидек, олтинчи жуфт қизлар бошлайди. Ўз жойига қайтиб келгач, улар орадан ўтишни давом эттиради. Иккинчи марта орадан ўтиш тўлиқ бўлмайди. Қизлар иккинчи марта саҳна олдига келганларида ажраладилар: ўн биринчи қиз ўнг томонга, ўн иккинчи қиз эса чапга югуради. Бешинчи, тўртинчи жуфтлар ва бошқалари улар кетидан шу ҳаракатни ижро этадилар, шу билан бирга, жуфт қизлар ўн иккинчи қиз кетидан, тоқ қизлар эса ўн биринчи қиз кетидан югурадилар.

Саҳнанинг олдинги планида орадан ўтишни тамомлагач, етакчи қиз саҳнанинг олдинги бурчагига югуриб келади ва унинг ичкарасига — саҳнанинг қарама-қарши бурчагига бурилади. Ҳамма қизлар бир-бирларига дуч келганда бир-бирларини оралатиб ўтиб икки кесишган диагональ бўйича саҳнадан чиқиб кетишади. Улар ўнг қўлларидаги юқори кўтарилган рўмолчани силкитадилар (28-расм). Рақс бошланишида саҳнанинг ўнг томонидан чиққан қизлар саҳнанинг чап томонига, чап томонидан чиққан қизлар эса ўнг томонига кириб кетадилар.



28- расм.

### ЛИТВА ХАЛҚ КИЙИМЛАРИ

Литва халқининг аёллар кийими эркакларникига нисбатан турлитуман ва ранг-барангдир. Улуғ Совет Литвасининг турли районларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маҳаллий урф-одатга мосланган ҳолда тикилади. Кийимлар уйғунлашган ранг, матодаги гул ва бичилишидаги афзаллиги билан бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқлар деярли катта эмас, шунинг учун рақс қайси ердан келиб чиққан бўлса, ўша ерга хос кийимда саҳнага чиқиб, ижро этиш шарт эмас.

**ЮБКА.** Юбка узун (деярли ерга тегай-тегай деб туради) ва кенг (3—4 метр кенгликда) бўлади. Юбканинг устки ва пастки қисмининг кенглиги бир хил бўлиб, юқорисига бел қисмига резинка тутилади. Юбка одатда бир тусдаги — кўндаланг ёки тик йўлли ёки бошқа тусдаги катак материалдан тикилади. Литванинг турли районларида бу йўл-йўл чизиғи, кенглиги турлича бўлади. Кўпинча уларнинг йўли кенг ва сийрак бўлади. Катаклар эса жуда майда бўлмайди (10×10 гача).

**НИМЧА.** Нимчадаги безаклар одатда юбканикига кўра чиройлироқ ҳамда анча майдароқ бўлади. Нимчадаги йўл-йўл чизиқларнинг кўпчилик қисми горизонтал ҳолатда жойлашади. Нимча турли хил узунликда тикилади; у гавдага ёпишиб туради, белдан паст қисми эса қат-қат ёки қўш этак шаклида бўлади. Нимчанинг этаги тўғри ёки кунгура қилинади. Нимчанинг олди — бир нечта тугма билан тугмаланади, илгак ёки чиройли боғич, ёки лента билан крест шаклида боғланади. Баъзан нимча олдидан эмас, чап ёки ўнг ёнидан ҳам тугмаланади. Ёқасининг ўрни ҳар хил: айлана, квадрат шаклида очилади. Баъзи районларда нимча ёқаси каттароқ ўйилади ва гул тикилган кофта кўриниб туради.

**ПЕШБАНД.** Юбкадан анча калта (тахминан болдир ярмигача) туради. Пешбанд нимча ичидан юбканинг устидан боғланади. У йирик ёки майда ранг-баранг гуллик бир тусли матодан тикилади.

Пешбандлар кўпинча оқ ёки бир тусли очиқ ранг (қизил, яшил ёки кўк) йирик ёки майда гуллик бўлади. Бундай пешбандлар билан бир қаторда қора тусдаги пешбандлар ҳам кенг тарқалгандир. Унга турли хил тусдаги очиқ, ранг-баранг гуллар тикилади. Пешбанднинг этаги текис бўлади ёки попук тақилади.

Қадимги вақтларда нимча, юбка ва пешбанд бир-биридан ўз туси билан фарқ қиларди (масалан, юбканинг асосий ранги қизил, нимчаники яшил, пешбанд — оқ); ҳозир эса бу учала кийимнинг таркибий қисми ўз туси билан уйғунлашган. Пешбандларга одатда литва халқ нақши ва гули (кўпинча лола, нилуфар) тикилади.

**КОФТА.** Кофта фақат оқ материалдан (ёқали ёки ёқасиз) тикилади. Енги узун, кенг, тирсакдан юқорироққа ва елкасига гул солинади. Ёқасидан то этагигача узунасига илгаги бўлади. Кофтанинг елкасига ҳам худди шундай гул тикилади. Гул кийим-бошнинг асосий тусига қараб бир тусда (қизил, яшил ёки кўк) бўлади.

**Бош кийими.** Қизлар бошига ҳар хил лента, мато тасмаси ёки тўқилган тасмалардан қилинган «гултож» киядилар. Гултожнинг ранги юбка, нимча ва пешбанд тусига мос бўлади.

Лента ёки тасма эшиб мато билан қопланган 6-8 см кенгликдаги картонга ёпиштириб қўйилади. Гултож ўроқсимон шаклда бўлади. Гултожни эгиб бошга кийилади ва орқа томондан боғлаб қўйилади. Гултожнинг шу боғлаб қўйилган ерига бир нечта лента ёки тасма боғланади, уларнинг учи белгача тушиб туради.

Аёлларнинг кўпчилиги бўйнига қаҳрабо мунчоқ ёки қизил (бир хил ёки ҳар хил катталикдаги) маржон тақади. Мунчоқлар ҳар хил узунликда бир неча қатор бўлиши мумкин.

**БЕЛБОҒ.** Кўпинча узун нимча белидан энсиз матодан тўқилган белбоғ боғланади. У олдан ёки ён томондан оддий тугунча ёки иккита қисқа боғич билан боғланади. Белбоғ учлари тахминан тиззагача тушиб туради. Белбоғ боғлаш аёллар учун албатта шарт эмас.

**ПАЙПОҚ.** Узун ва доимо деярли оқ тусда бўлади.

**ТУФЛИ.** Улар тўқ жигар ранг, кул ранг, тўқ қизил ёки кўм-кўк бўлиб, бошқа тусдаги рангда гул солинади. Ранги очиқ кийимга ранги очикроқ туфли кийилади, уларнинг тасмаси бўлади. Пошналари ўртача.

# "КАЛДИРҒОЧ"

Рақсига музика

Муқаддима

Tranquillo  $\text{♩} = 72$

С. Вайнюнас обработкаси

The musical score is written for piano in G major and 3/4 time. It consists of five systems of music. The first system begins with a *mf* dynamic and ends with a *dim.* marking. The second system ends with a *p* dynamic. The third system includes a *cresc.* marking. The fourth system includes a *f* dynamic. The fifth system concludes with *dim.* and *poco rit.* markings. The score features a variety of rhythmic patterns, including eighth and sixteenth notes, and rests, with a focus on melodic lines in the right hand and harmonic support in the left hand.

Più mosso ♩ = 96

1. *mf*

2. Vivo ♩ = 144

*f*

*p cresc.*

*p cresc.*

Meno mosso ♩ = 112

3. *mf*

First system of musical notation. It consists of two staves (treble and bass clef) with a brace on the left. The key signature has two sharps (F# and C#). The music features a complex rhythmic pattern with many sixteenth notes. A dynamic marking *p* is present in the first measure. A first ending bracket spans the last two measures, with a second ending bracket below it. A measure rest is indicated by a dashed line above the first measure.

Vivo ♩ = 144

Second system of musical notation, continuing from the first system. It features two staves with a brace on the left. The key signature remains two sharps. The music continues with similar rhythmic complexity. A measure rest is indicated by a boxed number '4' above the first measure.

Third system of musical notation, continuing from the second system. It features two staves with a brace on the left. The key signature remains two sharps. The music continues with similar rhythmic complexity.

Fourth system of musical notation, continuing from the third system. It features two staves with a brace on the left. The key signature remains two sharps. A dynamic marking *p* is present in the first measure.

Fifth system of musical notation, continuing from the fourth system. It features two staves with a brace on the left. The key signature remains two sharps. A dynamic marking *p* is present in the first measure.

Tranquillo ♩ = 72

5

*cresc.*

*p*

*cresc.*



## ЯЙЛОВИЙ

### ҚИРҒИЗ ХАЛҚ РАҚСИ

«Яйловий» рақси қирғиз аёлларининг яйловлардаги ёзги меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилади. Баҳор келиши билан аёллар чорвани яйловларга, тоғларга ҳайдайдилар. Улар тоғ ён бағриларига ўтовлар тикиб, сигирларни соғадилар, жун титадилар, савайдилар, кигиз босадилар, ип йигирадилар.

Рақс ҳаракатларининг оддийлиги, композициясининг равлонлиги сабабли уни бадий ҳаваскорлик коллективларининг барча рақс тўғарақларида ижро этиш мумкин.

Бу рақс олти раққосага мослаб ёзилган.

Музика ўлчови  $2/4$ .

### РАҚҚОСАЛАРНИНГ КИЙИМЛАРИ

Сидирға рангди текис материалдан хипча бел қилиб тикилган узун кўйлак. Қамзул ёқаси тик туради, олдига битта тугмача қадалади. Енглари узун, тор. Юбкаси кенг, этагига икки қатор бурма солинган.

Уч қизнинг кўйлаги оқ ранглидир. Қолган учтасиники бошқа рангда (албатта одми рангда) бўлади.

Кўйлак устидан бахмалдан тикилган енгсиз желатка кийилади.

Ҳар бир қизнинг устидаги енгсиз желатка бошқа рангда бўлиши ҳам мумкин. Бўйинларга маржон, қулоқларга исирға тақилади. Сочлар иккита қилиб ўрилади, бошда думалоқ мўйна телпакча.

Оёқларда рангдор этиклар. Бу этикларнинг пошнаси унчалик баланд бўлмайди. Этикларга оқ, кўк, қизил иплар билан кашта тикилади ёки оқиш ранг билан миллий нақш ишланади.

### РАҚС ТАСВИРИ

#### ДАСТЛАБКИ ҲОЛАТ

Қизлар ўнг томондаги охирги кулисада бир-бирларининг орқасида қатор тизилиб турадилар. Қўллар тирсакдан букилиб, орқага ўтказилган (I-расм).

#### БИРИНЧИ ШАКЛ — «ЧИҚИШ» (16 ТАКТ)


Музиканинг биринчи қисми ижро этилади.

1—8-тактлар. Музиканинг 8-такти чалинганда қизлар кулисаларнинг орқасида турадилар.

**9—16-тактлар.** Қизлар «асосий қадам» (ўнг оёқдан бошланадиган биринчи ҳаракат)ни ижро этиб, саҳнанинг орқа томони бўйлаб бирин-кетин юрадилар, кейин соат стрелкаси йўналишига тескари доира бўйлаб ҳаракат қиладилар (2-расм). Қўллар тирсакдан букилиб, орқага ўтказилади (1-расм).



1-расм.



2-расм.

16-тактнинг сўнги чорагида қизлар умумий доира ҳосил қиладилар ва доиранинг ўртасига юз ўгирганлари ҳолда, ўнг томонга буриладилар (3-расм).

**ИККИНЧИ ШАКЛ — «УТОВ ТИКИШ» (16 ТАКТ)**

Музиканинг иккинчи қисми ижро этилади.

**1—8-тактлар.** Қизлар олдинга чўзилган қўлларини бирлаштириб, ўнг оёқдан бошлаб (4-расм), доира бўйлаб «ёндама» (2-ҳаракат) қадам ташлаб, соат стрелкаси йўналишида ҳаракат қиладилар.

**9—10-тактлар.** Қизлар «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда доирани ўртасига томон ҳаракат қиладилар (5-расм), бир-бирларининг қўлларини ушлаган ҳолда юқорига кўтариб «ўтов тикадилар» (6-расм).



3-расм.



4-расм.

**11—12-тактлар.** Қизлар «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда доирани кенгайтирадилар.

Қўлларини секин-аста пастга туширадилар ва елка текислигида ён томонга ўтказадилар.

13—16-тактлар. Раққосалар қўлларини қўйиб юборадилар, орқаларига ўтказадилар (1-расмга қаралсин) ва «ёндама қадам» ташлаб, соат стрелкасининг йўналиши бўйлаб ҳаракат қиладилар. Шунда сахнанинг олдинги қисмидаги ўрталикда турган бир қиз ва сахнанинг




5- расм.

6- расм.

7- расм.

ўнг томонида турган икки қиз биринчи «учлик»ни ҳосил қилиб, чап кулисалар томон ҳаракат қиладилар. Сахнанинг орқа қисмида турган бир қиз ва сахнанинг чап томонида турган икки қиз эса, иккинчи «учлик»ни ҳосил қилиб, ўнг кулисалар томон ҳаракат қиладилар (8-расм).




8- расм.

УЧИНЧИ ШАКЛ — «УЧЛИКЛАР» (32 ТАКТ)

Музиканинг биринчи қисми чалинади.


1—3-тактлар. Қизлар учта-учтадан бўлиб, «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда, бир-бирларига қараганда, сахнанинг ўрта қисмига юрадилар (9-расм). Қўллар кўкрак устида қовуштирилган.




9- расм.

**4—5-тактлар.** Саҳнанинг ўрта қисмига етгач, «биринчи учлик»даги ҳар бир қиз «иккинчи учлик»даги қизнинг ўнг томонига ўтиб туради. Қизлар жуфт-жуфт бўлиб, «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда, бир ўринда ўнг томонга қараб айланадилар (10-расм).

**6—8-тактлар.** Қизлар «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда, учта-учтадан бўлиб, саҳнанинг қарама-қарши томонига ўтадилар: биринчи «учлик» ўнг кулисалар, иккинчи «учлик» — чап кулисалар томонига ўтади (11-расм).




10-расм.



11-расм.

8-тактнинг сўнги чорагида қизлар саҳнанинг ўртасига орқа ўгириб турадилар.




12-расм.

**9—11-тактлар.** Қизлар учта-учтадан бўлиб, «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда (12-расм), орқалари билан юриб қайтадилар. Ўнг қўлнинг учини кафт орқаси билан белга қўядилар, чап қўлни тирсакдан букиб юқорига кўтарадилар. Қўлнинг панжалари пастга осилтирилади. Иккала қўлнинг бармоқлари олдинга чўзилган ва йиғилган бўлади, (13-расм).




13-расм.



14-расм.

**12—13-тактлар.** Саҳнанинг ўртасига етгач, биринчи «учликда»ги қизларнинг ҳар бири иккинчи «учлик»даги қизнинг ўнг томонига ўтади. Қизлар жуфт бўлиб «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда, соат стрелкасининг йўналишига тескари томонга тўлиқ бурилиб, ҳаракат йўлига орқа ўгирганлари ҳолда айланадилар. Қўлнинг ҳолатини ўзгартирмайдилар, бошлар ўнгга бурилган бўлади (14-расм).

**14—16-тактлар.** Қизлар учта-учтадан бўлиб, «асосий қадам»ни ижро этганлари ҳолда орқалари билан юриб, ўз жойларига қайтадилар: биринчи «учлик» чап кулисаларга томон, иккинчи «учлик» ўнг кулисаларга томон (15-расм). Ҳар бир «учлик»даги қизлар орқа томондан



15-расм.

бир-бирларининг белларини ушлайдилар, чет томонда турган қизлар бўш қўлларини орқага ўтказадилар (16-расм).

Музиканинг иккинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Иккинчи «учлик»даги қизлар орқа томондан бир-бирларининг белларидан ушлаганлари ҳолда, чап кулисалар олдида турган қизларнинг ёнига «асосий қадам» ташлаб юриб келадилар. Биринчи «учлик» даги қизлар ўз жойларида енгил-елпи ўйнайдилар; қўлларини эса 13-расмда кўрсатилгандек тутадилар.

**5—8-тактлар.** Иккинчи «учлик»даги қизлар қўлларини кўкрак устида қовуштирганча «асосий қадам» ташлаб, орқалари билан юриб, саҳнанинг ўртасига қайтадилар.



16-расм.


Биринчи «учлик»даги қизлар ҳам бир-бирларининг белларидан ушлайдилар. Четда турган қизлар бўш қўлларини орқага ўтказадилар (16-расм) ва «асосий қадам» билан иккинчи «учлик»даги қизларнинг кетидан саҳнанинг ўртасига томон ҳаракат қиладилар (17-расм).

8-тактнинг охириги чорагида ҳар иккала «учлик»даги қизлар саҳнанинг ўртасига етадилар ва доира ҳосил қилиб; қўлларини пастга туширадилар.

**9—12-тактлар.** Қизлар қўлларини бириктирадилар ва «ёндама қадам» ташлаб, соат стрелкасининг йўналиши бўйича доира бўйлаб ҳаракат қиладилар (4-расмга қаралсин).

12-тактнинг сўнги чорагида раққосалар сахнанинг олдинги ва охириги қисми ўрталигида биринчи ва иккинчи «учлик» қизлари орасида ҳосил бўлган доирани бузадилар.

**13—16-тактлар.** Учта-учтадан бўлган раққосалар бириктирган қўлларини ажратмасдан соат стрелкасининг йўналиши бўйлаб ҳаракат қилганлари ҳолда «ёндама қадам» ташлаб ҳар томонга тарқаладилар: биринчи «учлик» чап кулисаларга томон, иккинчи «учлик» ўнг кулисаларга томон ўтади (8-расмга қаралсин). 16-тактнинг сўнги чорагида қизлар қўлларини ажратадилар ва сахнанинг ўртасига юз ўгирганлари ҳолда ўнг тиззалари билан чўккалайдилар.



17-расм.

**ТУРТИНЧИ (32 ТАКТЛИ) ШАКЛ**

Музиканинг биринчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Қизлар чўккалаган ҳолда, гўё сигир соғаётгандай, гоҳ ўнг қўллари, гоҳ чап қўллари юқоридан пастга томон туширадилар. Қўллари тирсакдан букилган, бармоқларини даҳанларидан юқори кўтармайдилар.

**5—6-тактлар.** Раққосалар секин-аста ўринларидан турадилар ва 5-тактда қўллари ўнгга чўзадилар, 6-тактда эса тирсакларини букканча чапга чўзадилар.


**7—8-тактлар.** Биринчи «учлик»даги қизлар оддий қадам билан ўнг томонга, иккинчи «учлик»даги қизлар эса чап томонга айланадилар (18-расм).

8-тактнинг охириги чорагида ҳаммалари сахнанинг ўртасига қарган ҳолда чап тиззалари билан чўккалайдилар.

**9—16-тактлар.** Қизлар «жун саваш» ҳаракатини ижро этадилар (3-ҳаракат). Улар қўлларида гўё калтак ушлагандай ердаги жунни савайдилар. 16-тактнинг сўнги чорагида ўринларидан турадилар.

Музиканинг иккинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Иккинчи «учлик»даги қизлар турган жойларида тўр-




18-расм.

19-расм.

тинчи ҳаракатни ижро этадилар. Бу ҳаракат билан кигиз босаётганликларини билдирадилар.

Айни вақтда биринчи «учлик»даги қизлар бир-бирларининг белларидан ушлаб (16-расмга қаралсин), оёқларини бир марта дўпиллатиб ташлаганлари ҳолда, иккинчи «учлик» сари ҳаракат қиладилар (5-ҳаракат, 19-расм).

**5—8-тактлар.** Биринчи «учлик»даги қизлар қўлларини қўйиб юборадилар ва тўртинчи ҳаракатни ижро этганча орқалари билан юриб, чап ён кулисалардаги ўз жойларига қайтадилар. Иккинчи «учлик»даги қизлар орқа томондан бир-бирларининг белларидан ушлаган ҳолда (16-расмга қаралсин), «дўпирлама қадам» ташлаб (20-расм), биринчи «учлик»нинг орқасидан борадилар.



20-расм.

**9—12-тактлар.** Қизлар 1—4-тактларда ижро этган ҳаракатларни такрорлайдилар.

**13—16-тактлар.** Раққосалар 5—8-тактларда ижро этган ҳаракатларини такрорлайдилар. Улар саҳнанинг ўртасига келадилар ва 16-тактнинг охириги чорагида доира ҳосил қиладилар.

#### БЕШИНЧИ (16 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг иккинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Қизлар қўл ушлашиб, «ёндама қадам» ташлаганлари ҳолда соат стрелкасининг йўналиши бўйлаб юрадилар.

**5—8-тактлар.** Раққосалар саҳнанинг олдиндаги ва орқадаги қисмида ҳосил бўлган доирани бузадилар ва «ёндама қадам» билан соат стрелкасининг йўналиши бўйлаб ҳаракат қилганлари ҳолда ўнг ва чап кулисалар бўйлаб тарқаладилар (8-расмга қаралсин). 8-тактнинг сўнги чорагида «учлик»даги қизлар саҳнанинг ўртасига қараганча кулисалар ёнида тўхтайдилар (8-расмга қаралсин).

**9—12-тактлар.** Иккинчи «учлик»даги қизлар еттинчи, «ип йигириш» ҳаракатини ижро этганлари ҳолда, биринчи «учлик»даги қизлар сари юрадилар. Биринчи «учлик»даги қизлар эса турган жойларида олтинчи ҳаракатни ижро этадилар.

**13—16-тактлар.** Иккинчи «учлик»даги қизлар олтинчи — «ип йигириш» ҳаракатини ижро этганлари ҳолда орқалари билан юриб, саҳнанинг ўртасига қайтадилар. Биринчи «учлик»даги қизлар худди шу ҳаракат билан уларнинг кетидан юрадилар. 16-тактнинг охириги чорагида ҳаммалари саҳнанинг ўртасига келиб, доира ҳосил қиладилар.

#### ОЛТИНЧИ (64 ТАКТЛИ) ШАКЛ

Музиканинг биринчи қисми ижро этилади.

**1—6-тактлар.** Қизлар чап елкалари билан доира ўртасига томон буриладилар ва олтинчи ҳаракатни ижро этганлари ҳолда, соат стрел-

касининг йўналишига тескари ҳаракат билан доира бўйлаб юрадилар. 6-тактнинг сўнги чорагида биринчи «учлик» даги қизлар сахнанинг ўнг томонига келадилар, иккинчи «учлик»даги қизлар эса сахнанинг чап томонига келадилар.

**7—8-тактлар.** Қизлар учта-учтадан бўлишиб, олтинчи ҳаракатни ижро этганлари ҳолда, доира бўйлаб юриб, ўз жойларига қайтадилар: биринчи «учлик»дагилар чап кулисага, иккинчи «учлик»дагилар ўнг кулисага ўтадилар. 8-тактнинг охириги чорагида «учлик»даги раққосалар ўнг ва чап кулисаларга етиб, сахна ўртасига қараб турадилар.



21-расм.

**9-12-тактлар.** Иккала «учлик»нинг ижрочилари еттинчи, «калава ўраш» ҳаракатини ижро этганлари ҳолда бир-бирларига қараб сахнанинг ўртасига юриб келадилар.

**13—16-тактлар.** Биринчи ва иккинчи «учлик»даги қизлар еттинчи ҳаракатни ижро этганлари ҳолда орқалари билан юриб, ўз жойларига (ўнг ва чап кулисаларга) қайтадилар.

Музиканинг иккинчи қисми ижро этилади.

**1—8-тактлар.** Раққосалар яна сахнанинг ўртасига қайтадилар; кейин илгариги 9—16-тактлардаги ҳаракатларни такрорлаганлари ҳолда, ўз жойларига қайтадилар. 8-тактнинг охириги чорагида қизлар сахнанинг ўртасига қараганча олтинчи позиция бўйича (21-расмда кўрсатилгандай) ерга ўтирадилар.

**9—10-тактлар.** Қизлар ўтирганча гўё дарёдан кўзаларга сув тўлдираётгандай ва сув тиниқми, тиниқмасми дегандай «кўзага» қараб-қараб кўядилар.

**11-такт.** Утирганлари ҳолда, қизлар ўнг қўллари билан белбоғларидан рўмолча суғуриб оладилар. Рўмолнинг бир учидан ушлаганча бошларини, қўлларини ўнг томонга эгадилар ва гўё сувда рўмолни чайётгандай пастга туширадилар.

**12-такт.** Қизлар ўтирганча сувда «рўмол чайиш» ҳаракатини давом эттирганлари ҳолда бошларини чап томонга буриб, ўнг қўлларини чап томонга ўтказадилар (21-расм).

**13-такт.** Раққосалар ўтирган ҳолда ўнг қўлларини ўнг томонга ўтказадилар ва бошларини ўнгга оғдирадилар.

**14-такт.** Раққосалар 12-тактдаги ҳаракатларини такрорлайдилар.

**15-такт.** Қизлар ўринларидан туриб, рўмолнинг икки четидан икки қўллари билан ушлаганча юқори кўтарадилар.

**16-такт.** Қизлар ўз жойларида «асосий қадам»ни ижро этадилар. Рўмолнинг икки четидан ушлаб юзларига тутиб турадилар.

Музиканинг биринчи қисми ижро этилади.

**1—6-тактлар.** Учта-учтадан бўлган қизлар «асосий қадам» билан бир-бирларига қараганча сахнанинг ўртасига келадилар. Ҳаммалари рўмолларини икки қўллаб ушлайдилар. Ўнг оёқдан «асосий қадам»

ташлаб, қўлларини ўнг томонга, сўнгра чап оёқдан «асосий қадам» ташлаб, рўмолни чап томонга енгил силкитадилар.

**7—8-тактлар.** Икки «учлик»даги қизлар асосий қадам билан рўмолни ўнг томонга — белбоғга қистирадидлар ва бир-бирларидан хиёл узоқлашадидлар. 8-тактнинг сўнгги чорагида улар доира ҳосил қиладидлар.

**9—16-тактлар.** Қизлар чап елкалари билан доиранинг маркази томон буриладидлар, қўлларини орқаларига ўтказадидлар (1-расмга қаралсин) ва «асосий қадам» билан доира бўйлаб соат стрелкасининг йўналишига тескари томонга айланадилар.

16-тактнинг охириги чорагида қизлар чап томонга бурилиб, ўртага қараганча қўл ушлашадидлар.

Музиканинг иккинчи қисми ижро этилади.

**1—4-тактлар.** Раққосалар қўлларини қўйиб юбормасдан, «ёндама қадам» билан доира бўйлаб, соат стрелкасининг йўналишича ҳаракат қиладидлар.

**5—6-тактлар.** Қизлар «асосий қадам» билан доирани торайтириб, сахнанинг ўртасига юрадидлар. Ушлашган қўлларини секин-аста бўшатиб, юқорига кўтарадидлар ва яна қўл ушлашадидлар (6-расмга қаралсин), гўё ўтовни йиғаетган бўладидлар.


**7—8-тактлар.** Раққосалар доирани кенгайтириб «асосий қадам» билан орқага қайтадилар. Ушлашган қўлларини секин-аста пастга туширадидлар ва елка барабар икки томонга чўзадидлар.

**9—12-тактлар.** Қизлар қўл ушлашганча чап оёқдан бошлаб «ёндама қадам» ташлаганлари ҳолда соат стрелкасининг йўналишига тескари доира бўйлаб юрадидлар. 12-тактнинг охириги чорагида қўлларини қўйиб юборадидлар.

**13—14-тактлар.** Раққосалар чапга бурилганча ўнг елкаларини сахнанинг ўртасига қаратганлари ҳолда, қўлларини орқага ўтказадидлар (1-расмга қаралсин) ва «асосий қадам» билан, соат стрелкасининг йўналиши бўйича доирада юрадидлар: 14-тактнинг охириги чорагида қизлар сахнанинг олдига қатор чизиладидлар ва чапга бурилиб томошабин томонга қарайдидлар (22-расм).



22-расм.



23-расм.

**15-такт.** Қизлар томошабинларга оҳиста таъзим қиладидлар.

**16-такт.** Қаторнинг чап томонидаги уч қиз чап кулисага, ўнгдагиси ўнг кулисага кириб кетади (23-расм).

## ҲАРАКАТЛАР ТАСВИРИ

### БИРИНЧИ ҲАРАКАТ «АСОСИЙ ҚАДАМ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — биринчи позиция.  
Музика ўлчови  $\frac{2}{4}$ .

Бир Унг оёқда олдинга қадам ташланади.  
и Чап оёқда олдинга ўртача қадам ташланади.  
Икки Унг оёқда олдинга қадам ташланади.  
и Пауза.

Ҳаракат чап оёқдан яна қайтарилади. Агар ҳаракат орқага томон ёки турган жойда ижро этиладиган бўлса, шунга мувофиқ орқага қарата ёки турган жойда қадам ташланади.

#### ИККИНЧИ ҲАРАКАТ «ЕНЛАМА ҚАДАМ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — олтинчи позиция.

Музика ўлчови  $\frac{2}{4}$ .

Бир Унг оёқ билан чапга, чап оёқнинг олдига кўндаланг қилиб  
и қадам ташланади.  
Чап оёқ билан чапга қадам ташланади.  
Икки Унг оёқни олтинчи позиция ҳолатидагидек қилиб чап оёқнинг  
ёнига келтириб қўйилади.  
и Пауза.

Ҳаракат яна ўша оёқнинг ўзидан бошлаб такрорланади. Агар иж-  
рочи бу ҳаракатни чап оёқдан бошласа, ўнг томонга қараб юриши ке-  
рак.

#### УЧИНЧИ ҲАРАКАТ «ЖУН САВАШ»

Дастлабки ҳолат — қизлар чап тиззаларида (чўккалаб) ўтиради-  
лар.

Қўл тирсакдан букилган.

Музика ўлчови  $\frac{2}{4}$ .

Бир Тиззалаганда ўнг оёқ билан ерни дўпиллатилади. Чап қўл-  
нинг тирсакдан букмаган ҳолда юқорига кўтарилади, панжа-  
лар йиғилган — гўё қўлида таёқ ушлаб тургандек бўлади.  
Унг қўл аввалги ҳолатда қолади.  
и Чап қўл ердаги жунни таёқ билан ураётгандай ҳаракат қи-  
лади.  
Икки Тиззада ўнг оёқ билан ерни дўпиллатилади. Унг қўлнинг  
тирсаклари букилмаган ҳолда юқорига кўтарилади, панжа-  
лар йиғилган — гўё қўлида таёқ ушлаб тургандек бўлади.  
и Унг қўл ерда ётган жунни саваётган каби ҳаракат қилади.

#### ТУРТИНЧИ ҲАРАКАТ «КИГИЗ БОСИШ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — биринчи позиция.

Музика ўлчови  $\frac{2}{4}$ .

Бир Унг оёқ билан олдинга қадам ташланади.  
и Қўллар олдинга ва кўкрак баландлигида ўнгга кўтарилади.  
Чап оёқни ўнг оёқнинг ёнига келтириб қўйилади.  
Икки Унг оёқ билан олдинга кичикроқ қадам ташланади. Қўллар  
пастга туширилади.  
и Чап оёқни ўнг оёқнинг ёнига келтириб қўйилади.

Ҳаракат чап оёқда такрорланади. Раққоса қўлларини олдинга ва  
чап томонга ўтказди. Ҳаракат орқага ёки турган жойда бажарилган-  
да, худди шунга мослаб орқага томон ёки турган жойда қадам ташла-  
нади.

#### БЕШИНЧИ ҲАРАКАТ «ДУПИР-ДУПИР ҚАДАМ ТАШЛАШ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — биринчи позиция.

Музика ўлчови  $\frac{2}{4}$ .

- Бир      Унг оёқда олдинга дўпирлатиб қадам ташланади.  
и      Чап оёқни ўнг оёқнинг ёнига келтириб қўйилади.  
Икки    Унг оёқни дўпирлатиб олдинга кичикроқ қадам ташланади.  
и      Чап оёқни ўнг оёқнинг ёнига келтириб қўйилади.

#### ОЛТИНЧИ ҲАРАКАТ «ИП НИГИРИШ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — биринчи позиция.

Музика ўлчови  $\frac{2}{4}$ .

- Затакт    Унг қўлни тирсакдан букиш ва тирсакни орқага ўтказиш керак. Қўл панжалари бел. баробарида пастга туширилади. Чап қўлни тирсакдан букиб, юқорига кўтарилади, панжалар даҳан баробар бўлади (24-расм).



24-расм.

- Бир      Унг оёқни дўпирлатиб, олдинга қадам ташланади. Унг қўлни букмаган ҳолда даҳан баробар кўтарилади. Чап қўл пастга туширилади, эгилган тирсак орқага ўтказилади, панжалар бел баробар туради.  
и      Чап оёқ билан олдинга кичикроқ қадам ташланади. Қўлларнинг ҳолати ўзгармайди.  
Икки    Унг оёқ билан олдинга кичикроқ қадам ташланади. Қўлларнинг ҳолати ўзгармайди.  
и      Пауза.  
Ҳаракат чап оёқдан бошлаб такрорланади. Раққоса чап қўлини юқорига, ўнг қўлини эса пастга туширади (24-расмга қаралсин). Ҳаракатни орқага қарата ёки турган жойда бажариш мумкин. Бу ҳолда шунга мослаб орқага ёки турган жойда қадам ташланади.

#### ЕТТИНЧИ ҲАРАКАТ «КАЛАВА УРАШ»

Оёқларнинг дастлабки ҳолати — биринчи позиция.

Музика ўлчови  $\frac{2}{4}$ .

Ҳаракат икки тактда ижро этилади.

- Бир      1-такт. Унг оёқ билан олдинга қадам ташланади. Чап қўл юқорига ва бош баробар ўнг томонроққа кўтарилади, бар-

моқлар йиғилган — гўё ипни ушлаб тургандек бўлади. Ўнг кўлнинг тирсаги бел текислигида енгил эгилган.

**и** Чап оёқ билан олдинга қадам ташланади. Кўллар аввалги ҳолатда туради.

**Икки** Ўнг оёқ билан олдинга қадам ташланади. Чап кўл тирсадан букилган ҳолда чапта, диагональ бўйича пастроққа туширилади гўё ипни пастга тортилаётгандай бўлади. Ўнг кўлнинг ҳолати ўзгармайди.

**и** Чап оёқни сал кўтариб, ўнг оёқнинг ёнига кўйилади. Чап кўлнинг тирсадан букилган жойи тўғриланган ҳолда, чапта томон пастроққа тушириш давом эттирилади. Ўнг кўл юқорига кўтарилади, тирсак букилган ва пастга эгилган, панжалар юз текислигида, бармоқлар юмилган бўлади.

**Бир** **2-такт.** Чап оёқ билан олдинга қадам ташланади. Гўё ип ўраётгандай ўнг кўлнинг панжалари билан айланма ҳаракат қилинади (соат стрелкасининг йўналишича). Чап кўлнинг ҳолати ўзгармайди. Ўнг оёқ билан олдинга қадам ташланади, ўнг кўлнинг панжалари билан соат стрелкасининг йўли бўйича яна бир марта ип ўраётгандай айланма ҳаракат қилинади, чап кўлнинг ҳолати ўзгармайди.

**Икки** Чап оёқ билан олдинга қадам ташланади. Ўнг кўл пастга туширилади.

**и** Пауза.

"ЯЙЛОВИЙ"  
Рақсига музика

Шошилмасдан Бир текисда. С.Пинков музикаси

The musical score is written for piano and consists of 16 measures, numbered 1 through 16. The notation is in a 2/4 time signature with a key signature of two flats (B-flat and E-flat). The score is divided into four systems of four measures each. The first measure of the first system is marked with a circled '1'. Chord markings are placed above the bass staff: 'В' (B-flat) above measures 1, 5, 9, and 13; 'М' (E-flat) above measures 2, 6, 10, and 14; 'Б' (B-flat) above measures 3, 7, 11, and 15; and 'Б' (B-flat) above measure 16. The final measure (16) is labeled 'Охири (Конец)' (The End). The piano part features a steady accompaniment of chords and moving bass lines, while the treble staff contains a simple melodic line.

2 1 2 3 4

*mp*

**М** **Б**

5 6 7 8

**Б** **Б**

9 10 11 12

**Б** **Б**

13 14 15 16

Охири сўзигача  
қайтарилсин

**М** **7** **Б**

## МУНДАРИЖА

Крученка. Т. <i>Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	3
Бедана. Р. <i>Қурбонов</i> таржимаси . . . . .	21
Ликопча рақси. Т. <i>Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	52
Қалдирғоч. Х. <i>Муҳиддинов</i> таржимаси . . . . .	70
Яйловий. Т. <i>Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	94

*На узбекском языке*

## ТАНЦЫ НАРОДОВ СССР

*Тўплам эълон қилинган материаллардан тузилди.*

Редакторлар: У. Шамсимуҳамедов, С. Варелас,  
Р. Қурбонов

Рассом В. Старцев

Расмлар редактори Т. Қалентьев

Техредактор Л. Парпихўжаев

Корректор Ш. Зухриддинов

Босмахонага берилди 14/II 1966 й. Босишга рухсат  
этилди 30/I 1967 й. Формати 70×108<sup>1/16</sup>. Босма л.  
6,75. Шартли босма л. 9,45. Нашр. л. 7,45. Тира-  
жи 500. Ғафур Ғулум номидаги бадиний адабиёт  
нашриёти, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 183 — 65

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот дав-  
лат комитетининг 3-босмахонасида босилди.  
Заказ № 899. 1967. Баҳоси 52 т.